

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*  
*Ислом Каримовнинг*

**„ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИРЧЛИК  
ВА ОМОНЛИК КЕРАК“**

*расоласини ўрганган бўлишга*

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНИМА**

Тошкент — 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Ислом Каримовнинг**

**„ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА  
ОМОНЛИК КЕРАК“**

**рисоласини ўрганиш бўйича**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**„О‘ҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ  
ТОШКЕНТ — 2013**

УЎК: 323(575.1)(075)

КБК 66.3(5Ў)6 уа722

Ў32

**Нашр учун масъул илмий-ижодий гуруҳ:**

*М.Комилов, У. Фафуров, М.Амонбоев*

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

Қ. ҚУРАНБАЕВ — сиёсий фанлар доктори, профессор;

М. БЕКМУРОДОВ — иқтисод фанлари доктори, профессор;

Н. ЖЎРАЕВ — сиёсий фанлар доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюси „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ деган ном билан „Ўзбекистон“ нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан китоб ҳолида чоп этилди. Ушбу рисолада Иккинчи жаҳон уруши бутун инсоният, жумладан, ўзбек халқи бошига қандай оғир синов ва мусибатлар олиб келгани, фашизмга қарши урушда қозонилган буюк ғалабага эл-юртимиз муносиб ҳисса қўшгани, афсуски, бугунги кунда ҳам юртимиз, минтақамиз тинчлиги ва хавфсизлиги учун жиддий хавф-хатарлар сақланиб қолаётгани, Афғонистонда давом этаётган уруш ана шундай таҳдид ўчоқларидан бири экани, бу эса барчамиздан ҳушёр ва огоҳ бўлиб яшашни талаб этиши ва бошқа кўплаб долзарб масалалар бўйича ўта муҳим ғоя ҳамда хулосалар илгари сурилади. Шунинг учун ҳам бу асарни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, халқимиз, айниқса, ёшларнинг онгу тафаккурига сингдириш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қўлланма ана шу заруратни ҳисобга олган ҳолда тайёрланди. Ундан мазкур рисолада баён этилган энг муҳим фикр ва ғояларнинг мазмун-моҳиятини очиб беришга қаратилган таҳлилий материаллар, назарий-методик ишланма ва тавсиялар ўрин олган бўлиб, у ўқувчи ва талаба ёшларнинг сиёсий-ижтимоий, фалсафий билимларини чуқурлаштиришга, ижтимоий-сиёсий онгини юксалтиришга хизмат қилади.

*Мазкур ўқув қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2013 йил 11 октябрдаги 4-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.*

## СЎЗ БОШИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳри марказида жойлашган Хотира майдонига ташриф буюради ҳамда бу ердаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гул қўйиб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтиради. Давлатимиз раҳбари уруш ва меҳнат фахрийлари, жамоатчилик вакиллари билан кўришиб, самимий мулоқот қилади. Маросим сўнгида эса мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларига интервью беради. Ана шу анъанага мувофиқ, юртбошимиз Ислом Каримов 2013 йил 9 май куни — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берган интервьюсида Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг буюк аҳамиятини таъкидлаб, айти пайтда, бугунги кунда юртимизда, минтақамизда, дунёда юз бераётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисаларни чуқур таҳлил этиб берди ва шу асосда янги фикр ва ғоялар, концептуал хулосаларни баён этди. Давлатимиз раҳбарининг мазкур интервьюси „Ўзбекистон“ нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ деган ном билан китоб ҳолида чоп этилди ҳамда мамлакатимиз ва дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди.

Рисолада, аввало, Ватан учун, юрт учун жон берган ватандошларимизнинг хотираси эсланиб, фашизм устидан қозонилган ғалаба инсоният, жумладан, бизнинг халқимиз учун ғоят қимматга тушганини унутмаслигимиз кераклиги яна бир бор таъкидланади. „Айти шу кунларда халқимиз уруш даврида бошидан кечирган оғир синовларни яна ва яна бир бор хаёлимиздан ўтказар эканмиз, ўтмиш воқеалар, албатта, барчамизни ўйлантиради ва керакли хулосалар чиқаришга даъват этади“<sup>1</sup>, деб эътироф этади муаллиф.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган воқеликнинг ўзи қандай нотинч замонда яшаётганимизни чуқур англашни талаб этади. Бундай мураккаб шароитда тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақтлар йўл қўйган хатоларини яна такрорлаши рисолада алоҳида қайд этилиб, тарих ва замон диалектикаси янги қарашлар билан бойитилади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда 1999 йилдан буён умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиб келмоқда.

Барчамизга аёнки, ажодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, осмонимиз мусаффолиги, юртимиз

<sup>1</sup> *Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 10-бет.

равнақи йўлида хизмат қилган нурунийларни эъзозлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардандир.

Бундан 15 йил олдин юртимизда бу санага Хотира ва қадрлаш куни деб ном берилганидан кейин унинг маъно-мазмуни тубдан ўзгарди. Пойтахтимизда, барча вилоят ва туман марказларида аввалги „Номаълум солдат“ деб ном олган, қандайдир мавҳум ғояни ифода этадиган ёдгорликлар ўрнига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилиб, Хотира майдонлари ташкил этилди. Бу, биринчи навбатда, мазкур сананинг асл инсоний моҳиятини яққол очиб беради.

Эндиликда 9 май куни мамлакатимизда Иккинчи жаҳон урушида қурбон бўлган миллионлаб одамлар хотираси олдида бош эгиб таъзим қиладиган, бутун ҳаёт бўлган уруш қатнашчиларига юксак ҳурмат-эҳтиром бажо келтириладиган, эзгу мазмунга эга бўлган байрамга айланди.

Ўтганларни ёдга олиш, хотирлаш, уларнинг охирати обод бўлишини тилаш айнан Мотамсаро она сиймоси орқали намоён бўлмоқда. Чексиз қайғуга чўмган онаизор тимсолида жигарбандининг тирик эканига, унинг эсон-омон ўз бағрига қайтишига умид қилиб ўтган минг-минглаб оналарнинг тақдири, уларнинг соғинч ва изтироблари акс этган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз ва мўътабар эканини ифода этади.

Бугун уруш тутаганига 68 йил бўлишига қарамасдан, дунёдаги айрим кучларнинг ҳали-бери тарихдан зарур хулоса ва сабоқ чиқариб олмагани маълум бўлмоқда. Биз бу ғалабани фашизм устидан қозонилган ғалабамиз, деб эслаймиз, бунда халқимизнинг муносиб ҳиссаси борлигидан хурсанд бўламиз, қалбимиз ғурур-ифтихорга тўлади. Бу мудҳиш балони остонамизга қўймаган жасур ота-боболаримиз олдида таъзим қиламиз, уларнинг қаҳрамонлигини ҳеч қачон унутмаймиз, деб ўзимизга қасамёд этамиз.

Минг афсуски, кишилик тарихида мана шундай ваҳшийлик, мана шундай урушни яна ва яна ташкил қилишга бўлган уринишлар тўхтагани йўқ. Агар дунёга, узоқ-яқин ҳудудларга қарайдиган бўлсак, қанча-қанча тўқнашувлар, қанча-қанча тортишувлар, қанча-қанча қуролли ҳаракатлар, керак бўлса, офатлар, қон тўкишлар ҳануз давом этаётганини кўрамиз. Шулар ҳақида тўхталар экан, Президентимиз Ислом Каримов бугунги куннинг яна бир ўткир муаммоси, Афғонистонда ўттиз йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган уруш ҳозирги даврда бизнинг ҳудудимизда, бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда. Содда қилиб айтганда, кўп йиллардан буён давом этаётган бу қонли урушни ҳарбий куч билан ҳал қилиш мумкин эмаслигига урушда қатнашаётган томонлар тобора иқроп бўлмоқда, айнан шу ҳолатни кўпчилик тан олмоқда.

Бошқача айтганда, бу инқирозни бартараф этишнинг ягона йўли – сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келишдир. Минг афсуски, бугунги кунда Афғо-

нистоннинг ўзида ва унинг ташқарисидаги кучлар ўз манфаатларини кўзлаб, бу можарони сиёсий асосда ечишга қарши чиқмоқда.

Мана шундай ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда Афғонистонда жойлашган, асосан, АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ деб ном олган ҳарбий кучларини 2014 йилга қадар Афғонистон ҳудудидан чиқариш жараёнининг бошланиши кутилмоқда. Бу Афғонистонда янги қарама-қаршилиқнинг авж олишига, турли миллат ва элатлар ўртасидаги зиддият ва тортишувларни янада кучайтиришга олиб келиши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, бундай ҳолат Афғонистон атрофидаги мамлакатлар ҳудудида ҳам кескинлик ва катта муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

Шу муносабат билан рисолада Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати ҳақида атрофлича фикр юритилиб, бу сиёсатнинг аниқ ва очиқ сиёсат экани таъкидланади.

Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига **аралашмаслик**, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик, **Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни кўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади.**

Бундай ёндашув, бундай позиция бизнинг мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар билан муҳрлаб қўйилган. Айни шундай сиёсатни олиб боришни:

- кимнингдир „ўйин“ларига қўшилмаслик;
- қўшниларимиз билан тинч-осойишта яшаш;
- эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш;
- яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилмоқда<sup>2</sup>.

Президентимиз бундай сиёсат ва мақсадларни ҳаётга татбиқ этишда барчамизга куч-қувват бағишлайдиган омил ва мезонлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Хусусан:

„Бизга нима керак? Тинчлик керак! Яна бир бор тинчлик ва қўшни давлатлар билан ҳамжиҳатлик керак. Мана шундай хулоса негизида биз ташқи сиёсатимизнинг ҳар томонлама асосланган тамойилларини қонуний асосда белгилаб олдик“<sup>3</sup>.

Рисолада тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмаслиги, бунинг учун барчамиз шу мусаффо осмонни сақлаш, асраш учун курашимиз, фидойилик кўрсатишимиз даркорлиги, ҳар қандай кескинлик, қарама-қаршилиқ ва офат келишини узоқдан англаб, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилишимиз кераклиги, бунинг учун ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишимиз, бепарволикка, беғамликка йўл қўймаслигимиз, кундалик ҳаётимиздан сабоқ чиқариб, эртанги кунимизнинг, келажагимизнинг мустақкам пойдеворини бугун яратиб, бу Ватан меники, уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоялаш учун мен курашмасам, ким курашади,

---

<sup>2</sup>Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 24-бет.

<sup>3</sup> Ўша манба, ўша бет.

деган даъват билан яшаш ҳаммамизнинг, авваламбор, ёшларимизнинг бурчига айланиши лозимлиги алоҳида таъкидланади.

Мазкур рисола ана шундай ўта долзарб фикр ва ғоялари, назарий-амалий хулосалари билан бугунги мураккаб дунёда юз бераётган глобал ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар моҳиятини англаш, улардан тегишли сабоқлар чиқариб яшашда алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ана шуларнинг барчасини инобатга олган ҳолда, ушбу рисолани мамлакатимиз олий ўқув юртларида ўқиб-ўрганиш бўйича махсус ўқув қўлланма тайёрланди.

Албатта, битта ўқув қўлланма доирасида Президентимизнинг мазкур рисоласида баён этилган барча фикр ва ғоялар, концептуал қарашларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини тўлиқ очиб бериш қийин. Ушбу қўлланма шу йўлдаги дастлабки уриниш, тажриба, холос. Шунинг учун ҳам ўқув қўлланма муаллифлари уни келгусида тўлдириш ва бойитиш бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, мутахассислардан, талабалардан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришларини кутиб қолади.

---

---

## **1-БОБ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНING ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА ҚОЛДИРГАН ЖАРОҲАТЛАРИ**

Мамлакатимизда ўзининг фидокорона, мардлик ва жасурлик фазилатлари билан бугун эркин ва озод, тинч ва осойишта ҳаётимизни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз давлатимиз, жамиятимиз томонидан эъзозланиб келинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2013 йил 25 апрелда эълон қилинган „Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида“ги Фармони урушда ҳалок бўлган юртдошларимиз хотирасига, оловли жангтоҳлардан омон қайтган боболаримизга, оғир кунларни сабр-бардош билан енгиб ўтган момоларимизга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди<sup>4</sup>. Бундай эътибор ва ғам-хўрлик мустақиллик йилларида ўзига хос миллий қадриятимизга айланди.

Бугун орамизда бўлиб, истиқлол шарофати ила ҳаёт завқини сураётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг ҳолидан хабар олиш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш — жамоатчилигимизнинг доимий эътиборида.

Илгари, собиқ тузум даврида 9 май, асосан, ғалаба байрами сифатида бутун Иттифоқ ҳудудида катта дабдаба билан нишонланар эди. „Қизил майдон“ деб аталган марказий майдонларда ҳарбий парадлар ўтказилар, пионер ва комсомоллар, ишчи ва деҳқон синфи вакиллари саф тортиб ўтарди, минбарда эса шўро доҳийлари турар эди.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида 1999 йилда бунёд этилган Хотира майдонида миллий услубда бунёд этилган пешайвонлардаги лавҳаларда ўша мудҳиш урушда ҳалок бўлган барча юртдошларимизнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилган. Бу уларнинг жасорати ва матонати халқимиз хотирасидан ҳеч қачон ўчмаслиги, уруш фожиаларидан сабоқ чиқариб яшаш барчамизнинг бурчимиз экани, мамлакатимизда инсон хотираси муқаддас, унинг қадр-қиммати азиз ва мўътабар эканининг амалий ифодасидир.

Ҳар йили 9 май куни пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум бўлади. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенатор ва депутатлар, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташриф буюрадилар.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади. Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўяди ва Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтиради.

---

<sup>4</sup>„Халқ сўзи“, 2013 йил 26 апрель.



2013 йили Хотира ва қадрлаш кунда ҳам ана шундай маросим бўлиб ўтди. Халқимиз Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 68 йиллигини, 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлади. Ўша куни юртбошимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари учун интервью берди.

„Шу кунларда барча юртдошларимиз ўз инсоний бурчини бажо этиб, Ватанимиз озодлиги, мусаффо осмони учун жон бериб, қурбон бўлганларнинг муқаддас хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари. — Бугунги кунда орамизда ҳаёт бўлиб, бизга маънавий ибрат кўрсатиб юрган муҳтарам уруш қатнашчиларини ана шу буюк сана билан чин қалбдан табриклашни ўзим учун катта шараф деб биламан. Айни вақтда фронт ортида хизмат қилиб, ўта оғир шароитда ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшган юртдошларимизга, барча фахрийларимизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қоламан.

Бугун шу улуғ айёмни нишонлар эканмиз, Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабанинг кўпчилик қатори бизнинг халқимиз учун ҳам нақадар қимматга тушгани, эл-юртимиз мудҳиш қирғинларда қанча қурбонлар, қанча йўқотишлар бергани, қанча етим-есирларнинг оху фарёди, мислсиз азоб-уқубатларни кўрганини ёдга олсак, айтиш мумкинки, бутун инсониятнинг тақдири, унинг келажаги ҳал бўлган ўша мусибатли даврларни эслайдиган бўлсак, бу қонли уруш одамларимизнинг хотирасида ҳеч қачон ўчмасдан умрбод қолажагига яна ва яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз“<sup>5</sup>.

Президентимиз ҳозирги вақтда баъзи давлатларда „Урушнинг энг оғир юқини биз кўтардик“ деган мазмундаги гаплар, даъволарга холисона баҳо берди. Бу урушнинг заҳмати, машаққатини собиқ Иттифоқ таркибида бўлган барча республикалар, уларнинг халқлари, минг-минглаб оддий одамлар ўз елкасида бирдек кўтарганини таъкидлади.

Ана шу фикрларнинг амалий далили сифатида Президентимиз қуйидаги рақамларга эътибор қаратди. „Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллионга яқин аҳоли яшаган бўлса, шундан 1,5 миллиони жангларда бевосита иштирок этган. 500 мингга яқин юртдошларимиз урушда ҳалок бўлганини, қанчаси бедарак кетганини, қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтганини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай катта ҳисса қўшганини тасаввур қилиш қийин эмас“<sup>6</sup>, деди давлатимиз раҳбари.

Ана шу рақамлар ортида турган воқеалар, қанча-қанча инсонлар умрининг бевақт хазон бўлгани ҳақида ўйлар эканмиз, Иккинчи жаҳон урушининг қандай бошлангани, унинг сабаблари хусусида, қисқача бўлса-да, фикр юритамиз.

1939 йил 1 сентябрда фашистлар Германияси қўшинлари Польшага бостириб киради. Шу тариқа Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетди. 1941 йил 22 июнь куни Германия ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани бузиб, Совет Иттифоқига ҳужум бошлади. Иттифоқ таркибидаги барча республика-

<sup>5</sup> *Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 4–5-бетлар.

<sup>6</sup> Ўша манба, 8-бет.

лар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам бу урушда қатнашиб, ўз ери, ўз халқини ҳимоя қилишга отланди.

Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимиз аҳолиси, унинг барча моддий ресурслари урушга сафарбар этилди. Ўзбекистон халқининг бошига офир синов ва машаққатлар тушди. Ўрта Осиё ҳарбий округи фронт учун 1941 йил июндан 1942 йил охиригача ҳарбий сафарбарлик асосида 109 та ҳарбий қўшилма тузди, ҳаракатдаги армияга ва Олий Бош қўмондонлик қароргоҳи резервига 86 та дивизия ва бригада жўнатди.

Иқтисодий жадал ҳарбий изга солиш энг муҳим вазифа эди. Бунда фронт орқаси меҳнаткашларининг хизматини алоҳида таъкидлаш лозим. 1941 йил 26 июндан бошлаб ишчи ва хизматчилар учун иш вақтидан ташқари мажбурий қўшимча ишлар жорий қилинди, ҳафтасига мавжуд беш кунлик ўрнига олти кунлик, бир кунда 11 соатлик иш куни жорий қилинди. Амалда иш куни 12–14 соатга чўзиларди. Бу эса ишчи ва хизматчилар сонини оширмасдан, ишлаб чиқариш қувватини кучайтириш имконини берди. Бироқ ишчи кучи барибир етишмасди. Ўзбошимчалик билан корхонадан кетиб қолганларга 5 йилдан 8 йилгача қамоқ жазоси белгиланди.

Ўзбекистонда металлургия, энергетика, ёқилғи ва машинасозлик саноатларини қайтадан шакллантириш эвазига Иттифоқ ҳарбий ишлаб чиқариш асосларини мустаҳкамлади.

Уруш йилларида Ўзбекистонда саноатнинг барча соҳаларига тааллуқли бўлган 280 та янги саноат корхонаси қурилди. Республиканинг саноат қуввати 1945 йили 1940 йилга нисбатан 2 марта, нефть ишлаб чиқариш 4 марта, металлни қайта ишлаш 4,5 марта, машинасозлик 13,4 марта, кўмир ишлаб чиқариш 30 марта ва пўлат ишлаб чиқариш 2,5 марта ошди. Кимё саноати ишлаб чиқарадиган ялпи маҳсулотлар 5 баробар кўпайди.

Алоқа, телефон, телеграф ходимлари ҳам уруш талабларига мослашиб ишладилар. Уруш йилларида республика халқ хўжалиги ходимлари олдида саноатни хом ашё билан, аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш вазифаси ҳам қўйилди.

Вазиятнинг мураккаблиги шундан иборат эдики: 1) республика қишлоқ хўжалиги пахта етиштиришга ихтисослаштирилган бўлиб, озиқ-овқат маҳсулотларининг бир қисми Иттифоқ фондидан келтирилар эди. Уруш бошланганидан кейин озиқ-овқат келтириш тўхтади, аҳолини боқиш учун ички имкониятларни топиш зарур эди; 2) деярли 1 миллионга яқин киши, 200 минг етим болалар Ўзбекистонда бошпана топди. Ўзбекистон халқи уларга ғамхўрлик қилиб ўз бағридан, уйдан жой берди. Эвакуация қилинган аҳоли ҳисобидан шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши озиқ-овқатга бўлган талабни янада оширди; 3) деҳқонлар фронтга ва ҳарбий саноатда ишлашга сафарбар этилгач, деҳқончиликнинг машаққатли меҳнати кексалар, аёллар, ўсмирлар зиммасига тушган эди; 4) МТС ва совхозларга СССРнинг ғарбий ҳудудларидан янги тракторлар, қишлоқ хўжалиги машиналари ва уларга эҳтиёт қисмлар келтириш тўхтаб қолган эди.

Бундай қийинчиликларга қарамасдан, республикада деҳқончиликнинг таркиби кескин ўзгарди. Пахтачиликни асосий тармоқ сифатида сақлаб қолган ҳолда дон, қанд-лавлаг, каноп, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтириш тadbирлари кўрилди. Биринчи навбатда, экин

майдонларини кенгайтириш, ирригация имкониятларини ошириш юксак суръатлар билан олиб борилди.

Юқорида зикр этилганидек, Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1,5 миллионга яқин киши қатнашган бўлса, уларнинг ҳар 3 нафаридан биттаси урушдан қайтмади. Бундай фожиадан юртимиздаги бирор-бир хонадон четда қолмади.

Собиқ Иттифоқ таркибидаги барча республикалар, мухтор (автоном) вилоятлар, миллий округлар уруш гирдобига тортилди, фронтга сафарбар этилди. Урушнинг биринчи ойидаёқ Ўзбекистондан 32 мингдан ортиқ ишчи, хизматчи, колхозчи ва ёшлар ўзларини фронтга жўнатишларини сўраб ариза бердилар. Дастлабки кунлардан бошлаб юз минглаб ватандошларимиз қўлга қурол олиб фронтга жўнаб кетдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганларидек, 1941 йилда республикаимиз аҳолиси 6,5 миллион кишидан иборат бўлган, уларнинг ярмини эса болалар ва кексалар ташкил этган, меҳнатга яроқли одамларимизнинг 50–60 фоизи, аниқроғи, 1433230 киши урушга сафарбар этилган<sup>7</sup>.

Бутун Иттифоқда бўлганидек, урушнинг дастлабки кунлариданоқ республикаимизнинг бутун куч-қудрати, иқтисодий салоҳияти мудофаа манфаатларига бўйсундирилди. Саноат ҳарбий изга кўчирилди. 1941 йилнинг охирида Ўзбекистоннинг 300 та завод ва фабрикаси фронт учун ишлаш бошлади. Мамлакат ғарбидан 100 га яқин ҳарбий аҳамиятга молик саноат корхоналари кўчириб келтирилди.

Уруш даврида халқимизнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли республикада саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 7 баробар кўпайди. Қишлоқ меҳнаткашлари эса уруш йилларида 4 миллион 806 минг тонна пахта, 1 миллион 282 минг тонна дон, 54,1 минг тонна пилла, 48 минг тонна картошка ва сабзавот, 57,8 минг тонна мева ва узум, 159 минг тонна гўшт, 36 минг тонна қуруқ мева ва бошқа кўплаб деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етказиб бердилар.

Қизил армиянинг йирик қурол-аслаҳа базасига айланган Ўзбекистон 1941–1945 йилларда фронтга 17 мингта авиамотор, 3 миллион донага яқин авиабомба, кўплаб портлагичлар, снарядлар, гранаталар ва яна 2 минг дона фронт учун энг зарур бўлган самолётни ҳам етказиб берди.

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтга зарур нарсаларни етказгани, ҳар бир вилоятимизда урушда қатнашаётган жангчилар учун иссиқ кийимлар жўнатиш ҳаракатининг кенг ёйилгани ҳам республикаимиз меҳнаткашларининг фашизмни тор-мор этишдаги муҳим улуши эди.

Халқимиз мудофаа фонди учун ўз жамғармаларидан 650 миллион сўм пул берди, 4,2 миллиард сўмлик давлат заёмларини сотиб олди. Умуман, ўзбек халқи уруш йилларида фронт эҳтиёжлари учун йиғиб берган жами пул маблағлари 5 миллиард сўмни ташкил этди.

Уруш бўлаётган ва душман яқинлашиб келаётган ҳудудлардан муҳим саноат корхоналарини, колхоз, совхоз ва МТСларнинг мулкларини, маданий бойликлар ва ўқув масканларини Шарққа, жумладан, Ўзбекистонга зудлик

---

<sup>7</sup> *Ислом Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 80-бет.

билан кўчириб келтириш, жойлаштириш ишлари бошланиб кетди. Кишилик тарихида кўлами жиҳатидан бундай катта воқеа биринчи марта содир бўлди. Ўзбекистонга 100 га яқин саноат корхонаси, жумладан, 48 та машинасозлик, металл ишлаш, химия, ҳарбий техника ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган йирик заводларнинг асбоб-ускуналари кўчириб келтирилди. Улар ишчи кучи, хом ашё, асбоб-ускуналар билан таъминланди ва фронт учун маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Кўчириб келтирилган корхоналар шошилинич бўшатиб берилган ва янги қурилган биноларга жойлаштирилди.

Ўзбек халқи ўзининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги ва болажон халқ эканини ўша йилларда яна бир бор намоиш қилди. Уруш йилларида халқимиз фронт ичкарасида ва уруш ҳаракатлари кучли бўлган Украина, Белорусь ва РСФСРнинг ғарбий вилоятларида ота-онасиз ва қаровсиз қолган жами 1 миллион нафар ёш болалар, қариялар ва ишчиларни ўз бағрига қабул қилди ва уларга меҳр кўрсатди. Тошкент шаҳри хотин-қизларининг ташаббуси билан республикада етим болаларни фарзандликка олиш ҳаракати кенг тус олди.

Уруш даврининг оғир шароитига қарамасдан тошкентлик темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов умр йўлдоши Баҳри ая билан 14 нафар (каттақўрғонлик Самадовлар оиласи эса 13 нафар) етим қолган ва Тошкентга олиб келинган болани фарзандликка олиб, вояга етказдилар.

Республикамизга жангларда ярадор бўлган аскар ва зобитлар ҳам келтирилди. Бу борада ҳам халқимиз ўз меҳр-саховатини кўрсатди. Ўзбекистон соғломлаштириш марказларидан бирига айланди. 1941 йилнинг 1 октябригача Ўзбекистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги тизимида 14950 ўринга эга бўлган 47 та госпитал барпо этилди ва зарур ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда Москвадан, Калинин, Ростов ва бошқа вилоятлардан 15900 ўринга эга бўлган 48 та госпитал кўчириб келтирилиб, турли шаҳарларимизга жойлаштирилди ва ишга туширилди.

Вилоят, шаҳар, туман бошқарув идоралари госпиталлардаги беморлар ҳолидан хабар олиб турди, госпиталларга хўжаликлар ташкил этиш ва иш юритиш учун ер майдонлари ажратиб берилди. Агар 1941 йилда шу мақсадда 385,5 гектар ер ажратилган бўлса, 1943 йилга келиб ажратилган ер майдонлари 656 гектарни ташкил этди. 1942 йилда 1513 меҳнат жамоаси, шу жумладан, 750 та корхона, колхоз ва совхоз госпиталларни оталиққа олиб, уларни ёқилғи, озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаб турди. Ўзбекистонлик 18482 нафар донор ярадорларни оёққа турғизиш учун қон бериб турди.

Уруш йилларида Ўзбекистондаги госпиталларга 164382 нафар ярадор ва беморлар жойлаштирилди, уларнинг 87 фоизи, 143101 киши даволаниб чиқди.

Ўзбекистонликлар даволаниб соғайганларга совға-саломлар бериш билан бирга, уларга чиройли халтача тикиб беришни ҳам қанда қилмаган.

Шу тариқа, Ўзбекистон ҳукумати ва ўзбек халқи урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб фашизмга қарши курашда ғалаба қозониш учун ҳар томонлама муносиб ҳисса қўшди.

Уруш туфайли Ўзбекистондаги саноат тармоқларининг йўналиши ҳам, саноат ходимларининг иш тартиби ва малакаси ҳам тубдан ўзгарди. Корхоналарда янги меҳнат тартиби жорий қилиниб, иш кунини узайтирилди, ишдан ке-

йин қолиб ишлашга тўғри келди, меҳнат таътиллари, дам олиш кунлари ҳам бекор қилинди.

Барча саноат корхоналари ҳарбий изга солиниб, миномёт ва автоматлар, самолёт, танклар учун эҳтиёт қисмлар ва бошқа ҳарбий қуроллар ишлаб чиқарила бошланди. 1941 йилнинг декабрига Тошкент шаҳридаги 137 та саноат корхонасининг 64 таси қурол-яроғлар, фронт учун зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришди.

Корхоналарда ишлаётганларни, асосан, кексалар, ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этар эди. Урушнинг бир ярим йили мобайнида Ўзбекистон саноатида аёлларнинг салмоғи 29 фоиздан ошиб, 1943 йилда 63,5 фоизни ташкил қилди.

Меҳнатга яроқли кишилар урушга сафарбар этилгани боис ишлаётган ва янги қурилган саноат корхоналарига кексалар, аёллар, чақриқ ёшига етмаган ўсмирлар ва қизлар жалб этилиб, уларга ҳунар ўргатилди. Республикада 100 мингдан кўпроқ малакали ишчи тайёрланди. Фақат ҳунар ва темир йўл билим юртлари, фабрика ва заводлар қошидаги таълим мактаблари 57 мингдан зиёд ёш ишчи кадр тайёрлаб берди. Корхоналар зиммасига юкланган катта топшириқлар кишилардан жисмоний зўриқиш билан, ҳатто ҳолдан тойгунча ишлашни талаб қиларди. Ўзбекистонликлар ғалаба учун ҳар қандай оғирликни, қийинчиликни енгиб ўтди. Республикамиз бамисоли Қизил армиянинг қурол-аслаҳонасига айланди. Саноатнинг янги тармоқлари — авиация, станоксозлик, оғир машинасозлик, қора ва рангли металлургия ва бошқа тармоқлари вужудга келди. 1940 йилда ялпи саноат маҳсулотида оғир саноатнинг ҳиссаси 13,9 фоизни ташкил этган бўлса, 1945 йилда 47,5 фоизни ташкил этди.

Республика саноат корхоналари қувватларининг кенгайиши, кўчириб келтирилган заводларнинг ишга тушиши, биринчи навбатда, электр энергияси ва ёқилғи ишлаб чиқаришни кескин оширишни талаб қилди. Ўзбекистонда металлургия заводи қуриш, кўмир ва нефть қазиб олишни кўпайтириш тadbирлари ҳам белгиланди. Янги саноат корхоналари ва энергетика тармоқлари қурилиши учун 1 миллиард сўм маблағ ажратилди.

Бўзсув дарёси ўзанларида Товоқсой, Оққовоқ, Солар, Қуйибўзсув, Оқтепа, Қибрай ГЭСлари, Самарқанд вилоятида Талигулян ГЭСи, 30 га яқин кичик колхоз ГЭСлари, шаҳарлар ва йирик корхоналар ёнида кичик ГЭСлар қурилиб, ишга туширилди. Ўзбекистонда электр энергияси ишлаб чиқариш қарийб 2,5 баробар, яъни 1940 йилдаги 482 миллион киловатт соатдан 1945 йилда 1187 миллион киловатт соатга кўпайди.

1943 йилда Ўзбекистонда энг йирик гидроэлектростанциялардан бири — Фарҳод ГЭСи барпо этилди. У умумхалқ қурилишига айланиб, 10 ойлик фидокорона меҳнат натижасида Сирдарё жиловланди.

Уруш йилларида ёқилғи саноати ривожига ҳам муҳим эътибор қаратилди. Ангрендаги кўмир конида яна учта шахта ва очиқ усулда кўмир қазиб олинган кон бунёд этилди. Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида Қизилқия кўмир кони фойдаланишга топширилди, ўта иссиқлик қувватига эга бўлган кўнғир кўмир қазиб олинди. 1940 йилда Ўзбекистонда атиги 3,4 минг тонна кўмир қазиб олинган бўлса, 1945 йилда 103 минг тонна кўмир қазиб олинди. Натижада республикада саноатнинг янги тармоғи — кўмир саноати барпо қилинди.

Чуқурлангар, Толмозор, Найман, Шаҳрихон, Хўжаобод, Жанубий Оламушук ва бошқа янги нефть конлари ишга туширилди. Нефть тозалаш заводи, унинг чиқиндисидан озакрит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уруш йилларида республикада нефть ишлаб чиқариш 4 марта кўпайди ва 1945 йилда 478 минг тоннадан ортди.

Энергетика ва ёқилғи саноатининг ўсиши машинасозлик саноатининг ривожланишига қулай база яратди. Фарбдан кўчириб келтирилган заводлар негизида 16 та станоксозлик, тўқимачилик ва машинасозлик корхонаси ташкил этилди.

Буларнинг барчаси металлга бўлган талабни кучайтирди. Шу боис 1942 йил 17 июнда Бекободда металлургия заводи қуришга қарор қилинди. 30 мингдан кўпроқ кишининг фидокорона меҳнати билан қурилган бу завод 1944 йил 5 мартдан бошлаб маҳсулот бера бошлади.

Юртимиз учун ғоят оғир бўлган ана шу йилларда геологик-қидирув ишлари ҳам давом этди. Лангар, Ингичка, Қўйтош, Фортепа, Олмалик рангли металл конлари, Оқтош боксит конини ўзлаштириш ишлари бошланиб кетди. Улардан қазиб олинган вольфрам, молибден, мис, алюмин ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш қорхоналари қурилди.

Кимё саноати ривожланди. Чирчиқ электрокимё комбинатининг иккинчи навбати муҳим кимё маҳсулоти — аммиак ишлаб чиқара бошлади. 1943 йилда Қувасой кимё заводи, Қўқон суперфосфат заводи, Фарғона гидролиз заводи қурилиб, ишга туширилди. Кимё саноати маҳсулотлари салмоғи 1940 йилга нисбатан 1945 йилда 6,1 баробар кўпайди.

Транспорт соҳасига муҳим эътибор қаратилиб, темир йўллар ҳам ҳарбий ҳолатга ўтказилди. 1943 йил 25 январда „Тошкент темир йўли иши тўғрисида“ махсус қарор қабул қилинди. Тошкент темир йўл транспортчилари кўчириб келтирилаётган қорхоналарнинг асбоб-ускуналарини ва миллионлаб кишиларни Фарбдан Шарққа, жанговар техника ва қурол-яроғларни Шарқдан Фарбга ўз вақтида тўхтовсиз ўтказиб туриш топшириғини бажардилар. Фақат 1941—1942 йилларда Ўзбекистон темир йўлчилари 2700 таркибдаги пассажир поездларини, кўчирилган қорхоналарнинг асбоб-ускуналари ортилган 17600 вагонни белгиланган манзилга, ўқ-дорилар, ёқилғи, озиқ-овқат, кийим-кечаклар ортилган минглаб вагонларни фронтга етказишди.

Ўзбекистонда янги темир йўллар қурилиши жадал олиб борилди, 1941—1945 йилларда темир йўл линиялари 2 баробар узайди. Бойсун-Отқулоқ-Турангли, Тошкент — товар станцияси темир йўллари қурилиб ишга туширилди.

Айнан шу йилларда Тошкент вилоятидаги кўмир ҳавзаси билан боғланган Тошкент-Ангрен темир йўли ҳам қуриб ишга туширилган эди.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон алоқачилари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Уруш йилларида мавжуд алоқа, телефон, телеграф ишлари ҳам ҳарбий ҳолатга мослаштирилиб, Тошкент-Самарқанд-Ашхобод, Тошкент-Самарқанд-Боку, Тошкент-Самарқанд-Красноводск телефон тармоғи, иккита Тошкент-Самарқанд-Бухоро телефон алоқа йўли қурилди. 1943 йилда қуриб ишга туширилган 500 километрлик телефон йўли Тошкентни Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон билан боғлади. Йирик қорхоналарда ҳам 50—100 ўринли телефон станциялари қурилди.

Чуқурлангар, Толмозор, Найман, Шаҳрихон, Хўжаобод, Жанубий Оламушук ва бошқа янги нефть конлари ишга туширилди. Нефть тозалаш заводи, унинг чиқиндисидан озакрит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уруш йилларида республикада нефть ишлаб чиқариш 4 марта кўпайди ва 1945 йилда 478 минг тоннадан ортди.

Энергетика ва ёқилғи саноатининг ўсиши машинасозлик саноатининг ривожланишига қулай база яратди. Фарбдан кўчириб келтирилган заводлар негизда 16 та станоксозлик, тўқимачилик ва машинасозлик корхонаси ташкил этилди.

Буларнинг барчаси металлга бўлган талабни кучайтирди. Шу боис 1942 йил 17 июнда Бекободда металлургия заводи қуришга қарор қилинди. 30 мингдан кўпроқ кишининг фидокорона меҳнати билан қурилган бу завод 1944 йил 5 мартдан бошлаб маҳсулот бера бошлади.

Юртимиз учун ғоят оғир бўлган ана шу йилларда геологик-қидирув ишлари ҳам давом этди. Лангар, Ингичка, Қўйтош, Фортепа, Олмалиқ рангли металл конлари, Оқтош боксит конини ўзлаштириш ишлари бошланиб кетди. Улардан қазиб олинган вольфрам, молибден, мис, алюмин ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари қурилди.

Кимё саноати ривожланди. Чирчиқ электрокимё комбинатининг иккинчи навбати муҳим кимё маҳсулоти — аммиак ишлаб чиқара бошлади. 1943 йилда Қувасой кимё заводи, Қўқон суперфосфат заводи, Фарғона гидролиз заводи қурилиб, ишга туширилди. Кимё саноати маҳсулотлари салмоғи 1940 йилга нисбатан 1945 йилда 6,1 баробар кўпайди.

Транспорт соҳасига муҳим эътибор қаратилиб, темир йўллар ҳам ҳарбий ҳолатга ўтказилди. 1943 йил 25 январда „Тошкент темир йўли иши тўғрисида“ махсус қарор қабул қилинди. Тошкент темир йўл транспортчилари кўчириб келтириляётган корхоналарнинг асбоб-ускуналарини ва миллионлаб кишиларни Фарбдан Шарққа, жанговар техника ва қурол-яроғларни Шарқдан Фарбга ўз вақтида тўхтовсиз ўтказиб туриш топшириғини бажардилар. Фақат 1941–1942 йилларда Ўзбекистон темир йўлчилари 2700 таркибдаги пассажир поездларини, кўчирилган корхоналарнинг асбоб-ускуналари ортилган 17600 вагонни белгиланган манзилга, ўқ-дорилар, ёқилғи, озиқ-овқат, кийим-кечаклар ортилган минглаб вагонларни фронтга етказишди.

Ўзбекистонда янги темир йўллар қурилиши жадал олиб борилди, 1941–1945 йилларда темир йўл линиялари 2 баробар узайди. Бойсун-Отқулоқ-Турангли, Тошкент — товар станцияси темир йўллари қурилиб ишга туширилди.

Айнан шу йилларда Тошкент вилоятидаги кўмир ҳавзаси билан боғланган Тошкент-Ангрен темир йўли ҳам қуриб ишга туширилган эди.

Фашизм устидан қозонилган ғалабага Ўзбекистон алоқачилари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар.

Уруш йилларида мавжуд алоқа, телефон, телеграф ишлари ҳам ҳарбий ҳолатга мослаштирилиб, Тошкент-Самарқанд-Ашхобод, Тошкент-Самарқанд-Боку, Тошкент-Самарқанд-Красноводск телефон тармоғи, иккита Тошкент-Самарқанд-Бухоро телефон алоқа йўли қурилди. 1943 йилда қуриб ишга туширилган 500 километрлик телефон йўли Тошкентни Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон билан боғлади. Йирик корхоналарда ҳам 50–100 ўринли телефон станциялари қурилди.

Барча ташкилотларнинг алоқа тизими, почта ва телеграф бўйича ишчи кучи етишмаслигига қарамасдан, узлуксиз ишлаб, иш унумдорлигини юқори даражага кўтарди. Масалан, Тошкентда бош почта бўлими урушгача бир кунда 90 та миждозга хизмат кўрсатган бўлса, уруш бошланганидан сўнг 900 кишига хизмат кўрсатадиган бўлди. 1942 йилнинг ёзида қисқа муддат ичида қўшимча равишда Москва-Тошкент-Красноводск-Ашхобод-Эрон-Боку радиоалоқа тизими ишга туширилди.

Халқ хўжалигига ва фронт эҳтиёжлари учун Тошкент радиоалоқачилари катта ёрдам кўрсатди. Тошкент Радио уйининг муҳандис ходимлари радиоалоқа ускунасини йиғиб, ишга туширдилар. Шунингдек, тошкентлик муҳандислар Туркистон ҳарбий округининг 14 та автомобилига радиостанция ва қабул қилиш ускуналарини ўрнатиб бердилар. 1943 йилга келиб ўзбекистонлик алоқачилар озод қилинган Харьков вилояти, Краснодар ва Ставрополь ўлкаларининг алоқа тизимини ўз кучлари ва ички имкониятлари билан тиклаб бердилар.

Бу даврда республикамиз қишлоқ аҳли ҳам оғир синовлардан ўтди. Қишлоқ хўжалигимиз пахта етиштиришга йўналтирилганига қарамасдан саноатни хомашё билан, аҳоли ва армияни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашдек оғир вазифани ҳам ўз бўйнига олди. Қишлоқ аҳлининг аксарияти фронтга кетгани сабабли қишлоқ хўжалиги ишларида, асосан, кексалар, ёшлар, хотин-қизлар меҳнат қилди. Бунинг устига, СССРнинг ғарбий ҳудудларидан келадиган техника асбоблари ҳам энди келмас эди. Республика қишлоқ хўжалигидаги тракторлар, автомобиллар, отларнинг бир қисми фронт эҳтиёжи учун олиб кетилган эди.

Уруш сабабли қишлоқ хўжалигининг барча бўғинларида қатъий иш тартиби белгиланди. Энг кам миқдордаги мажбурий меҳнат кунлари 1,5 марта оширилди, ўсмирлар учун ҳам 12 ёшдан бошлаб меҳнат кунлари белгиланди ва уларни бажариш мажбурий қилиб қўйилди.

Республика деҳқончилигининг таркибий тузилиши ҳам кескин ўзгарди. Пахтачиликни асосий тармоқ сифатида сақлаб қолган ҳолда, дон, қанд лавлаги, каноп, пилла, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш тадбирлари кўрилди. Дон экиладиган, суғориладиган ер майдонлари кенгайтирилди. Натижада дон маҳсулотлари етиштириш кўпайиб, 1941 йилги 4,8 миллион центнер ўрнига 1943 йилда 5,3 миллион центнер ҳосил олинди.

Совет даврида маъмурий-бўйруқбозлик усули билан зуғум ўтказилиб, Ўзбекистондан пахта талаб қилинар эди. Ҳатто 1944 йил 6 мартда „Ўзбекистон КП (б) МҚнинг иши тўғрисида“ СССР Коммунистик (большевиклар) партияси Марказий Комитетининг қарори қабул қилиниб, унда пахта режаси бажарилмаганининг объектив сабаблари тан олинмасдан, бу борада республикамиз раҳбарияти айбдор деб топилган эди. Шундан кейин донли экин етиштиришга ўтиб олган хўжаликларнинг анчагина қисми пахтачиликка қайтарилди. Колхозчилар учун энг кам миқдордаги мажбурий меҳнат кунлари сони янада оширилди.

Уруш бошқа республикалар сингари Ўзбекистон аҳолисининг ҳам турмуш даражасини оғирлаштирди. Озиқ-овқат танқислиги вужудга келди. Шаҳарларда озиқ-овқатни, саноат молларини карточка асосида тақсимлаш жорий этилди. Ишчи ва хизматчиларга кунига 400—500 граммдан, уларнинг оила



аъзоларига эса 300 граммдан нон бериш белгиланди. Амалда аҳоли белгиланган меъёрлардан ҳам кам нон оларди. Гўшт, ёғ, балиқ, макарон, ёрма ҳам меъёрланган тартибда тақсимланар, кўп ҳолларда карточкада кўрсатилган миқдорда берилмас эди.

Қишлоқ аҳолиси ишлаган меҳнат кунлари учун деярли ҳақ олмасди. Уларга озиқ-овқат моллари матлубот кооперацияси дўконларида давлатга топширилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари миқдорига қараб қатъий меъёрланган миқдорда бериларди.

Ана шу тариқа уруш йилларида халқимиз жуда оғир кунларни бошидан кечириб, мислсиз заҳматлар чекиб, фидойилик кўрсатди.

Президентимиз Ислон Каримов бу даврдаги ана шу ҳолатни таъкидлаб, бундай деган эди: „Мамлакат ичкарисида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, кексаю ёш акаларимиз, опасингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнатганини, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!“<sup>8</sup>

Бундай фикрлар давлатимиз раҳбарининг „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласида янада теран ифодаланди.

Уруш йилларида республика халқ таълими, жумладан, олий таълим тизими ҳам оғир синовлардан ўтди. Аксарият профессор-ўқитувчилар ва талабалар фронтга кетгани сабабли яқин, турдош институтлар бирлаштирилди, айрим факультет ва кафедралар ёпилди. Самарқанд кооператив институти билан Тошкент молия-иқтисодиёт институти, Тошкент ва Самарқанд тиббиёт институтилари, ўзбек ва Ўрта Осиё давлат университетлари бирлаштирилди. Уларнинг бўшаган биноларига ҳарбий муассасалар, госпиталлар жойлаштирилди. Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Воронеж, Одесса ва бошқа шаҳарлардан 1941–1943 йилларда кўчириб келтирилган 35 та олий ўқув юрти ва 7 ҳарбий академия қабул қилиб олинди, уларнинг баъзилари ўзаро ёки Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан бирлаштирилди.

Халқ таълимида ҳам жиддий қийинчиликлар бўлди. Кўплаб мактаблар, бинолар, госпиталлар, ётоқхоналар ҳарбий ўқув юртларига берилди. Мактаблар бирлаштирилди, кўп сменали ўқиш тартиби жорий этилди. Эркаклар урушга кетгани учун ўқитувчилар етишмас эди. Қисқа муддатли курслар орқали бошланғич синф ўқитувчилари тайёрлашга киришилди. Ишлаётган ўқитувчиларнинг моддий-маънавий аҳволини яхшилашга ҳаракат қилинди. Уруш давом этаётган бўлса-да, 1944 йилда ўқитувчиларнинг ҳарбий хизматдан бўшатилиши мактаблардаги муаммоларнинг бир қатор ечимини топишга ёрдам берди. Кўчириб келтирилган муассасалар ўз жойларига қайтгач, ўқувчилар бўшатирилган ўз мактаблари бағрига қайтиб, ўқишларини давом эттирдилар.

1940–41 ўқув йилида 5504 та умумтаълим мактабида 1368,9 минг ўқувчи ўқиган бўлса, 1945–46 ўқув йилида 4976 та умумтаълим мактабида 989,2 минг бола таълим олди. Таълим-тарбия сифатини яхшилаш мақсадида ўқувчилар билимини баҳолашнинг беш балли тартиби, бошланғич ва етти йиллик мак-

<sup>8</sup> *Ислон Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 80-бет.

табларни тамомловчилар учун битирув имтиҳонлари, ўрта мактабни тамомловчилар учун етуклик аттестати – гувоҳномаси учун имтиҳонлар топшириш мажбурияти жорий этилди.

Санъаткорлардан тузилган 30 дан ортиқ концерт бригадаси фронтдаги жанговор ҳарбий қисмларнинг аскар ва зобитлари учун 400 дан кўпроқ концерт берди, республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларда 15 мингта, госпиталларда 10 мингта концерт уюштирди. Ишчилар, пахтакорлар ҳузурида санъаткорлар доимо хизматда бўлдилар.

Ўзбекистонда тузилган 21- ва 44-отлиқ аскарлар дивизияси, 258-ўқчи дивизия аскарлари Москва остоналаридаги жангларда душманнинг 9000 дан кўпроқ аскар ва зобитларини ер тишлатиб, 137 та аҳоли масканини озод этади, биринчилардан бўлиб Упа дарёсига чиқиб, кўплаб жанговор техникани қўлга туширади. Бу дивизия Москва яқинидаги Калуга шаҳрини озод этишда кўрсатган матонати учун Гвардиячи дивизия унвонига сазовор бўлган эди.

Айниқса, ўзбек қизи Зебо Фаниеванинг жасорати тилларда дoston бўлди. Бу қиз Москвадаги театр санъати институтида ўқир эди. Уруш бошлангач, у фронтга, жангга отланади. Тез орада моҳир мерган ва разведкачи бўлиб етишади. Унинг ҳарбий қисми Москва-Волга канали бўйлаб жойлашган эди. Бу мерган қиз 1942 йилнинг 25 майгача 23 та фашистни ер тишлатади, 16 марта разведкага бориб, душман тўғрисида қимматли маълумотлар олиб келади. 1943 йил августда Демянскда бўлган жангда у оғир ярадор бўлади, 33 марта жарроҳлик операциясига бардош бериб, тирик қолади. Мерган қиз жасорати учун орден ва медаллар билан мукофотланади. У урушдан кейин Бокуда институтни тамомлаб, Москва жаҳон адабиёти институтида номзодлик диссертациясини ёқлайди.

1941 йилнинг декабрида Ўзбекистон делегацияси Москвага боради. Делегация аъзолари Москва остоналарида жанг қилаётган ғарбий фронт жангчилари, зобитлар ва қўмондонлари билан учрашади. Уларга Ўзбекистондан олиб борилган 29 вагон мева, 9 мингта калта пўстин, 20 минг жуфт кигиз этик, 100 минг жуфт иссиқ қўлқоп ва бошқа буюмлар совға қилинади.

Ўзбекистонлик жангчилар 1942 йилда Крим, Донбасс, Дон, Кубан, Шимолий Кавказда бўлган оғир жангларда ҳам қатнашиб, фашизмга қарши қақшатқич зарбалар беради.

Ўзбек ўғлонлари нафақат ҳаракатдаги қисмларда, балки партизанлик ҳаракатларида ҳам фашизмга қарши кураш олиб бордилар. Улар Белорусь ўрмонларида, Югославия, Словакия ва бошқа бир қатор ҳудудларда партизан отрядлари сафида жанг қилдилар. Урушнинг душман устунлик қилган дастлабки даврида бутун-бутун ҳарбий қисмлар душман қуршовида қолиб кетди, кўплаб аскар ва зобитлар ноиложликдан асирга тушиб қолдилар. Асирларнинг сони 5 миллион кишидан ортиқ бўлиб, улар орасида ўзбекистонликлар ҳам бор эди. Душман қамалидан чиқиб олганлар, асирликдан қочиб қутулганлар партизанларга қўшилиб немис фашистларга қарши мардонавор жанглар олиб бордилар. Гомель атрофидаги „Темир йўл уруши“да иштирок этган Жонибек Отабоев, Брянск атрофида душманга тўсатдан зарба берган И.Мусаев, А.Ҳақимов, И.Қосимов ва бошқа юртдошларимизнинг номлари уруш солномасидан ўчмас ўрин олди.

Мустабид совет тузумининг халққа нисбатан ишончсизлиги ва гумонсираши натижасида омон қолиб, юртга қайтган собиқ асирлар тақдири ҳам оғир кечди. Улар ишга жойлашиш ва уйли-жойли бўлишда қийналдилар. Айримлари яна собиқ тузумнинг лагерларига жўнатилди.

Уруш йилларида ўзбекистонлик мард жангчилардан 1753 киши „Москва мудофааси учун“, 2733 жангчи „Сталинград мудофааси учун“, шунингдек, 5931 киши Варшавани, 6846 киши Прагани, 804 киши Белградни, 2430 киши Будапештни, 2000 киши Венани, 1706 киши Берлинни олгани учун таъсис этилган медаллар билан тақдирланди. 109208 жангчига Германия устидан қозонилган ғалаба учун медали топширилди.

Миллатимиз, халқимиз ўғил-қизларидан 120 минг нафари жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатгани учун собиқ Иттифоқнинг орден ва медаллари билан тақдирлангани, 300 нафар ўзбекистонлик жангчига қаҳрамонлик унвони берилгани ғалабага қўшилган улкан ҳиссага берилган баҳо эди.

Фашизм устидан қозонилган ғалаба собиқ Иттифоқ халқларига ниҳоятда қимматга тушди. Етказилган умумий моддий зарар ўша давр баҳолари бўйича тахминан 2 триллион 600 миллиард рублни ташкил этди. Табиийки, бу зарарнинг маълум бир қисми Ўзбекистонга ҳам тегишли эди. Ўзбек халқи аввало ўз юрти, ўз шаҳри, ўз оиласининг бахтини, тинчлигини ўйлаб, мардона жанг қилди, минглаб қурбонлар берди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бу ҳақда алоҳида тўхталиб, қуйидаги фикрларни билдирган эди: „Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси ғоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз Ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмон учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз“<sup>9</sup>.

Юртбошимизнинг „Жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим бўлиб қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати, вақт ўтса-да, даврлар ўтса-да, ҳеч қачон эскирмайди“<sup>10</sup>, деган сўзлари айни ҳақиқатдир.

Давлатимиз раҳбари „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисола-сида мудҳиш ва аёвсиз урушнинг такрорланмаслиги учун унинг илдизлари яна униб чиқишининг олдини олиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганига жиддий эътибор қаратди.

Айниқса, бугунги шиддатли замонда лоқайд ва бепарво бўлмасдан, юртимизда, минтақамизда, Ер юзида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан қараб, бошқаларнинг дардини ўзига яқин олиб яшаш фоят муҳим аҳамият касб этмоқда.

<sup>9</sup> *Ислом Каримов*. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 81-бет.

<sup>10</sup> *Ислом Каримов*. Тарихий хотира ва инсон омили буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 17–18-бетлар.

Шунинг учун ҳам Президентимизнинг рисоласида бу масалага катта эътибор қаратилиб, қуйидаги фикрлар таъкидланади: „Тинч-осойишта ҳаёт, барқарорликнинг энг муҳим шарти шуки, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томонлама сезгир ва уйғоқ бўлиш, тарихдан, ҳаётдан хулоса чиқариб яшаш керак. Бундай қараш, бундай кайфият шу азиз юртимиздаги барча ватандошларимизнинг ҳаётий мақсадига айланишини истардим“<sup>11</sup>.

Бамисоли қалб нидоси каби янграган бу даъваткор сўзлар ҳаммамизни ён-атрофимизга сергак назар ташлаб, доимо уйғоқ бўлиб яшашга ундайди.

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага 68 йил тўлган бўлса-да, у қолдирган жароҳатлар халқимиз қалбидан ҳеч қачон ўчмайди. Ҳар йили юртимизда Хотира ва қадрлаш кунини нишонлар эканмиз, бу ҳақиқатни чуқур ҳис этамиз. Бу байрам айна пайтда халқимизнинг қонқонига сингиб кетган меҳр-оқибат, қадр-қиммат, ўзаро ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб яшаш каби миллий анъаналаримизни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз рисоласида тарих ва тараққиёт масаласига концептуал асосда янгича ёндашилиб, муҳим аҳамиятга молик қуйидаги илмий-назарий хулосалар баён этилади: „Ҳаётнинг ўзи бир ҳақиқатни такрор ва такрор исботлаб бермоқда. Яъни тарихни билмаган, тарихни унутган, тарихдан хулоса чиқармаган ҳар қандай инсон, ҳар қандай халқ ўз йўлидан адашиши, бир вақт йўл қўйган хатоларни яна такрорлаши мумкин. Тарих ўргатади, тарих огоҳ этади. Айна пайтда тарих бизга тўғри йўлни танлашда маслаҳат беради. Бундан олдинги замонларда қандай воқеалар бўлганини, улардан қандай хулосалар чиқариб, қайси хатоларни такрорламаслик кераклигини, қайси йўлдан олдинга бориш лозимлигини ким ўргатади? Албатта, тарих ўргатади. Дунёда бундай ўткир ва таъсирчан бошқа бирон куч борми? Менимча, йўқ“<sup>12</sup>.

Дарҳақиқат, тарих инсоннинг умр йўлидаги хатоларини англашиб, уни огоҳ қилиб турадиган кўзгудир. Унинг сир-синоатга бой воқеаларини ёш авлодга тўғри етказа олиш ҳар биримизнинг бурчимизга айланмоғи лозим. Президентимиз тарих сабоқларидан хулоса чиқариб яшаш, огоҳлик ҳақида ҳам ўта муҳим фикрларни баён этади: „Огоҳ бўлиб яшайдиган одам четдан келатган хавф-хатарни олдиндан кўриб, уни баргараф этиши осон кечади. Агарки турли бало-қазолардан ўз вақтида огоҳ бўлмаса, уларга бепарво қараса, кейин уларни йўқ қилиш жуда қийин бўлади. Бу ҳақиқат неча минг йиллик тарихимизда кўп бор исботини топган.

Хавф-хатарни олдиндан кўрсанг — чорасини топасан, олдиндан кўролмасанг — чорасини топишга вақтинг ҳам, имконинг ҳам қолмайди“<sup>13</sup>. Таъкидлаш керакки, бу фикрлар барчамизнинг ҳаётий қоидамизга айланмоғи лозим.

---

<sup>11</sup> *Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 31–32-бетлар.

<sup>12</sup> *Ўша манба, 9–10 бетлар.*

<sup>13</sup> *Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 9–10-бетлар.

Бугун мамлакатимиз фуқароларини ягона умуммиллий мақсад, миллий ғоямиз атрофида янада жипслаштириш, жамият ва халқ фаровонлигини ошириш, унинг манфаатларини турли таҳдид ва тажовузлардан ҳимоя қилиш борасидаги ишларни кучайтириш бўйича олдимизда турган вазифалардан келиб чиқиб, Президентимиз томонидан илгари сурилган фикр ва ғояларни ҳаётга кенг жорий этиш, давлатимизнинг дунёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ташаббуслари жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси зиммасига улкан масъулият юклайди.

Бугунги мураккаб глобаллашув жараёнида турли таҳдидлардан ҳимояланиш учун, аввало, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларига янада кўпроқ эътибор қаратиш талаб этилади. Чунки, соғлом ва кучли жамиятни фақат маънавияти юксак инсонларгина шакллантиради.

Аждодларимиз юрт озодлиги, тинч ва осуда ҳаётни инсоннинг, халқнинг эзгу орзу-умидларини амалга оширишнинг энг муҳим шарти деб билганлар. Шунинг учун ҳам бундай буюк неъматларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, уларни қўлдан бермаслик учун доимо курашиб, интилиб яшаганлар. Она юрт озодлиги йўлида биргина Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларининг ўзида ярим миллионга яқин юртдошларимиздан ажралганимиз, уруш машаққатлари, фронтдаги қақшатқич жанглар ва фронт орқасидаги оғир меҳнатнинг асосий оғирлиги ота-боболаримиз зиммасига тушгани, халқимиз учун катта қайғу ва мусибатлар олиб келгани очиқ ҳақиқатдир.

Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир миллат, ҳар бир шахс озод ва эркин яшаши учун, биринчи навбатда, ўз ҳақ-ҳуқуқига, миллий ғурурига эга бўлиши, ўзлигини чуқур англаши лозим. Шахс, миллат, авваламбор, ўзини ҳурмат қилганидагина бошқа шахс, миллатларни ҳурмат қилади. Ўзлигини англаган, ўз аждодлари тарихини, қадрият ва урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаган миллатнинг келажаги буюк бўлади. Ҳаққоний ва холис ўрганилган тарих инсонга куч бағишлайди, иродасини мустаҳкамлайди.

Ҳозирги вақтда биз учун энг муҳим масалалардан бири — ёшларимизнинг дунёқарashi, уларнинг онгу тафаккури, қалбини турли ёт иллатлар таъсиридан сақлашдир. Бу нарса мамлакатимиз истиқболи билан, айнан ёшларимизнинг келажақдаги ҳаёти, тақдири билан чамбарчас боғлиқлигини бир дақиқа бўлса-да, унутмаслигимиз керак.

Ҳар бир инсон ҳаётда яшар экан, бу дунёда суянадиган ўз таянч устунлари бўлади. Бу таянч устунларнинг энг биринчиси — она-Ватандир, инсоннинг киндик қони тўкилган замин, ота-боболарининг хоки ётган табаррук тупроқдир. Ватанни севиш, уни муқаддас билиб ардоқлаш халқимизнинг вужудига чуқур сингиб кетган энг улуғ туйғу эканини ҳаммамиз яхши биламиз. Президентимиз жуда кўп таъкидлайдиган „Ватанни севоқ — иймондандир“ деган ҳикмат бежиз айтилмаган.

Ватанни англаб, унга содиқ бўлиб яшаш учун Ўзбекистонимиз тарихини ҳаққоний, тўлиқ, холис ўрганмоғимиз, тарих сабоқларини халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига чуқур сингдирмоғимиз даркор.

Ўзликни англаш ўтмишни ўрганишдан бошланади. Ўзликни англаган инсон иродали инсон бўлиб, уни ҳар хил бузғунчи ғоялар, ёвуз кучлар ўзига бўйсундиrolмайди.

Тарих саҳифаларини варақлаб, юртимиз бошидан кечирган, босиб ўтган йўлга назар ташлайдиган бўлсак, халқимизнинг нақадар кўнгли, қўли очиқ, қалби дарё эканига гувоҳ бўламиз. Бундай халқ тинч, осойишта, фаровон турмуш кечиришга, ўз орзу-ҳавасларини рўёбга чиқаришга, ўзининг ёрқин келажагини ўз қўли билан қуришга ҳар томонлама муносибдир. Шу жиҳатдан ҳам „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ деган даъват халқимизнинг орзу-интилишларини ифода этадиган ҳаққоний даъватдир.

## 2-БОБ. АФҒОНИСТОНДА ДАВОМ ЭТАЁТГАН УРУШ БУТУН МАРКАЗИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИДА ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК УЧУН ЭНГ КАТТА ХАВФ-ХАТАРДИР

**Тинчлик ва омонлик — тараққиёт гарови.** Тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ва ободлик ўз-ўзидан келмайди. Бу бебаҳо неъматларнинг барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун танлаган йўлимизда собитқадам бўлиб, тинчликнинг маъно-мазмунини янада чуқур англашимиз, халқимиз, айниқса, ёшларимизни истиқлол шарофати билан эришган бугунги саодатли кунларимиз ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялашимиз даркор.

„Ақли расо ҳар қайси одам тарихдан сабоқ чиқариб, тинчликнинг қадри, урушнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида чуқур ўйлаб, бугун пайдо бўлаётган ҳар хил хавф-хатарларнинг қандайдир чорасини кўриш, мана шундай азобларни кўрмаган, билмаган болаларимизга шундай кайфиятни синдиришга ҳаракат қилади“<sup>14</sup>.

Бу борада айниқса мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш бугунги кунда энг катта вазифамизга айланмоқда. Бу ҳақда сўз борганда 22 йиллик мустақил тараққиётимиз йўлида элу юртимиз бошдан кечирган оғир синовларни ёддан чиқармаслигимиз, мустақиллигимизни, тинч-осуда ҳаётимизни асраш учун ҳар биримиз доимо курашиб яшашимиз лозимлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш учун турли бало ва офатларни аввалдан англаш, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилиш керак. „Албатта, бугун эркин, озод яшаётган авлод „энди уруш бўлмайди“ деган эзгу ният, қатъий ишонч билан ҳаёт кечирмоқда“<sup>15</sup>.

Ҳозирги вақтда жаҳонда рўй бераётган мураккаб ва қалтис жараёнлар ҳамisha сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишни, бепарволикка, беғамликка асло йўл қўймасликни қатъий талаб сифатида олдимизга қўймоқда.

Халқимизнинг „Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади“ деган нақлида катта ҳикмат бор. Орамизни бир дарё ажратиб турган қўшни Афғонистонда, мана, 35 йилдирки, нотинчлик. Уруш жафокаш афғон халқи бошига не-не кулфатларни солмади дейсиз. Доимий беқарорлик туфайли бу мамлакат иқтисодиёти издан чиқди, юртдан қут-барака кетди. Ҳозирги кунда Шимолий Африка, Яқин Шарқ минтақасидаги кўплаб мамлакатларда ҳам нотинчлик ҳукм сурмоқда. Деярли ҳар куни беғуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётир. Ушбу давлатларда мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат

<sup>14</sup> *Ислом Каримов.* Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 7-бет.

<sup>15</sup> *Ислом Каримов.* Тарихий хотира ва инсон омили буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2012. 9-бет.

масканлари, йирик ишлаб чиқариш иншоотлари, аҳоли турар жойлари харобага айланмоқда. Уруш оловида ёниб, кул бўлган шаҳарлар бундан атиги бир-икки йил аввал ҳаёт қайнаган обод масканлар бўлганига ишонгингиз келмайди. Лекин, минг афсуски, бу — ҳақиқат.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, уруш ва оммавий тартибсизликлар туфайли Тунисда 300 нафардан, Мисрда 800 нафардан зиёд, Ливияда 14 минг нафар одам ҳалок бўлган. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари ҳисоботида қайд этилишича, Сурияда давом этаётган қуролли тўқнашувлар оқибатида ҳар ойда 5 минг киши ҳалок бўлмоқда. Можаро бошланганидан буён эса 93 мингдан зиёд одам қурбон бўлган<sup>16</sup>. Мамлакат аҳолиси бомбардимонлар, зўравонликлардан, тинимсиз отилаётган снаряд ва ўқлардан оиласи, ўз уйини асраш учун жонини, Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлаётир.

Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган бундай мудҳиш воқеаларга уйғоқ кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим. Бу муаммоларга менинг дахлим йўқ, деган тушунча билан яшашнинг, бепарво ва лоқайдлик билан қарашнинг даври ўтган.

Инсон қалбини тилка-пора қиладиган қонли можаролар тўсатдан пайдо бўлиб қолмаганини, ушбу мамлакатларга нисбатан узоқ йиллар давомида аниқ мақсадга қаратилган ахборот хуружлари олиб борилганини эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Халқаро тадқиқот институтларининг хулосаларига кўра, сўнгги тўнтариш ва зиддиятлар натижасида 2012 йилда дунё миқёсида қарийб 307 миллиард АҚШ долларига тенг қурол-яроғ сотилгани, ҳарбий операциялар чоғида отилган ҳар бир бомбанинг нархи 30 минг долларни ташкил қилгани мисолида ҳам ер юзида нима учун уруш ўчоқлари кўпайиб бораётганининг сабабини тушуниш қийин эмас.

Умуман, тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили. Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Истиқлол шарофати, давлатимиз раҳбарининг оқилона сиёсати натижасида биз саодатли, файзли кунларга мушарраф бўлмоқдамиз. Халқимиз табиатиغا хос меҳроқибат, аҳиллик, ўзаро тотувлик сингари фазилатларнинг жамиятимиздаги ўрнини яна мустаҳкамлаб; уларни ёш авлод онги ва қалбига сингдириш эртанги кунимиз янада чароғон бўлиши, эзгу мақсадларимиз ижобатининг муҳим мезонидир. Шу боис эл-юртимизнинг энг буюк бойлиги бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, уни доимо асраш ҳар биримизнинг фуқаролик ва фарзандлик бурчимиздир.

**Ўзбекистоннинг Афғонистонга нисбатан тутган дўстлик ва хайрихоҳлик позицияси.** Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, асрий қардошлик туйғуларни ривожлантириш, яқин қўшничилик муносабатларини кучайтириш ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир. Ана шу мақсаддан келиб чиқиб ва ҳозирги шароитда минтақамиз ва халқларимиз ҳаётига таҳдид солаётганларга қарата Президент Ислам Каримов бундай дейди: „Келгуси авлод вакиллари уруш оловини ёқишга ундаган сабаб ва баҳоналар учун замондош-

<sup>16</sup> Тўрақулов О. Тинчлик ва тараққиёт.// „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 26 июнь.



ларимизни кечирмасалар керак. Тарих ўз ҳукмини ўтказар экан, ҳамма вақт шolini кўрмакдан ажратади ва ғаразли, худбин мақсадларни кўзлаб, халқ манфаатларини ниқоб қилиб олувчи шахсларнинг ўзларини оқлаш учун келтирадиган кибр-ҳаводан иборат далилларини қабул қилмайди.<sup>17</sup>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида“ ги Қарорида (2013 йил 12 июнь) таъкидланганидек, „ўта мураккаб ва таҳликали бир шароитда дунёнинг турли минтақалари, яқин ва узоқ ҳудудларида, ён-атрофимизда қарама-қаршилик ўчоқлари кучайиб, бир сўз билан айтганда, хавф-хатар тобора ўсиб бораётган бир вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган ташқи сиёсатини, унинг мамлакатимиз миллий манфаатларига жавоб берадиган стратегик устивор йўналишларини аниқ белгилаб олиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиши табиийдир“<sup>18</sup>.

Шу мақсадда 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида“ги Қонунда белгиланган асосий принциплар хайрихоҳлик ва дўстлик позициясини билдиради:

- турли ҳарбий ва сиёсий альянслардан узоқ бўлиш;
- ўзининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиш;
- ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслик;
- очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориш.

Концепцияда Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратилган ва „Ўзбекистоннинг ҳаётий муҳим манфаатлари шу минтақа билан боғлиқ“ экани белгилаб қўйилган.

Концепцияда Ўзбекистон ўз қўшниларига нисбатан очиқ ва яхши қўшничилик, дўстлик ва хайрихоҳлик принципларига асосланган сиёсат олиб бориши таъкидланган. Ўзбекистон минтақадаги барча долзарб масалаларни ўзаро манфаатдорлик, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, музокоралар йўли билан халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда ҳал этиш тарафдоридир. Марказий Осиё муаммолари ташқи кучларнинг аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томондан ечилмоғи зарур<sup>19</sup>.

Марказий Осиё ўзининг муҳим геосиёсий жойлашуви ва минерал хом ашё ресурсларининг улкан захираларига эга экани туфайли кучли эътибор объектига ҳамда жаҳондаги энг йирик давлатларнинг стратегик манфаатлари тўқнашадиган ҳудудга айланмоқда. Дунёдаги йирик давлатларнинг Марказий Осиё ҳамда қўшни минтақалардаги табиий ресурслардан фойдаланиш ва бу ресурс-

<sup>17</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 430-бет.

<sup>18</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 июндаги „Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 22 йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида“ги Қарори. // „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 14 июнь.

<sup>19</sup> Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан мустақил Ўзбекистон! Услубий қўлланма — Т.: Маънавият, 2013.

ларни ташиш йўналишларини назорат қилиш учун кураши борган сари жиддий тус олмақда.

Йирик давлатларнинг Марказий Осиё мамлакатларининг сиёсий йўли ва ривожланишини белгилашга, бу ерда ўз ҳарбий-сиёсий иштирокини кенгайтиришга бўлган интилиши кучайиб бормоқда. Минтақада ўз шахсий манфаатларини кўзлайдиган ташқи кучларнинг рақобати кескинлашмоқда.

Бугунги кунда Афғонистондаги вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис деб баҳоламоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан оқ „Кўшнинг тинч — сен тинч“, деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундан 20 йил аввал, яъни 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди. 1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида, 1999 йилда ЕХХТнинг Истанбул учрашувида Афғонистонга қурол-яроғ кирилишига қарши халқаро эмбарго эълон қилиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувиغا чек қўйиш зарурлигини таъкидлади. Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди.

„Ҳеч кимга сир эмас — ҳозирги кунда бизнинг ҳудудимизда, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар — бу Афғонистонда 30 йилдан зиёд давом этаётган урушдир.

Ана шу ўтган даврда бу жафокаш заминда тинч ҳаёт нима эканини билмайдиган янги бир авлод вояга етди. Уруш бошланган пайтда туғилган болалар 30—35 ёшга чиқди. Бу авлоднинг изидан ҳозир яна бир янги авлод оёққа турмоқда. Улар ўз ҳаётида нимага гувоҳ бўлиши мумкин? Фақат уруш, одам ўлдириш, қон тўкиш. Бу ёшларнинг ҳаёти шундан иборат бўлиб қолмаяптими? Ўзингиз ўйланг, шу ҳам ҳаётми ўзи?

Кўпни кўрган афғон халқининг бошига тушган бундай офатни бошқа ҳеч кимга ҳеч қачон кўрсатмасин. Шундан огоҳ бўлиш, шундан хулоса чиқариш зарур“<sup>20</sup>.

Президент Ислом Каримов 2010 йил 20 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг минг йиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқида саммит қатнашчилари эътиборини Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, зиддиятли муаммолар, умумий хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ энг долзарб масалага, БМТнинг бевосита раҳнамолигида Афғонистон муаммосини ҳал этишга қаратиб ғоят муҳим концептуал хулоса ва таклифларни илгари сурган эди.

Афғонистонда воқеаларнинг шундай йўналишда ривожланиши бугунги қарама-қаршиликнинг миллатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кети-

<sup>20</sup> *Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 11–12-бетлар.*

ши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли мутахассислар томонидан истисно этилмаяпти<sup>21</sup>.

Шуни ишонч билан қайд этиш мумкинки, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантириш.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муроСага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўларди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианты йўқ. Концепцияда Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистонга нисбатан тутган позицияси аниқ белгилаб берилган. Ўзбекистон Афғонистонда узоқ муддатли барқарорлик ва бардавом тинчлик тарафдоридир.

Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакати келажагини ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу тамойилга амал қилади.

„Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида“ги Қонуннинг моҳияти ва аҳамияти нимадан иборат?

Афғонистонда 30 йилдан зиёд давом этаётган урушни ҳисобга оладиган бўлсак, шу даврда бу муаммо атрофида жуда кўп чалқаш, зиддиятли, ҳатто бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган фикрлар билдирилди.

Шу мавзуда турли-туман конференциялар, саммитлар, қанча-қанча суҳбатлар, мулоқотлар ўтказилляпти. Афғонистон, биринчи навбатда, Ўзбекистон билан Тожикистон ва Туркманистон билан бевосита чегарадош экан, бу муаммонинг қандай катта хавфи борлигини аввало қўшни давлатлар биледи. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бу масалада доимо жон куйдириб келмоқда. Ўзбекистон тинчлик ва қўшни давлатлар билан ҳамжиҳатлик негизида ташқи сиёсатимизнинг ҳар томонлама асосланган тамойилларини қонуний асосда белгилаб олди. Чунки „бизга манфаат бўлса, афғон халқига манфаати бўлса, фақат икки томонлама алоқаларни ўрнатамиз ва бундай муносабатларни кўллаб-қувватлаймиз“<sup>22</sup>.

**Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш — жаҳон ҳамжамияти олдида турган долзарб масала.** Марказий Осиё минтақасида, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш Президентимиз фаолиятининг энг муҳим ўзак тамойилларидан бири бўлиб келмоқда. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг барча чиқишларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтади. Ху-

<sup>21</sup> *Ислом Каримов.* Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2012. 13-бет.

<sup>22</sup> *Ислом Каримов.* Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013, 26–27-бетлар.

сусан, давлатимиз раҳбари минтақавий тинчликнинг умумий тамойиллари ҳақидаги принципиал муҳим ғояни илгари сурди: „АЙСЕФ“ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта“<sup>23</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган урушнинг охири, якуни ҳалигача кўринмаяпти. Афғонистонда шундай қонли уруш давом этаётган, турли кучлар, гуруҳлар ўртасида ярашиш, муро-сага келиш масаласи мутлақо кўрилмаётган экан, бу Ўзбекистон учун, халқи-миз учун, умуман, ўрта Осиёда яшаётган одамлар учун жуда катта таҳдид, жуда катта хавф-хатардир.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласи бутунги куннинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистон можароси фақат бу мамлакат ёки унинг қўшниларининг муаммоси эмас. Можаро оқибатлари минтақавий ва глобал хавфсизликка бевосита ва ғоят кучли салбий таъ-сир кўрсатмоқда. Бундай шароитда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўлла-рини топишда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутмоқда. Сўнгги ўн йил давомида мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Афғонистон муаммоси нафақат бевосита жуғрофий яқинлик нуқтаи назаридан, балки қатор бошқа сабаблар туфайли ҳам Ўзбекистонда жиддий таш-виш уйғотмоқда. Бу мамлакатдаги кескин нотинч вазият Марказий ва Жану-бий Осиёга доимий равишда таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк даврларидан бошлаб Пре-зидент Ислом Каримов нуфузли халқаро минбарлардан бонг уриб, халқаро ҳамжамиятни Афғонистон тақдирига бефарқ қарамасликка, бу заминда тинч-лик ва барқарорлик ўрнатилиши учун қўлидан келадиган барча чораларни кўришга қатъий даъват этиб келмоқда. Ўзбекистон раҳбари БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида, 1993, 1995, 2000 йилларда бўлиб ўтган саммитларида халқаро хавфсизликка, Афғонистондан чиқаётган таҳдидлар ҳақида дунё аҳлини так-рор ва такрор огоҳлантирди. Ислом Каримов афғон уруши узоқ вақт давоми-да фақат Афғонистон ҳудуди билан чекланиб қолмасдан, ҳар қандай пайтда ёйилиб кетиши, ҳатто узоқ денгиз ва океанлар ортидаги давлатлар учун ҳам ҳалокатли оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақида кўп бор огоҳлантирди.

Қатор экспертлар фикрига кўра, агар жаҳон ҳамжамияти Президент Ис-лом Каримовнинг даъватларига ўз вақтида қулоқ солганида, бугунги фожиа-нинг — „терроризмга қарши кураш“ деб ном олган глобал ва янада вайрон-кор, лекин самараси кам бўлган урушнинг олдини олиш мумкин бўлур эди.

---

<sup>23</sup> *Ислом Каримов.* Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. / Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тан-танали маросимдаги маърузаси. // „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

сусан, давлатимиз раҳбари минтақавий тинчликнинг умумий тамойиллари ҳақидаги принципиал муҳим ғояни илгари сурди: „АЙСЕФ“ деб аталмиш коалицион кўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятнинг янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиши хавфи борлиги, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги кўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта“<sup>23</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, Афғонистонда 30 йилдан кўпроқ вақтдан буён давом этаётган урушнинг охири, якуни ҳалигача кўринмаяпти. Афғонистонда шундай қонли уруш давом этаётган, турли кучлар, гуруҳлар ўртасида ярашиш, муро-сага келиш масаласи мутлақо кўрилмаётган экан, бу Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман, ўрта Осиёда яшаётган одамлар учун жуда катта таҳдид, жуда катта хавф-хатардир.

Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масаласи бутунги куннинг энг мураккаб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистон можароси фақат бу мамлакат ёки унинг кўшнилариининг муаммоси эмас. Можаро оқибатлари минтақавий ва глобал хавфсизликка бевосита ва ғоят кучли салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда Афғонистон муаммосини ҳал қилиш йўллариини топишда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутмоқда. Сўнгги ўн йил давомида мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг Афғонистон муаммосини ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда.

Афғонистон муаммоси нафақат бевосита жуғрофий яқинлик нуқтаи назаридан, балки қатор бошқа сабаблар туфайли ҳам Ўзбекистонда жиддий ташвиш уйғотмоқда. Бу мамлакатдаги кескин нотинч вазият Марказий ва Жанубий Осиёга доимий равишда таҳдид солмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк даврларидан бошлаб Президент Ислон Каримов нуфузли халқаро минбарлардан бонг уриб, халқаро ҳамжамиятни Афғонистон тақдирига бефарқ қарамасликка, бу заминда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши учун қўлидан келадиган барча чораларни кўришга қатъий даъват этиб келмоқда. Ўзбекистон раҳбари БМТнинг Нью-Йорк шаҳрида, 1993, 1995, 2000 йилларда бўлиб ўтган саммитларида халқаро хавфсизликка, Афғонистондан чиқаётган таҳдидлар ҳақида дунё аҳлини такрор ва такрор огоҳлантирди. Ислон Каримов афғон уруши узоқ вақт давомида фақат Афғонистон ҳудуди билан чекланиб қолмасдан, ҳар қандай пайтда ёйилиб кетиши, ҳатто узоқ денгиз ва океанлар ортидаги давлатлар учун ҳам ҳалокатли оқибатлар келтириши мумкинлиги ҳақида кўп бор огоҳлантирди.

Қатор экспертлар фикрига кўра, агар жаҳон ҳамжамияти Президент Ислон Каримовнинг даъватларига ўз вақтида кулоқ солганида, бутунги фожианиннинг — „терроризмга қарши кураш“ деб ном олган глобал ва янада вайронкор, лекин самараси кам бўлган урушнинг олдини олиш мумкин бўлур эди.

---

<sup>23</sup> *Ислон Каримов*. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. / Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // „Халқ сўзи“ газетаси, 2012 йил 8 декабрь.

Бугун коалиция кучлари томонидан Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича танланган стратегия кутилган натижаларни бермаётганини қайд этишга тўғри келмоқда. Уруш давом этаётган ҳар бир кун жафокаш Афғонистон халқининг аҳволини янада оғирлаштириб, ушбу мамлакат муаммолари ечимини боши берк кўчага киритиб қўймоқда. Афғонистон муаммолари бўйича ўнлаб халқаро конференция ва учрашувлар ўтказилляпти, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам реал амалий самара бераётгани йўқ.

Афғонистонда рўй бераётган уруш жараёнлари, ўз кўлами ва хавфлилик даражасига кўра, XX асрнинг охирига келиб, халқлар, миллатлар учун мисли кўрилмаган катта таҳдидга айланди. Афғон муаммоси ва уни келтириб чиқарган туб сабаблар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисида Ислон Каримов „Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“ (1997) номли асарида чуқур концептуал хулосаларни баён қилган эди. Ушбу хулосалар бугунги кунда ҳам афғон муаммосини ҳал этишнинг илмий ва амалий асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Асарда таъкидланганидек, „Афғонистондаги тангликнинг чуқурлиги ва кескинлигини, унинг минтақавий ва дунё миқёсидаги жуғрофий-сиёсий жараёнларга таъсирини эътиборга олиб, бу фожиани кўлами ва хавфи жиҳатидан ҳозирги дунёнинг энг катта минтақавий можаролари жумласига киритиш мумкин“<sup>24</sup>.

Афғонистон ҳудуди бугунги кунда ҳам муаммолар тугуни ичида қолгани ҳолда, минтақамиз ва шунингдек, бутун дунё учун хавф-хатар манбаи бўлиб қолмоқда. Бу мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, ҳарбий вазият ўта мураккаб ҳолатда турибди. Вазиятни ўнглаш бўйича шу пайтга қадар амалга оширилган чора ва тадбирлар ўзининг етарли даражадаги ижобий самарасини бермаяпти.

Афғонистон ҳудудида тинчлик ўрнатиш мақсадларини кўзлаб фаолият олиб бораётган халқаро коалиция кучларининг фаолияти шу пайтга қадар мазкур мамлакатда тўпланиб қолган ўткир ва зиддиятли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммоларнинг ечилишига ва афғон жамиятининг барқарор тараққиёт йўлига ўтиб олишига сезиларли даражада ёрдам бера олмаяпти<sup>25</sup>.

Дарҳақиқат, Афғонистон ҳудудидан коалиция кучлари олиб чиқиб кетила бошланиши ва хавфсизлик бўйича масъулиятнинг Афғонистон миллий қуролли кучлари қўлига топширилиши жараёни жафокаш афғон халқига узоқ кутилган тинчлик ва осойишта ҳаётнинг кафолатли тарзда тикланишига олиб келишидан умид қилинган эди. Лекин аслида бундай бўлмаяпти. Афғонистонда зиддиятли вазиятнинг доимий равишда сақланиб туришидан манфаатдор бўлган ички ва ташқи кучлар бунга зўр бериб қаршилиқ кўрсатмоқда. Бундай кучлар сирасига, биринчи навбатда, турли тоифадаги террорчилар, наркотик моддалар билан савдо қилувчилар кирази<sup>26</sup>.

<sup>24</sup> *Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* — Т.: Ўзбекистон, 1997. 21-бет.

<sup>25</sup> *Махмудов Р. Обеспечение безопасности и стабильности на пространстве ШОС (Правовая база и перспективные направления взаимодействия) // Материалы шестого заседания Форума Шанхайской организации сотрудничества.* — Т.: ИСМИ при Президенте Республики Узбекистан, 2011. С.94–95.

<sup>26</sup> *Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2009. 97-бет.

**Наркобизнес — хавfli таҳдид.** Афғонистон ҳудудида сақланиб, кучайиб бораётган ўта хавfli таҳдидлардан бири — бу наркобизнесдир. „Бу мамлакатда гиёҳванд модда қадимдан етиштирилган ва тайёрланган. Бироқ кўкнори ва героин ҳамда бошқа синтетик гиёҳванд моддаларни етиштириб, тайёрлаш хўжалиги вайрон қилинган бу ярим феодал, қолоқ мамлакатда ХХ асрнинг 90-йилларидагина саноат асосига қўйилди. Турли халқаро ташкилотлар маълумотларига кўра, бугунги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган гиёҳванд моддалар умумий ҳажмининг 50—75 фоизигача бўлган қисми Афғонистон ҳиссасига тўғри келади. Афғонистон ХХ аср охирида гиёҳванд моддалар тайёрлаш бўйича жаҳонда етакчи мамлакат бўлиб қолди. Наркобизнесни ўз назорати остига олишни истаган уюшган жиноий гуруҳлар бойлик орттиришнинг жуда нозик йўлларида тобора кўпроқ фойдалана бошлади.

Тожикистондан Европага етиб боргунича героиннинг нархи 63 баробар ошади: Тожикистон Бадахшонида 1 килограмм героин 4 мингдан 8 минг долларгача, Душанбада 12—17 минг доллар, Москвада 150—200 минг, Европада 250—300 минг доллар туради. Гиёҳванд моддалар нархининг йўл бўйлаб бу қадар ошиб бориши, айниқса, турмуш даражаси паст бўлган Марказий Осиё ва бошқа давлатларнинг айрим фуқароларини гиёҳванд моддани контрабанда йўли билан ташиб боришга ундайди. Бу бозорда ҳукмрон бўлиш учун уюшган наркогуруҳлар ўртасида, шу жумладан, Марказий Осиёдаги наркогуруҳлар ўртасида ҳам шиддатли кураш кетмоқда<sup>27</sup>.

БМТ маълумотларига кўра, фақат биргина 2012 йилнинг ўзида Афғонистон далаларида 3,7 миллион тонна героин етиштирилган. 2011 йилда кўкнори етиштириш 20 фоиз (131 минг гектардан 154 минг гектар)га ошган. Асосан, наркотик моддалар Россия аҳолиси ўртасидаги истеъмолчиларга етказиб берилган. Россия аҳолисига йилига 70 тонна героин истеъмол қилиш тўғри келади. Гиёҳвандликка талаб 1,6—1,8 миллион киши ёки умумий Россия аҳолисининг 1,3 фоизини ташкил этади. Ҳар йили Россияда гиёҳвандлик туфайли 100 минг киши қурбон бўлмоқда<sup>28</sup>.

Бир ярим йил олдин наркотик моддалар бўйича Россия миллий федерал хавфсизлик хизмати назорати раҳбари Виктор Иванов Афғонистонда Америка қуролли кучлари контингенти фаолияти давомида қуйидаги 3 та асосий натижани кузатганлигини таъкидлайди:

1) наркотик моддалар ишлаб чиқаришнинг феноменал ўсиши 40 марта ошган;

2) минтақавий ҳарбийлашиш юзага келган;

3) сиёсий номутаносиблик туфайли гуманитар ҳалокат юз бера бошлаган.

Бугунги кунда Афғонистондан гиёҳванд моддаларни олиб кетишнинг 3 та халқаро йўлаги кўзга ташланади:

1) Афғонистон—Покистон—Эрон—Озарбайжон;

2) Афғонистон—Эрон—Озарбайжон;

3) Афғонистон—Ўрта Осиё—Озарбайжон.

---

<sup>27</sup> Ўша манба, 260—261-бетлар.

<sup>28</sup> [www.narkptiki.ru](http://www.narkptiki.ru)

Ҳозирги вақтда Афғонистонда етиштирилаётган наркотик моддалар ва уларни хуфёна йўллар билан бошқа мамлакатларга чиқариш ҳажми шу қадар ортиб кетдики, эндиликда бундай ҳолат бутун инсониятга таҳдид солувчи хавф-хатарга айланди. Аслида, Афғонистонда ҳаракат қилаётган террорчи гуруҳлар билан наркотик моддалар етиштирувчи ва сотувчилар ўз фаолиятини бирлаштириб олди. Айнан оғуфурушлар халқаро терроризмнинг асосий молиялаштирувчиларига айланди. Наркотик моддалар савдосидан тушган пул маблағлари террорчи гуруҳлар томонидан қурол-яроғ сотиб олишга ҳамда бошқа ёвуз эҳтиёжларни қондиришга, жумладан, террорчи гуруҳлар сафига янги одамларни ёллашга сарф этилмоқда.

„Мутахассис экспертлар хулоса қилганларидек, Марказий Осиё минтақасининг наркотик моддаларни ғарбга жўнатиш йўлидаги „қулай“ географик ҳудудда жойлашгани мазкур минтақада террористик кучларнинг фаоллашаётганининг сабабларидан бири бўлиб турибди. Ишончли маълумотлар исботлаб турганидек, халқаро террорчилар фаолиятининг катта қисми Афғонистондан Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон орқали ўтказишга мўлжалланган мунтазам ишловчи наркотрафик каналларни шакллантиришга қаратилгандир“<sup>29</sup>.

Таассуфки, Афғонистон ҳудудида наркотик моддалар хом ашёсини етиштириш, жумладан, кўкнори ундириш учун ўта қулай табиий имкониятлар мавжуд. „Кейинги йилларда кўкнори етиштириладиган плантациялар ҳажми ўн марта кўпайди. Бугунги кунда Афғонистоннинг 32 вилоятидан 24 тасида турли хил оғу берувчи ўсимликлар етиштирилмоқда. Етиштириладиган кўкнорининг 90 фоизи асосан 5 та вилоятга тўғри келади. Булар Хилмонд (38 фоиз), Нангарҳор (30 фоиз), Бадахшон (9 фоиз), Ўрузгон (7 фоиз), Кандаҳор (5 фоиз)“<sup>30</sup>.

Жумладан, бутунги кунда Афғонистоннинг турли вилоятларида, шунингдек, унинг Марказий Осиё давлатлари билан чегарадош ҳудудларида экстремистик кучлар таъсири кучайиб бораётгани мазкур мамлакатлар учун террористик таҳдид манбаига айланмоқда. Умуман, дунё ҳамжамиятининг хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти афғон муаммосининг ижобий равишда ҳал қилинишига кўп жиҳатдан боғлиқ, деган хулосани билдирсак, асло муболаға бўлмайди.

Шу муносабат билан Афғонистонда вужудга келган ўта нохуш ва зиддиятли вазиятни ҳал қилишда халқаро ҳамжамият, халқаро ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари ҳамда кучларини бирлаштириш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки, ҳозирги вақтда дунёда афғон муаммоси даҳл қилмайдиган ҳудуднинг ўзи қолгани йўқ.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси томонидан афғон муаммосини ҳал қилишнинг янги конструктив йўллариининг таклиф этилиши ва уларни БМТ раҳнамолигида амалга ошириш чора ва тадбирларини кўришга йўналтирилган изчил ташқи сиёсатнинг олиб бо-

<sup>29</sup> Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. — Т.: Шарк, 2005. С.142.

<sup>30</sup> Алимов Р.М. Центральная Азия: общность интересов. — Т.: Шарк, 2005. С.143.



рилиши дунёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдек вазифаларнинг ҳал қилинишига улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

**„6+2“ (1997—2001) ва янги „6+3“ мулоқот гуруҳини шакллантириш ғояси.** „6+2“ мулоқот гуруҳи (1997—2001) БМТ котибияти биносида 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ташкил топди. Бу гуруҳ Афғонистондаги ҳарбий можароларни сиёсий йўл билан ҳал этишга қаратилган эди. Мазкур гуруҳга Афғонистон билан бевосита чегарадош бўлган 6 та давлат, яъни Эрон Ислоҳ Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Покистон Ислоҳ Республикаси, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ҳамда АҚШ ва Россия давлатлари кирган эди. Унинг биринчи учрашуви 1997 йил 16 октябрда Нью-Йоркда бўлди.

Афғонистондаги урушнинг ўз вақтида тинч йўл билан ҳал этилмаслиги минтақавий ва глобал хавфсизликка таҳдид солиши мумкинлигини олдиндан кўра билган Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 1993 ва 1995 йиллардаги сессияларида, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик Ташкилоти саммити (1999) ва бошқа қатор муҳим анжуманларда халқаро ҳамжамият диққат-эътиборини афғон халқини уруш даҳшатларидан халос этиш, можароларни тинч йўл билан ҳал қилиш масалаларига жалб этди.

**1997 йил 19—20 июль кунлари „6+2“ гуруҳининг Тошкентда дастлабки учрашуви бўлиб ўтди.** Унда биринчи бор муҳолиф томонларнинг юзма-юз музокара олиб бориши учун имкон яратилганини, анжуман якунида „Афғонистон можаросини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий принциплари“ ҳақида декларациянинг қабул қилинишини халқаро жамоатчилик афғон заминидан тинчлик ўрнатиш борасида ташланган жиддий қадам сифатида баҳолади. Президент Ислоҳ Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Тошкент декларациясида:

- 1) Афғонистонда ягона ҳокимият тузиш (давлат қўшини ҳаракати билан Толибон қўшинини бирлаштириш);
- 2) қочоқларни ватанига қайтариш;
- 3) ягона армияни барпо этиш;
- 4) Афғонистон давлатига моддий ёрдам фондини очиш ва кўмаклашиш;
- 5) наркотик моддалар етиштиришнинг олдини олиш каби минтақавий долзарб ғоялар кўтарилган эди. Лекин 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террористик хуруждан сўнг НАТО блокига аъзо давлатларнинг ҳарбий кучлари Афғонистонга киритилиб, Ҳамид Карзай бошчилигидаги янги ҳукумат ташкил этилгач, „6+2“ гуруҳи фаолияти тўхтаб қолди.

**„6+3“ мулоқот гуруҳи.** 2005 йиллардан кейинги даврда Афғонистонда террорчилик ҳаракатлари яна кучайди: одамларни гаровга олиш, террористик хуружлар содир этиш бошланди.

Бугун Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда.

Содда қилиб айтганда, кўп йиллардан буён давом этаётган бу қонли урушни ҳарбий куч билан ҳал қилиш йўли йўқлигига урушда қатнашаётган томонлар тобора иқдор бўлмоқда, айти шу ҳолатни кўпчилик тан олмақда.

Агар эътибор берадиган бўлсак, бу урушни тезроқ тугатиш, афгон зами-нида тинчлик ўрнатиш ҳақида бутун бутун дунё бонг урмоқда. Вазият шу даражага етдики, бир пайтлар бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этишга мутлақо қарши чиққанлар ҳам энди фикрини ўзгартирмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, бу инқирозни бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қандай қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топмоқда. Айни шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини кўпчилик эътироф этмоқда<sup>31</sup>.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 2008 йил 3 апрелда Бухарестда НАТО (Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши) саммитида иштирок этиб, 30 йилдан буён ҳозиргача давом этиб келаётган Афғонистон можароси юзасидан янги фикрларни илгари сурди<sup>32</sup>. Жумладан, Афғонистонда ўз ечимини кутиб турган қуйидаги ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш лозимлигига эътиборни қаратди:

- 1) оддий халқнинг эҳтиёжларини қондириш;
- 2) аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш;
- 3) ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш;
- 4) афгон халқининг халқаро коалиция кучларига нисбатан ишончини қозониш йўлини кўриш;
- 5) халқаро ҳамжамият имкониятлари ҳисобидан ёрдам ва кўмак ажратиш;
- 6) афгон халқининг диний, миллий, маданий қадрият ва урф-одатларини ҳурмат қилиш;
- 7) „6+2“ мулоқот гуруҳини „6+3“ мулоқот гуруҳига айлантириш, яъни унда НАТО ваколатхонасининг иштирокини таъминлаш лозим.

„6+3“ мулоқот гуруҳининг фаолиятини йўлга қўйиш ва жонлантириш Президентимиз томонидан қатор халқаро анжуманларда, саммит ва йиғилишларда долзарб масала сифатида қайта-қайта илгари сурилди. Жумладан:

- 2008 йил 3 апрелда Бухарестда НАТО/СЕАП саммитида;
- 2008 йил августда ШХТ саммитида;
- 2009 йил 15–16 июнда Екатеринбург (Россия) шаҳрида бўлган ШХТ анжуманида;
- 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида;
- 2010 йил 20 сентябрда БМТ Мингйиллик тараққиёт дастурида ва бошқа халқаро ташкилотлар йиғилишларида.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, „6+3“ гуруҳи ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афгон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий-этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўлар эди.

<sup>31</sup> *Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 12-бет.

<sup>32</sup> „Ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор“ // „Маърифат“ газетаси, 2008 йил 5 апрель.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб, муқобил варианты йўқ<sup>33</sup>.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистоннинг Бухарест (2008) саммитида билдирган амалий, конструктив таклифлари бугун ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Аксинча, янада ўткир аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон аҳли Афғонистон халқи билан қадимдан ёнма-ён қўшни бўлиб яшаб, қиз бериб, қиз олиб, қуда-андачилик қилиб келган. Амударёнинг икки томонида туриб бир-бирининг ҳолидан доимо хабардор бўлиб турган. Шу нуқтаи назардан қараганда, афғон фожиасини бошқалардан ҳам кўра ўзига яқин билган ўзбек халқи албатта бу заминда бўлаётган воқеаларни хаёлидан, юрагидан мутлақо бошқача ўтказди.

Бу қонли тўқнашувлар содир бўлаётган юртдан узоқда яшаётганлар эса, афсуски, уларни бутунлай бошқача қабул қилади. Масалан, ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ томонидан Вьетнамга қарши олиб борилган уруш ҳақида гап кетса, баъзи олис давлатлардаги одамлар Вьетнам дунёнинг нариги чеккасида, бизга бу ўлкадаги воқеаларнинг дахли йўқ, деб эслаши мумкин. Лекин Афғонистон масаласида бизнинг қисматимиз шундайки, бундай фикрлашга, бундай ёндашишга мутлақо ҳаққимиз йўқ. Нега деганда, тарих яна аввалги ўзанига қайтади, хулоса чиқармаган одамнинг бошига кулфат етказди. Болаларимиз, невараларимизнинг тақдирини ўйламоқчи бўлсак, биз бугун ана шу муаммо ҳақида жиддий бош қотиришимиз керак<sup>34</sup>.

Бу дунё — қайтар дунё, деган гап бор. Бухарест саммитида, жаҳон ҳамжамияти вакилларига мурожаат қилиб, сизлар бу ҳолатни ҳисобга олинглар, афғон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал этишнинг имкони йўқ, деб Президентимиз Ўзбекистон номидан очиқ айтган эди. Қарийб 35 йилдан буён давом этиб келаётган урушни қандай тўхтатиш ҳақида ўйлайдиган бўлсангиз, буни ҳарбий йўл билан эмас, балки фақат сиёсий йўл билан ечиш мумкин, деган фикр қатъий таъкидланган эди.

Мана, шундан бери 5 йил ўтяпти. Катта-катта давлатлар, Европа Иттифоқи ва бошқа мамлакатлар вакиллари ўша пайтда, бу одам нима ҳақида гапиряпти, деб Ўзбекистон раҳбари томонидан билдирилган амалий таклиф ва хулосаларни инобатга олмаган эди.

Бугун энди нима бўляпти? Айни ўша сиёсатчилар бу таклифларни энг тўғри таклиф сифатида қабул қилишга мажбур бўляпти. Яъни уларнинг ҳаммаси шундай хулосага келяптики, ҳақиқатан ҳам афғон можаросини ечишнинг ҳарбий йўли йўқ экан. Уруш билан, қон тўкиш, бир-бирини ўлдириш билан бу урушни тугатиб бўлмас экан, деб уларнинг ўзлари шунга иқроп бўлмоқда. Чиндан ҳам, бундай даҳшатли қирғинга яна қанча чидаш мумкин?

Президентимиз Ислом Каримов ибораси билан айтганда, „фақат сиёсий мулоқот йўли билан бу инқирозни ҳал қилиш мумкин. Минг афсуски, бугунги кунда Афғонистоннинг ўзида ва унинг ташқарисидаги айрим куч-

<sup>33</sup> *Ислом Каримов*. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2012. 14-бет.

<sup>34</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 15–16-бетлар.

лар ўз манфаатларини кўзлаб, бу можарони сиёсий асосда ечишга қарши чиқмоқда<sup>35</sup>.

Бундай боши берк йўл яна қанча одамнинг бевақт ҳаётдан кўз юмиши, қанча-қанча гўдақларнинг етим, аёлларнинг бева, бегуноҳ инсонларнинг майиб-мажруҳ бўлиб қолишига олиб келиши мумкин... Илгари урушни фақат уруш билан енгиш мумкин, фақат куч билан афгон муаммосини ҳал этамиз, деб керилиб юрганлар ҳам бугун бу йўл билан урушга барҳам бериб бўлмас экан, деб айтишга мажбур бўлмоқда. Қишлоқлар, шаҳарлар устига бомба ташлаш, ўт-олов ёғдириш қарама-қаршилиқни баттар кучайтиришга олиб келмоқда, бундай йўл билан ҳеч нарсани ечиб бўлмайди, деган фикрга бугун аксарият кўпчилик келмоқда.

Минг афсуски, Афғонистоннинг ўзида ҳам, унинг атрофида, ундан узоқ-узоқ жойларда ҳам урушдан манфаатдор бўлганлар, урушнинг жоловини кўлида ушлаб турган кимсалар мавжуд. Улар ўз гаразли манфаатларини минглаб одамларнинг ҳаётидан устун қўймоқда.

Ҳарбий йўл билан Афғонистон можаросини ҳал этиб бўлмаслиги ҳақида НАТО кучлари, АҚШ, Европа давлатларининг раҳбарлари хулоса чиқариб, мана шундай ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда асосан АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий кўшинини 2014 йилнинг охиригача Афғонистондан олиб чиқиб кетишни режалаштирмоқда. Очигини айтадиган бўлсак, бу жараён ҳозирданок бошланди.

Бу ўзгаришдан кейин Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низолар кучайиб боришининг хавфи ортади. Тарих сабоқларини ҳисобга оладиган бўлсак, бундай кескин вазият кўшни давлатларга салбий таъсир кўрсатиши табиий. Яъни, Афғонистондаги вазият тўлиқ ҳал қилинмасдан туриб, коалиция кучларининг бу мамлакатдан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиёда кескинликни янада оширади. Бунинг оқибатида минтақа давлатлари учун хавф-хатар ортиши мумкин.

Ана шундай қалтис вазиятда миллий тараққиётимизни, мамлакатимизнинг ривожланиш суръатларини, энг муҳими, халқимизнинг тинч осойишта ҳаётини сақлаш учун барча зарур чораларни кўриш масаласи олдимизда жуда жиддий вазифа бўлиб турибди<sup>36</sup>.

Ўзбекистоннинг Афғонистон билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлиги аввало мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар билан муҳрлаб қўйилган. Айни шундай:

- кимнингдир „ўйин“ларига қўшилмаслик;
- қўшниларибиз билан тинч-осойишта яшаш;
- эл-юртимизнинг тинчлиги ва манфаатларини ҳимоялаш каби сиёсатни олиб боришни яқин тарихимизнинг сабоқлари ва бошимиздан кечираётган ўта мураккаб замоннинг ўзи талаб қилмоқда.

---

<sup>35</sup> *Ислом Каримов*. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 16–18-бет.

<sup>36</sup> Ўша манба, 22–23-бетлар.

Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлақати келажагини ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу принципга амал қилади.

Умуман, мавзу юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Афғонистон минтақавий ва глобал хавфсизликка жиддий таҳдид солади-ган кескинлик ўчоғи бўлиб қолмоқда. Халқаро коалиция кучлари контингентини 2014 йил охирида, яъни мамлакатда ўзаро курашаётган кучларнинг қарама-қаршилиги сақланиб турган бир шароитда, Афғонистондан олиб чиқиб кетиш режалари кенг минтақада хавфсизлик учун олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келиши мумкин. „Ана шундай қалтис вазиятда миллий тараққиётимизни, мамлакатимизнинг ривожланиш суръатларини, энг муҳими, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини сақлаш учун барча зарур чораларни кўриш масаласи олдимизда жуда жиддий вазифа бўлиб турибди“<sup>37</sup>.

2. Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очиқ. Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил этиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топди.

3. 2012 йилда „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси тўғрисида“ги Қонунда ҳам тинчлик ва қўшни давлатлар билан ҳамжиҳатликда ташқи сиёсатимизнинг ҳар томонлама асосланган ўзаро манфаатдорлик тамойиллари қонуний асосда белгилаб қўйилди.

4. Чиндан ҳам, тинчлик бўлган жойда тараққиёт бўлади. Бир-бирини кўролмасдан, гиж-гижлашган, низо-адоватга борган жамоада ҳам, эл-юртда ҳам ҳеч қачон ривожланиш, раванқ бўлмайди. Бу ҳақиқатни онгу шууримизга чуқур сингдириб, унинг қадр-қимматини унутмаслигимиз зарур.

5. Иккинчи масала шуки, тинчлик осмондан тушмайди. Тинчлик-осойишталик мустақил тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг асоси экан, бунинг учун курашиш, керак бўлса, бу йўлда фидойилик кўрсатиш лозим. „Олма пиш — оғзимга туш“ деган номақбул қарашларнинг вақти аллақачон ўтиб кетди. Бизнинг бутунги ёшларимиз бундай калтабин қарашларни ҳеч қачон қабул қилмайди. Ўзлигини, кимларнинг авлоди эканини англаган, замонавий илм-фан ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз бутун мутлақо бошқача фикрлайди.

6. Тинч-осойишта ҳаёт, барқарорликнинг энг муҳим шарти шуки, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, доимо огоҳ, ҳар томонлама сезгир ва уйғоқ бўлиб, тарихдан, ҳаётдан хулоса чиқариб яшаш керак. Бундай қараш, бундай кайфият шу азиз юртимиздаги барча ватандошларимизнинг ҳаётий мақсадига айланиши лозим.

---

<sup>37</sup> *Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 22–23-бетлар.*

7. Огоҳ бўлиб яшайдиган одам четдан келаётган хавф-хатарни олдиндан кўриб, уни бартараф этиши осон кечади. Агарки турли бало-қазолардан ўз вақтида огоҳ бўлмаса, уларга бепарво қараса, кейин уларни йўқ қилиш жуда қийин бўлади. Бу ҳақиқат неча минг йиллик тарихимизда кўп бор исботини топган.

8. Гўзал ва бетакрор диёримизда яшаётган одамлар, биринчи навбатда, ёшларимиз „Бу Ватан — меники, агар уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоя қилиш учун мен курашмасам, ким курашади?“ деган фикр билан яшаса, мана шундай кураш униб-ўсиб келаётган болаларимиз учун ҳаётий эътиқодга айланиб, уларнинг қалбидан, онгу тафаккуридан чуқур жой олса, бундай халқни йўлдан қайтариб, енгиб бўлмайди.

### 3-БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ СИЁСАТИ ВА МАҚСАДЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДА КУЧ-ҚУВВАТ БАҒИШЛАЙДИГАН ОМИЛ ВА МЕЗОНЛАР

Мамлакатимизнинг 22 йиллик мустақил тараққиёт маррасидан туриб узоқ ва яқин тарихимизга яна бир бор назар ташлаш, ундан хулосалар чиқариш ўта зарур, деб ҳисоблаймиз. Миллий мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, улкан зафарлар қайси омиллару имкониятлар туфайли содир бўлганини онгли равишда англаш, шубҳасиз, фуқароларимизда, айниқса, ёш авлодимизда ўзи мансуб бўлган миллатга, она-Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббатини ошириши табиийдир.

Ҳеч истисносиз таъкидлаш лозимки, бундай катта ютуқларнинг ижодкори меҳнаткаш халқимиз, унинг юксак интеллектуал ва маънавий салоҳияти, асрлар давомида тўплаган яратувчилик тажрибаси, истеъдоди ва иқтидоридир. Аммо ана шундай юксак сифатларга эга бўлган халқнинг бошини бир мақсад атрофида бирлаштирадиган сиёсий лидер — етакчисиз улкан натижаларга эришиш ўта қийин. Ҳали Ўзбекистон ўз миллий мустақиллигига эришмасидан туриб, 1990 йил 24 февралда Юртбошимиз Ислон Каримов бундай деган эди: „Қайси бир китобда ғоят ибратли ривоятни ўқиган эдим. Эмишки, Амир Темур ярим жаҳонни забт этиб, олис ўрмон қабила-ларига бориб етибди, хуллас, уларни ҳам ўзига бўйсундирибди. Қайсар ва жангари, озод ва самимий бу қабила бошлиғи чорасизлик туфайли, Темурга қуролларини топширар экан, куйидаги гапларни айтибди: „Эй, Амир! Сен бизни қурол кучи билан енга олдинг. Бироқ сенга айтадиган шартларимиз бор. Агар сен қассоб бўлсанг, сотиб юбор, агар подшо бўлиб келган бўлсанг — бизга бахт ато эт!“

Бу ривоятнинг синфий, тарихий йўналиши айтишда бизни қизиқтираётгани йўқ. Бу ҳикоятда ажойиб бир ҳикмат барқ этиб турибди. **Яъни, элга пешвومان, деб ўртага чиқдингми, унинг ишончини қозондингми — бу ишонч-ни энди асл виждон билан, покиза фаолият билан оқламоқ керак бўлади.** Бу талабни эскичасига айтсами, янгичасигами — барибир, моҳияти бир хил бўлиб қолаверади. **Яъни, халқ вакили халқнинг посбони, халқ раҳбари бўлиб, халқнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлғувчи сирдошига айланиши шарт**<sup>38</sup>.

Ушбу фикрлар баён этилганига ҳам 23 йилдан ошибди. Аммо унинг моҳияти асло пасаймаган, аксинча, янада кучайган. Гап ХХ аср адоғида ва ХХІ аср бошларида дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар, уруш ва тинчлик, хавфсизлик масалалари устида кетмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган суҳбатида, „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласида Ватан озодлиги, фуқароларимиз осуда, тинч ҳаёти, мил-

<sup>38</sup> *Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 127-бет.

лий хавфсизлигимиз тўғрисида билдирган гоят теран фикр-мулоҳазалари ҳақида яна бир марта тўхталиш заруратини ҳис этмоқдамиз.

Мазкур рисолада Ўзбекистоннинг ўз сиёсати ва мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда куч-қувват бағишлайдиган омил ва мезонларга алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта. Гап шундаки, ҳозирги таҳликали замонда ҳар қайси мамлакат ва миллатнинг равнақи ўша давлат раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсат ва кўзлаган мақсадлар муштараклигига боғлиқ.

Шу ўринда, мамлакат ва миллат тақдирида ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган **сиёсат** ва **мақсад** феноменлари ҳақида қуйидаги мулоҳазани билдиришни ўринли, деб ҳисоблаймиз: **сиёсат** — юнунча давлатни бошқариш санъати, деган маънони англатиб, у давлатни идора этиш усули, санъати, жамият ва давлат тўғрисидаги фан ҳисобланади. Сиёсат ўз табиати, мақсади ва амалга ошириш усуллари, манфаатларни ифода этиш даражаси билан фарқланади. У „халис“ ёки „нохалис сиёсат“, „демократик сиёсат“ ёки „тоталитар сиёсат“ шаклларида кўриниши мумкин. Сиёсат мамлакатлар, халқлар тараққиётига ҳар хил таъсир кўрсатиши мумкин. У ижобий ёки салбий роль ўйнаши мумкинлигини собиқ мустабид тузум тажрибасидан ва тарихдаги яна бошқа давлатлар мисолида билиб олиш мумкин. Сиёсат турли ижтимоий гуруҳлар, кучлар манфаатини ўзаро уйғунлаштириш билан боғлиқ ҳолда кечади. Акс ҳолда, сиёсий ҳаётда бошбошдоқлик, парокандалик каби салбий тамойиллардан иборат сиёсий таназзул ҳолати юзага келиши мумкин<sup>39</sup>.

Хўш, мақсад нима? **Мақсад** — инсон амалий фаолиятининг аввалдан ўйлаб тайёрланган режаси ва натижаси. Мақсад инсонлар маънавиятида энг муҳим ўрин тутадиган ақлий-тафаккурий ҳодиса бўлиб, уни келажакнинг лойиҳаси, деб таърифлаш мумкин. Эҳтиёж, манфаат, мотив индивид ёки ижтимоий гуруҳ хулқ-атвори, фаолиятининг муҳим таркибий қисмлари бўлса, мақсад фаолият йўналишини белгилайдиган омилдир<sup>40</sup>.

Айни пайтда, жамиятни ривожлантирадиган, уни олға қадам ташлашга йўналтирадиган яна бир омил борки, унинг номини миллий мақсад, деб аташ мумкин. Миллий мақсаднинг моҳияти барпо этилаётган жамиятнинг мазмунида ўз аксини топади. Шу ўринда, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига алоҳида эътибор бериш лозим. Ушбу концепцияда миллий мақсад дунёда „ўзбек модели“ деб номланган Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли билан ҳамоҳангликда ифодасини топади. „Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмунини, — дейилади концепцияда, — давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш,

<sup>39</sup> Фалсафа. Қомусий лугат. — Т.: Шарқ, 2004. 364-бет.

<sup>40</sup> Маънавият. Асосий тушунчалар изоҳли лугати. — Т.: Фафур Фулом номидаги НМИУ, 2009. 366-бет.



ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатдир<sup>41</sup>.

Ҳар қандай мамлакатда сиёсат ва мақсаднинг муштараклиги ижтимоий тараққиётни белгилаб берадиган омил ҳисобланади. Юртбошимиз „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласида қуйидаги фикрга айнаниқса алоҳида эътибор қаратади: „Биз охириги йилларда жуда катта ўсиш суръатларига, бошқаларнинг ҳаваси, эътиборини тортадиган натижа ва марраларга эришмоқдамиз. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Ана шу йўлда тинчлик-осойишталик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик барча ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда“<sup>42</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайди. Мамлакатимиз раҳбарияти ички ва ташқи сиёсатнинг муштараклигига алоҳида эътибор қаратди. Истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб юртимизда миллий хавфсизликни таъминлаш, мамлакатимизнинг ҳудудий яхлитлигини сақлаш, давлат суверенитетини ҳимоя қилиш ўткир вазифага айланди. Вазият миллий хавфсизликнинг кенг қамровли концепциясини ишлаб чиқиш, унинг ҳуқуқий асосини белгилайдиган қонунлар яратишни тақозо этарди. Давлат миллий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги асосий масъулиятни ўз зиммасига олди.

1995 йил май ойида Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик кенгаши тузилди. Кенгаш мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш масалаларини ўрганиш, муҳокама қилиш, зарур чора-тадбирлар кўриш билан шуғулланадиган маслаҳат органи ҳисобланади. 1996 йил 24 апрелда Олий Мажлиснинг бешинчи сессиясида „Миллий хавфсизлик тўғрисида“ги Қонун қабул қилинди. Бу Қонун мамлакатимизда миллий хавфсизлик тизимини шакллантириш, миллий хавфсизликни таъминлашнинг ҳуқуқий нормаларини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари ташқи сиёсат бобида узоқни кўзлаб, ҳар бир масалада Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатини ҳисобга олган ҳолда иш юритди. Юртбошимиз ҳар қандай можароларнинг олдини олишнинг ягона йўли — пухта ўйлаб, етти ўлчаб, бир кесиш асосида, турли фикр ва қарашдаги одамларнинг бошини бир ерга қовуштириб, ҳамжиҳатликда, фикрлашиб иш юритиш эканини уқтирди. Бу жаҳон тажрибасида синалган, ўзини оқлаган йўлдир. Чунки, узоқ йиллар мобайнида шаклланган давлатлараро худбинлик кайфиятлари, зўравонлик ва тазйиқ, дўқ-пўписа йўли билан ўз ҳукмини ўтказишга уриниш ҳолатлари ҳамон мавжуд. Бундай салбий ҳолатларга барҳам бермасдан, музокараларда фақат умумий манфаатларга таянмасдан туриб самарали натижага эришиб бўлмайди. Ана шундай ҳулосалардан келиб чиқиб, Президент Ислам Каримов қуйидаги тамойилларни ўртага ташлайди:

---

<sup>41</sup> *Ислам Каримов*. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2010. 4-бет.

<sup>42</sup> *Ислам Каримов*. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 30-бет.

- низоларни бартараф қилишнинг босқичма-босқичлиги;
- барча манфаатдор томонларнинг музокара жараёнида иштирок этиши;
- томонларнинг бир-бирига ён бериши ва муроа йўли билан бир-бири томон яқинлашуви;
- бу жараёнда барча халқаро ташкилотларнинг фаол иштирок этиши ва ҳомийлик қилиши;
- ҳар бир мамлакат ҳудудий яхлитлигининг сақланиши;
- қай шаклда бўлмасин, ташқаридан таъсир ўтказиш ва аралашувга йўл қўймаслик;
- маҳаллий можаро зоналарига қурол-яроғ етказиб беришни қатъиян тақиқлаб қўйиш.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз раҳбарининг жаҳон ҳамжамияти диққатига ҳавола этаётган бундай амалий таклифлари хавфсиз дунёга интилишнинг энг тўғри йўлидир. Айни пайтда, дунё тақдирига бефарқ қарайдиган инсонни топиш қийин. Бугунги кунда ернинг у бурчагидан отилган ўқ сайёрамизнинг бу бурчагида яшаётган одамнинг ҳаёти учун хавфсиз эканига ҳеч ким кафолат бермайди. Чунки, бир қарашда оддий ҳолат бўлиб туюлган бундай нохушликлар Ер юзининг хоҳлаган нуқтасига хавф солиши, турли мамлакатларнинг сиёсий, ҳуқуқий дахлсизлигини, суверенитети ва тўла мустақиллигини инкор этишдан тортиб, инсон ҳуқуқларини поймол этиши, унинг яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилиши ҳеч гап эмас. Айниқса, бу оддий таёқ ва тош қуроллар билан жанг қилинадиган даврда эмас, қитъалараро тезучар оммавий қирғин қуроллари, инсон зурриёти ва жамики тирикликни ер билан яксон этадиган кимёвий ва биологик қуроллар кўплаб ишлаб чиқарилаётган замонда яшаётганимиз назарда тутилса, бу борадаги хавф-хатарларнинг мазмун-моҳияти яна ҳам чуқурроқ англанади, ёрқинроқ кўзга ташланади<sup>43</sup>.

Юртбошимиз ҳозирги таҳликали дунёни чуқур таҳлил қилиб, дунё халқларининг тинч ва осуда ҳаётига таҳдид солаётган омилларга ҳам алоҳида аҳамият беради. Улар қуйидагилардан иборат:

- кучлар нисбати илгари асосан икки қутбда (собик СССР ва АҚШда) тўпланган, дунё икки қутбли бўлган бўлса, энди у кўп қутбли бўлиб қолди, шу боис жаҳондаги вазиятни назорат қилиш тобора қийинлашмоқда;
- турли даражада ривожланган мамлакатлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий нотенглик ва зиддиятлар янада ўсмоқда. Ривожланаётган мамлакатларнинг асосий бойлиги ҳисобланган табиий ресурсларини ривожланган давлатлар ўз қўлига олишга, уларни назорат қилишга интилиши кучаймоқда. Дунёнинг катта қисмида иқтисодий заиф, аҳолиси қашшоқ яшаётган ўлкалар мавжуд;
- кўпгина мамлакатларда ижтимоий осойишталикка қарши хавф-хатарлар ўсиб борапти. Бой ва камбағаллар ўртасидаги мулкий тафовут кучаймоқда, ишсизлик, қашшоқлик янада авж олмоқда;
- бир қатор минтақаларда, ҳатто бир мамлакат фуқаролари ўртасида миллий-этник ва диний низолар келиб чиқиб, кескин можароларга, қонли урушларга айланмоқда;

<sup>43</sup> Мустақил Ўзбекистон тарихи. — Т.: Шарқ, 2000. 252-бет.

— умумий, минтақавий ва миллий хавфсизликка диний экстремизм ва фундаментализм кучли таҳдид солмоқда. Динни сиёсийлаштириш натижасида вужудга келган экстремистлар, шу жумладан, фундаменталистлар одамлар ўртасида „ҳақиқий“ ва „сохта“ диндорлик белгилари бўйича қарама-қаршилик чиқаришга, миллатларни парчалашга интиломоқда;

— умумий хавфсизликка, халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликка айрим давлатлардаги муайян сиёсий кучлар томонидан юритилаётган буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик сиёсати ҳам хавф солмоқда<sup>40</sup>.

Таъкидлаш лозимки, мустаҳкам хавфсизлик, барқарор иқтисодий тараққиёт учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, конституцион тузум асосларини мустаҳкамлаш, миллатлар яхлитлигини, халқлар дўстлигини таъминлаш, фуқароларнинг эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий мақсадлари ҳисобланади. Бу тамойиллар Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2012 йил сентябрда қонун асосида қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси“да ҳам ўз аксини топган.

Концепция мазмуни ва қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига асосланади, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларига, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низоми, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисидаги декларацияга, Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки якуний актига ва бошқа тегишли ҳужжатларга мос келади.

Концепцияда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги қуйидаги муҳим вазифалари кўрсатиб берилган:

— миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилиш ва илгари суришга йўналтирилган изчил ва фаол ташқи сиёсат стратегиясини олиб бориш;

— Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ҳудудига айлантириш. Марказий Осиёда мунозара ва низоларни, конфликтли вазиятларни, кескинлик ва танглик ҳолатлари эскалациясининг олдини олиш мақсадида юзага келатган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, керакли ўринларда превентив дипломатия усулларини қўллаш;

— Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан стратегик шерикчилик муносабатларининг мувозанатли ва кўп қиррали тизимини шакллантириш;

— минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаш;

— ташқи сиёсий, иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенг диверсификация қилиш, шу мақсадда халқаро ташкилотларни жалб этиш;

— миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологияларни жалб этишнинг самарадорлигини ошириш учун икки томонлама ҳамда кўп томонлама ҳамкорлик механизмларини ишга солиш;

<sup>40</sup> Янги Ўзбекистоннинг 7 зафарли йили. — Т.: Шарқ, 1999. 180–181-бетлар.

— минтақанинг очик денгизлардан йироқда жойлашгани, унинг географик ёпиқ ҳолати билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган истиқболли транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимизда халқаро миқёсда фаолият юрита оладиган мультимодал транспорт логистика марказларини шакллантириш жараёнига амалий кўмак бериш ва уни жадаллаштириш;

— Ўзбекистоннинг минтақада ва халқаро майдонда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро ташаббусларини изчиллик билан илгари суриш, мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги имижини, обрў-эътиборини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

— хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш<sup>45</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласида миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни авайлаб-асраш масалаларига ҳам алоҳида эътиборни қаратди. Бу — бежиз эмас.

Инсоният тарихи яратишлар, бунёдкорлик, эзгулик тарихи бўлиши билан бирга, урушлар, йўқотишлар даври ҳамдир. Ёзма ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, сўнгги 6 минг йил мобайнида Ер шарида 15 мингдан зиёд уруш содир бўлган. Шу даврнинг ичида атиги 300 йилгина урушсиз кечган. Америкалик муаллиф Р.Кларкнинг „Уруш илми ва тинчлик“ китобида келтирилишича, 1820–1859 йилларда 92 та урушда 800 минг (жами аҳолининг 0,1 фоизи), 1860–1899 йилларда 106 та урушда 4,6 миллион (0,4 фоиз) одам қирилиб кетган<sup>46</sup>. Биринчи жаҳон уруши даврида 10 миллиондан ортиқ одам ҳалок бўлган бўлса, Иккинчи жаҳон уруши даврида уларнинг сони 50 миллион кишидан ортиб кетди.

Афсуски, уруш ва тинчлик, инсониятни уруш оловларидан сақлаб қолиш муаммоси XXI асрда ҳам сақланиб қолмоқда. Дунёнинг турли чеккаларида уруш алангалари чиқмоқда, йирик давлатлар ўз геополитик қарашларини амалга ошириш, дунёга эгалик қилиш каби манфаатларини, афсуски, баъзан турли жанжаллар чиқариш орқали ҳимоя қилмоқда.

Шунинг учун ҳам Ислом Каримов зикр этилган рисолада дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилишини таъкидлади. Масаланинг энг ташвишли жиҳати шундан иборатки, ҳали дунёда фашизмнинг тикланишидан манфаатдор бўлган кучлар борлиги маълум бўлмоқда. Юртбошимиз қайд этганларидек, бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 68 йил тўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик,

<sup>45</sup> Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон. — Т.: Маънавият, 1999. 158–159-бетлар.

<sup>46</sup> Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. — Т.: Маънавият, 2008. 398-бет.

кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оқибатларга олиб келиши муқаррардир.

Оллоҳга шукурлар бўлсинки, Ўзбекистонда изчил амалга оширилаётган ислохотлар туфайли кучли ижтимоий-сиёсий, мафкуравий, маънавий барқарорликка эришилди. Халқимиз қўлга киритган натижаларнинг негизида турган асосий омил — бу мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқарashi, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганидир.

Ҳақиқатан ҳам, шундай. Президентимиз ўз рисоласида Иккинчи жаҳон урушидан, Хотира ва қадрлаш кунидан оладиган сабоқларимиз ҳақида батафсил тўхталди. Биринчи хулоса шуки, инсон хотираси абадий ва у доимо ҳақиқатни акс эттиради. Бу, таъбир жоиз бўлса, адолатли, маърифатли жамият қуришнинг ҳам асоси, ҳам кафолатидир. Тарихий хотиранинг боқийлиги аслида тарихга ҳаққоний тарзда муносабатда бўлишда намоён бўлади. Тарихни сохталаштириш, унга сиёсий-мафкуравий манфаатлар нуқтаи назаридан муносабатда бўлиш кишиларни чалғитади, жамиятни бузади, барқарорликка путур еткази. Шу аснода, Иккинчи жаҳон урушида эришилган галабада Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг муносиб ҳиссаси борлигини онгли равишда англаш халқимизнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшади, Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди каби она-юрт, Ватан учун курашган, жон фидо қилган аجدодларимиз жасоратини англаш инсонда ўз қаҳрамонларидан гурурланиш ҳиссини уйғотади.

Иккинчи хулоса мустақиллик феноменини англаш билан боғлиқ. Гап шундаки, фуқароларнинг айрим қисмида ҳали совет тузумини кўмсаш кайфияти мавжуд. Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллик байрамида давлатимиз раҳбари таъкидлагани каби, совет тузумини кўрмаган айрим ёшларда ҳам ўша даврни кўмсашга интилиш бор. Бу ўта хавfli ҳолат ҳисобланади. Қарийб 3 минг йиллик ўзбек миллий давлатчилик тарихи давомида 200 йил Эрон аҳамонийлари, 180 йил грек-македонлар, 200 йил араблар, 150 йил мўғуллар, 130 йил чор Россияси ва совет мустақил тузуми келтирган жабр-зулмлар, моддий ва маънавий йўқотишлар, энг ёмони, халқимиз қадр-қимматининг камситилиши каби ҳолатларни унутиш мумкинми? Асло унутиб бўлмайди.

Шундай экан, мустақиллик йилларида барча соҳаларда эришилган ютуқлар, халқимизнинг ўзлигини англаш жараёнлари, инсон қадр-қимматининг тикланиши — буларнинг барчаси мустақиллик йўлида жон фидо қилганлар хотирасини эслаш, тарихий хотиранинг жамият ва инсоннинг яратувчанлик фаолиятини оширадиган омил сифатидаги ролини англашга хизмат қилади.

Учинчи хулоса инсоннинг теварак-атрофда рўй бераётган ижтимоий ҳодиса-воқеаларни таҳлил қила олиш кўникмаси билан боғлиқ. Шу маънода, Ислом Каримовнинг дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур, деган фикрларида жуда чуқур маъно бор.

Аслида, бепарволик, лоқайдлик, масъулиятсизлик билимсизлик оқибатидир. Ўз уйида, маҳалласида, ишхонасида, пировард натижада жамиятда содир бўлаётган хоҳ ижобий, хоҳ салбий ҳолатларга ўзининг дахлдорлигини ҳис этган шахс, ҳеч шубҳасиз, ўз манфаатларини Ватан ва миллат манфаатидан юқори қўймайди.

Тўртинчи хулоса, назаримизда, энг муҳим хулоса бўлиб, маънавият, маърифат инсон дунёқараши билан боғлиқ эканини назарда тутаяди. Аслида, инсон хотираси, унинг қадр-қиммати шахснинг маънавияти билан боғлиқ. Ислом Каримов ўз интервьюсида муҳим назарий-методологик масалага эътиборни қаратди. Яъни, инсоннинг дунёқараши, унинг ҳаётга, меҳнатга, касбига бўлган муносабати уч муҳим масалада ўз аксини топмоқда. Булар — халқимизнинг мустақил фикрлаши, ижтимоий фаоллиги ва маънавий оламининг шаклланишидан иборатдир.

Ушбу уч ўқилдиш Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим омиллари ҳисобланади. Шахснинг мустақил фикрлаши кўпроқ унинг ижтимоий фаоллигига боғлиқ. Ижтимоий фаол инсон аслида ўзини ижтимоий экспертизадан ўтказма оладиган, ўзида масъулият ҳиссини туйган кишидир. Айни пайтда инсондаги мустақил фикрлаш ва ижтимоий фаоллик унинг маънавий оламидаги ҳолатга боғлиқ. Агар шахс ўзининг кучли маънавий оламига эга бўлмаса, унинг ижтимоий фаоллигию мустақил фикрлаши гайриинсоний мақсадлар учун хизмат қилиши мумкин.

Мамлакатимизда маънавий ва маърифий ишларнинг давлат сиёсатининг ўстувор йўналиши этиб белгиланиши бежиз эмас. Кучли маънавият булоғи билан суғорилмаган ҳар қандай ҳаракат охир-оқибатда инсон манфаатларига зид келиб қолади. Бунга тарихдан мисоллар жуда кўп.

Бешинчи хулоса турли таҳдидлардан сабоқ олиш билан боғлиқ. Гап шундаки, ҳозирги кунда дунёда инсониятга халқаро терроризм, диний экстремизм, ОИТС ва наркоагрессия каби хавф-хатарлар таҳдид солиб турибди. Айни пайтда „оммавий маданият“, эгоцентризм ва эркинлик ниқоби остидаги ахлоқсизлик кўринишлари таъсири ҳам зўрайиб бормоқда.

Айниқса, миллий маънавият, ёшлар дунёқарашига тескари таъсир ўтказишда „оммавий маданият“нинг салбий таъсири ортиб бормоқда. „Оммавий маданият“ дунёда кўплаб кишиларнинг „мавҳум дунё“, виртуал дунёга онгсиз равишда кириб қолишига сабаб бўлмоқда. Кузатувчи-тадқиқотчилар, олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг 10 фоизи виртуал дунёга кириб бўлган. Бошқача айтганда, улар Интернет қарамлигига дучор бўлишган. Шуларнинг 70 фоизини эркаклар ташкил этади. Тадқиқотчилар мазкур Интернет қарамлигига тушиб қолганларни 5 гуруҳга бўлишади: 1) виртуал танишувчилар; 2) киберсекс ёки порносайтга муҳтожлар; 3) Интернет орқали қимор ўйнайдиганлар; 4) онлайн ўйинчилари; 5) Интернет-серфинглар ёки Интернет саҳифаларини бирон-бир аниқ мақсадсиз ўйламасдан очиб, ундан „роҳат олувчи“лар<sup>47</sup>.

<sup>47</sup> „Аргументы и факты“ газетаси. 2012 йил, 17-сон.

Ҳозирги замонда инсон ана шундай виртуал дунёга тушиб қолмаслигининг олдини оладиган ҳам, агар шундай маконга тушиб қолган бўлса, уни кутқариб олишнинг ҳам ягона йўли маънавият, маърифат, таълимдир. Қисқача айтганда, инсониятни турли мафкуравий-ғоявий таҳдидлардан сақлаб қоладиган, маънавий-ахлоқий тубанлашувнинг олдини оладиган омил маданият, маънавият ҳисобланади. Шахс маънавий олами қанчалар даражада такомиллашса, унда теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга баҳо бериш, уларни тўғри экспертизадан ўтказиш кўникмаси кучли бўлади.

Шахс маънавий олами инсоннинг ўзлигини онгли равишда англашга ундайдиган, ўргатадиган феномен ҳодиса бўлиб, унинг марказида инсон тафаккури туради. Инсон фақат ва фақат тафаккур жараёнида шаклланади ва чарчланади. Эзгулик, яхшилик ҳақида ўйлайдиган, ўша ҳодисаларга амал қиладиган шахслар доимий равишда бошқалар томонидан эътироф этилади.

Шахс маънавий олами ўз-ўзидан шаклланмайди. Оила, мактаб, маҳалла, жамиятдаги муносиб ҳаёт ва турмуш тарзи, давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар инсонлар, биринчи навбатда, ёшлар маънавий оламини шакллантирадиган омиллардир. Айни пайтда бунга мафкуравий муҳит ҳам ўта жиддий таъсир кўрсатади.

Юртбошимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш куни оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатлашар экан, ҳар қандай кескинлик, қарама-қаршилик ва офат келишини узоқдан англаб, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилишимиз лозимлигини уқтирди. Бунинг учун ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлиш, бепарволикка, беғамликка йўл қўймаслик муҳимдир.

Дарҳақиқат, ҳозирги дунёда турли зиддиятлар, қарама-қаршиликлар ортиб бормоқда. Айниқса, маънавий тажовузлар таҳдиди кўпаймоқда. Шу нуқтаи назардан қараганда, Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари ўта аҳамиятлидир: „Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айни пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очиқ сўз юритишимиз зарур“<sup>48</sup>.

Номаъқул одатлар ичида, айниқса, худбинлик, лоқайдлик, маҳаллийчилик, коррупция, манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик, ичиқоралик, бепарволик, ҳасад, сотқинлик каби иллатлар бизнинг ижтимоий тараққиётимизга тўсиқ бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ёшларда бу каби иллатларни йўқотиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидандир.

Биз миллий тарихимизни ўрганишни, айни пайтда, умумбашарий қадриятларни ҳурмат қилишни ўз олдимизга катта вазифа сифатида қўйганмиз. Булар, шубҳасиз, миллий мустақиллигимизнинг ғоявий-сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий асосларини мустаҳкамлайди. Бу ҳақда кўп гапирилмоқда.

Айни пайтда мустақиллик биз учун буюк неъмат, муқаддас туйғу эканини ҳам биламиз. Афсуски, барча ёшларимиз ҳам мустақилликка эришиш-

---

<sup>48</sup> *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. 120-бет.

нинг оғир йўллари ҳақида чуқур билимга эга эмас. Шу маънода, совет даврида олиб борилган миллий озодлик, истиқлол учун кураш тарихини қизиқарли ҳикоялар тарзида аниқ фактлар асосида гапириб бериш мақсадга мувофиқдир.

Ёшларимиз мустақилликнинг қадрини янада ёрқинроқ билишлари ва тасаввур этишлари учун ўша даврда мавжуд бўлган оммавий қатагонлар сабабини англаб этишлари лозим.

Ёшларимиз шу нарсаларни аниқ-равшан билиб олишлари лозимки, қатагон йиллари сиёсати, энг аввало, ўзбек халқининг зиёлилари — ўқитувчилари, олимлари, маданият ва санъат арбобларига қарши қаратилган эди. Бунинг ўз сабаблари мавжуд эди, чунки, зиёлилар миллатни уйғотиш, тарбиялаш, миллий ўзликни англаш, жамият аъзоларида тарихий хотирани тиклашда асосий роль ўйнади. Шунинг учун ҳам қатагон йилларида миллат манфаатини, озодлик, ҳурликни тараннум этган ҳар қандай шахсга нисбатан турли бўҳтонлар уюштирилди ва улар йўқ қилиб юборилди эди. „Қосимовчилик“, „Ўн саккизлар гуруҳи“, „Иноғомовчилик“ каби ғирт уйдирмадан иборат кампаниялар айнан ўша мақсадларда ташкил этилган эди.

Бундай кампаниябозликлар орқали айбланган юртдошларимиз одатда „халқ душманлари“ деб аталганлар. Шу ўринда айрим мисоллар келтириш ёшларимизнинг онгини янада ривожлантиради, деб ўйлаймиз: 1931 йилда Самарқанд шаҳридаги Педагогика академиясига директор этиб тайинланган Қ. Абдуллаев ушбу олий ўқув юртини университетга айлантириш ҳақидаги ўз таклифи билан юқори идораларга мурожаат қилади. Университетда ўқув ва илмий ишларни ўзбек тилида олиб бориш, ўқитиш жараёнида маҳаллий халқнинг аждодлари меросидан фойдаланиш, олий таълим муассасаларида дарс бераётган маҳаллий миллат вакилларига илмий унвонлар бериш йўлида жонбозлик кўрсатади. Аммо, унинг саъй-ҳаракатлари мавжуд тузум томонидан қўллаб-қувватланмайди ва бу ҳаракатларга йўл берилмайди.

Ўзбекистоннинг тарихчи олими Б.Солиев ҳам Ватан, миллат тарихини ўрганишга, тарих фанининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган олимлардан ҳисобланади. „Ўрта Осиё тарихи“, „Бухоро тарихи“, „Манғитлар салтанати даврида Бухоро ўлкаси“, „Ўзбекистон тарихи XV–XIX асрнинг ярми“ каби асарлар, қўллаб илмий мақолалар муаллифи бўлган Б.Солиевнинг халқнинг миллий ўзлигини англаш, тарихий хотирани тиклаш йўлидаги бу ҳаракатлари туфайли уни „халқ душмани“ деб айблашади. У қатагон қурбони бўлади.

Ўша йилларда олий ўқув юртлири талабаларининг „сиёсий тозалиги“ни текширадиган „Олий ўқув юртлирини тозалаш бўйича махсус марказий комиссия“ фаолият кўрсатган. Ҳар бир олий ўқув юртида мазкур комиссиянинг бўлимлари келиб чиқиши меҳнатқаш бўлмаган, мулкдор синфга тааллуқли бўлган талабаларни „фош“ қилиш ва уларни институт, университетлардан четлаштириш каби вазифаларни бажарганлар<sup>49</sup>. Худди шундай ҳолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кузатилган. „Гуруҳбозлик“ни фош этиш,

---

<sup>49</sup> Абдурахмонова Ж. Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда таълим соҳасидаги қатагонлик сиёсати. // Автореферат. — Тошкент, 2002. 24-бет.



„халқ душманлари“ни топиш, уларни жазолаш совет мустабид тузумининг асл моҳиятини ташкил этарди.

Зиёлиларни қатағон ва қатл этиш миллатнинг ўзлигини англаш жараёни-ни йўқ қилишга қаратилган эди. 1936 йилнинг охиридан 1940 йилгача республика бўйича 5758 нафар зиёли — ёзувчилар, олимлар, раҳбарлар, маданият, санъат арбоблари қамоққа олинди. Уларнинг 4811 нафари отиб ташланди<sup>50</sup>.

1937–1939 йилларда жами 41 минг киши қамалди. Уларнинг 37 минг нафари жазоланди, 6920 нафари отилди<sup>51</sup>.

Мамлакатимизнинг узоқ ва яқин тарихига назар ташлар эканмиз, мустақиллик ва озодлик тушунчалари халқимиз учун доимо энг муқаддас бўлганини кўришимиз мумкин. Том маънода мустақиллик учун кураш Ислом Каримов республикамизнинг биринчи раҳбари этиб сайланганидан сўнг бошланган эди.

Шу ўринда ўтган асрнинг 80-йиллари охири, 90-йиллари бошидаги таҳликали даврларни эсга олиш ёшларимизнинг мустақиллик ғояларини янада чуқурроқ ўзлаштиришларига имкон беради, деб ўйлаймиз. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ўша даврдаги собиқ марказ томонидан қилинган таҳдидларга қарамасдан, мустақиллик йўлида мардона ҳаракатлар олиб бориши, мамлакатимиз ва халқимиз миллий манфаатларига устувор аҳамият бериши, илмий асосланган режа асосида истиқлол сари улкан жасорат билан қадам ташлаши ўз натижаларини берди. Бунда уч жиҳатга алоҳида аҳамият беришимиз, ёшларимиз буларни чуқур ўрганиши лозимлигини қайд этиш мақсадга мувофиқдир:

1) 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши;

2) ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида собиқ Иттифоқда биринчи бўлиб Ўзбекистонда Президентлик бошқарувининг таъсис этилиши ва, шунга асосан, 1990 йил 24 мартда Ислом Каримовнинг Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти этиб сайланиши;

3) 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Олий Совети томонидан Мустақиллик декларациясининг қабул қилиниши.

Таъкидлаш лозимки, булар Ўзбекистоннинг мустақиллик сари ташлаган буюк амалий қадамлари эди. Ушбу тарихий ҳақиқатни англаш, шубҳасиз, халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгида ғурур-ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини камол топтиришда муҳим роль ўйнайди. Ёшларимиз мустақиллик тарихи курашлар тарихи эканини англаб, уни кўлга киритиш халқимизнинг асрий орзуси бўлганини чуқур ҳис этар экан, шундагина мустақилликнинг том маънодаги қадр-қиммати, нуфузини тушуниб етишлари мумкин.

Халқимиз, айниқса, ёшларимиз тарихий хотираси миллат маънавиятининг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Тарихий хотираси бўш халқ — келажаги мавҳум халқ. Тарихий хотира ва миллий маънавият уйғунлиги келажакни белгилаб берадиган, халқни уюштирадиган, ягона мақсад остида бирлаштирадиган кучдир.

---

<sup>50</sup> Узоқов Ҳ. Ўзбекистонда мустақиллик учун кураш тарихи (1990–1940 йиллар). // Авто-реферат. — Тошкент, 1996. 40-бет.

<sup>51</sup> „Правда Востока“ газетаси, 1991 йил 15 сентябрь.

Миллатимиз қарийб 130 йил давом этган мустамлакачилик даврида оғир қийинчиликларни бошидан кечирди. Бизни турли балою қазолардан сақлаб қолган, янги эзгу мақсадлар сари етаклаган туйғу — тарихий хотира туйғусидир. Биз ўз тарихимизни ўрганишимиз, ютуқларимиздан фахрланишимиз, йўл қўйган хатоларимизни такрорламаслигимиз учун ҳам тарихий хотира зарур. „Ўтган давр мобайнида, — дейди Юртбошимиз, — эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган ана шундай иллатларга, эл-юртимизга нисбатан камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик ҳолатларига барҳам бериш, кўҳна қадриятларимиз, дину диёнатимизни тиклаш, ҳаётимизда тарихий адолатни қарор топтириш, янги жамият қуриш йўлида халқимизнинг маънавий юксалишини ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсадларга етишда ҳал қилувчи мезон деб қараш ва шу асосда иш олиб бориш биз учун доимо устувор вазифа бўлиб келганини ва бугун ҳам эътиборимиз марказида турганини таъкидлаш лозим“<sup>52</sup>.

---

<sup>52</sup> *Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч.* — Т.: Маънавият, 2008. 120-бет.

---

---

#### 4-БОБ. „ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК“ РИСОЛАСИ ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИ ЭЪТИБОРИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласи жаҳон жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш ва эътибор билан ўрганилмоқда. Буни „Халқ сўзи“ газетасининг 2013 йил 1 август сонидан „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида“ сарлавҳаси билан чоп этилган таҳлилий мақола мисолида яққол кўриш мумкин. Ўқув қўлланманинг мазкур бобида „Жаҳон“ ахборот агентлиги томонидан тайёрланган ана шу материал тўлиқ ҳолда берилмоқда.

Бугунги кунда халқаро вазиятнинг шиддат билан ўзгариши, давлатлараро зиддиятларнинг кучайиши, кескинликнинг янада ортиши, ер юзининг турли нуқталарида янги низо ўчоқларининг пайдо бўлиши — айтиш мумкин шундай ўткир масалалар жаҳон жамоатчилигида катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. **Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар ночор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда.**

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу можаронинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминидан тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортиқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкаларда қочоқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Афғонистон заминиданги уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туғдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунларданок „қўшнинг тинч — сен тинч“, деган азалий халқ ҳикматига амал қилиб, афғон можаросини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршилиқни бартараф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамжамиятига такрор ва такрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни, 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон можаросини жаҳон ҳамжамияти ёрдами билан ҳал этишга чақирди;

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш таклифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кучларнинг аралашувига чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини таклиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун „6+2“ мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардормиз.

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош қотибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди;

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида „6+3“ мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепцияси ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида ҳаёт муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чоратадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиш хавфи ортади.

Президент Ислам Каримов афғон можаросини бартараф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Айни шу аснода вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдида турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўтиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчилик эътироф этмоқда.

Юқорида зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясида мамлакатимиз „тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блоklarда иштирок этмайди“, деб аниқ-равшан баён қилинган. „Ўзбекис-

тон қўшни давлатлардаги курулли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз худудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймади“, дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: „Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъқул топади“.

Бундай қатъий, шу билан бирга, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатни олдинга суриш учун Афғонистоннинг яқин қўшниси бўлмиш Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу Афғонистон билан узоқ тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақамизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустаҳкам ва собитқадам ташқи сиёсатидир.

Айнан мана шу омиллар сабаб, „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгаришлар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бугун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг акс-садо бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-ижтимоий, эксперт ва илмий-академик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатилмоқда. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди. Жумладан, Афғонистоннинг етакчи „Daily Outlook Afghanistan“ газетаси, „Сахро“ ижтимоий-сиёсий журнали интервьюнинг тўла матнини „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислом Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг „Balochistan today“ ва „Ittihad“ газеталарида, Эроннинг „Iran News“ газетасида ва Хитойнинг „Lookwe“ журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлмиш АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда мусулмон дунёсида ўз мавқеига эга бўлган Саудия Арабистони, Қувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик саъй-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда. Энг муҳими, барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси — Афғонистондаги низони барта-

раф этишнинг ягона йўли — сиёсий йўл эканлигини тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофига тўплаш ва уларни муросага олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.

Интервьюда Президент Ислом Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва таклифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизгин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, **АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг таъкидлашича**, Президент Ислом Каримов Афғонистондаги вазиятни „ўта оғир ва нозик“ дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб етмаслиги мумкин эмас.

**Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж** Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислом Каримовнинг бу борадаги сўзларини ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳақида қайгурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир, деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислом Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларни музокаралар столи атрофида ечишга, ҳарбий тўқнашувларнинг янгитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга чақирмоқда, дейди П.Морвиж.

**АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М.Олкотт** Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларига қўшилмаслигини ва жанубдаги қўшниси билан муносабатларини фақатгина икки томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсеварлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида куришини ижобий баҳолайди.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда тезюрар автомобиль йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, „Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди“, дея ишонч билдиради.

**Британия — Ўзбекистон жамияти раиси лорд Ф.Понсонби** Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур англаши ва унинг келажакдаги ривожини борасида қайгураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислом Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида „6+3“ мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча қўшни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

**Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Саксенанинг қайд этишича, Президент Ислон Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афгон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгича концептуал ёндашувни таклиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантиққа таянган ҳолда баён этди. Хусусан, Ўзбекистон раҳбари асосий эътиборни афгон халқи ва жамиятини жишлантиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваламбор, афгон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади. Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан буён давом этаётган зўравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.**

**С.Саксенанинг сўзларига кўра, „Афғонистон, ўз назорати ва гегемониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка чорлаётган ишончли кўшниси борлигидан фахрланса арзийди“.**

**„Менга Ислон Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар даҳшатли қирғин экани, бу офатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи экани ҳақида куюниб айтган сўзлари ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди, — дейди германиялик эксперт Ф.Лемке. Ўзбекистоннинг тинчлик-севар ташқи сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок этмаслиги ҳам менда катта таассурот қолдирди“.**

**Ф.Лемкенинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг „тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди“ деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайди. Шундай экан, Ислон Каримовнинг ўз халқига, кўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги чақириғи эзгулик ва ривожланишга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканлигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаслигини англатади.**

**„Президент Ислон Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор очиқ ва равшан баён этди“, — дейди Францияда жойлашган Европа келажаги ва хавфсизлигини тадқиқ қилиш институти раҳбари Э.Дюпюи. Мутахассиснинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этмаслик принципи қонуний асосга эга. Тошкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдиради Э.Дюпюи.**

**Францияда чиқадиган „Les milieux des empires“ таҳлилий журналининг бош муҳаррири С.д’Изарннинг таъкидлашича, Ислон Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдираётган асосли ташвишлари билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши кўшнчилик алоқаларига таянадиган қатъиятли позициясини кўрсатади.**

**2014 йил охирида АЙСЕФ кўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С.д’Изарн ушбу муддатга қадар Президент Ислон Каримовнинг**

умумафгон сиёсий музокараларини бошлаш ва зарурий келишувларга эришиш кераклиги ҳақидаги фикр ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс „Жаҳон“ ахборот агентлиги муҳбирига берган интервюсида шундай деди: „Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган интилишлари билан мутлақо ҳамфикрман. Албатта, минтақадаги вазият оддий эмас. Бу борада Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларга кирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мутлақо тўғри ва долзарбдир“.

„Биз Ислом Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунида Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг туб манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз“, дея таъкидлайди Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси ҳузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тадқиқ этиш институти ходими Су Чан.

Мутахассиснинг фикрига кўра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қўшнилари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий ташвишланмоқда. „Биз Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши, ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур“, — дейди Су Чан.

Япониянинг Шарқий Осиё тадқиқотлари институти директори У.Магосакининг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланувиغا қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

„Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллатлараро можароларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, Афғонистондаги мавжуд муаммоларни муваққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вазифа ҳисобланади. Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишдир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бўгин сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч-тотув яшаши учун қулай шароитлар яратишга имконият туғдиради“, деб ҳисоблайди У.Магосаки.

Япониянинг Ниагата университети профессори Шигеки Хакамаданинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг „катта геосиёсий ўйини“ майдони бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб, ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига



қарамасдан, ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Кобул афгон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади, дея фикр билдиради япониялик мутахассис.

Малайзиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири ўринбосари, „Геракан“ партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида олиб бораётган сиёсати ва афгон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшниси сифатида Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади. Шунинг учун ҳам, Президент Ислом Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асносида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жалб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, „Винагу“ университети профессори Зулфиқли ҳожи Сентери: „Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океан давлатларига энг яқин масофа билан чиқиш имкониятини яратади. Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан фоят манфаатдор“, дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган Болтиқ халқаро академияси профессори И.Стеценконинг сўзларига кўра, Ислом Каримовнинг яхши қўшничилик, ўзбек халқининг осойишталиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. „Ишончим комилки, Ибн Сино, Улуғбек, Беруний ва Навоий каби буюк алломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида мужассам этган ўзбек халқи ўз аждодаларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқлар ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маданий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва бағрикенгликни тарғиб этади“, — дейди И.Стеценко.

Мухтасар қилиб айтганда, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг 9 май куни Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан берган интервьюсига хорижий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар, Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганининг яққол далилидир<sup>53</sup>.

---

<sup>53</sup> „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида. // „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 1 август.

## ХУЛОСА

Маълумки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Дунё тараққиёт ва ривожланиш сари изчил қадам босар экан, албатта, бу ҳеч қачон қийинчилик ва машаққатсиз бўлмайди.

Бугун юртимизда ҳукм сураётган вазият, биз яшаётган даврнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам маълум бир маънода бу жараёнларни чуқур англаш ва мушоҳада этишни, биздан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоялашни ҳамда халқимиз фаровонлигини таъминлашда тинмай фидокорона меҳнат қилишни талаб этмоқда.

Шу боисдан, авваламбор, рўй бериши мумкин бўлган турли хил маънавий-ахлоқий, оммавий-маданий, инфор­мацион-технологик ҳамда иқтисодий-ижтимоий соҳалардаги хавф-хатарларга жавоб берадиган, жаҳон иқтисодиёти­нинг юксалиши ва инқирозини олдиндан кўриш имконини яратадиган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга оширишда асосий кучни ташкил этган етук ва баркамол ёшлар қатламини тайёрлашга катта аҳамият қаратиш мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

„Бу Ватан — меники, агарки уни ҳар қандай бало-қазолардан асраш, ҳимоя қилиш учун мен курашмасам, ким курашади“ деган фикр билан яшаса, мана шундай қараш униб-ўсиб келаётган болаларимиз учун энг катта даъватга, ҳаётий эътиқодга айланиб, уларнинг қалбидан, онгу тафаккуридан чуқур жой олса, айтин­глар, бундай халқни йўлидан қайтариб бўладими, бундай халқни енгиб бўладими?!“<sup>54</sup> деб таъкидлайди муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов.

Маълумки, бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган глобаллашув шароитида мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида давлатнинг ёшларга оид олиб бораётган сиёсати муҳим стратегик аҳамият касб этади.

Сўнгги ўн йилликлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, жуда тез суръатлар билан ўзгариб бораётган дунёда интеллектуал салоҳиятга, маънан етук ва баркамол авлодга эга бўлган давлатларгина дунё харитасида ўзларининг нуфузи ва мавқеини сақлаб қолишга эришишлари мумкин.

Демак, бугунги давр талабидан келиб чиқиб, ёшлар муаммоларини ҳал этиш мамлакат тараққиёти ва хавфсизлигининг кафолати экан, миллий тараққиётнинг муҳим вазифаларини ҳал этишда ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида барча зарур шароитларни яратиш, замонавий билим ва касб-хунарга эга, дунё майдонида ўз тенгдошлари билан беллашишга қодир бўлган ёшлар-

<sup>54</sup>Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 10-бет.

ни тарбиялаш биз — таълим соҳасида фаолият кўрсатаётган кўп сонли профессор-ўқитувчилар, устоз-мураббийлар олдида турган ўта муҳим ва масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг бугунги куни ва келажаги учун амалга оширилган энг муҳим ва кенг кўламли ишлар ҳақида гап кетганда, аввало, тарихан шу қисқа даврда ёшларимизнинг замонавий билим олиши, тарбия топиши, бошқача айтганда, инсон омилини ривожлантириш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш йўлида биз амалга оширган улкан ишларни таъкидлаш мумкин.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз ота-боболаримизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши, XXI аср талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган комил инсон бўлиб камол топиши учун биз бундан буён ҳам куч-ғайратимизни аямаслигимиз зарур. Чунки, эртанги кун — чин маънода ёшлар қўлида. Ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга янада кўпроқ ишонч билдириш лозим. Давлатимиз, жамиятимизнинг бу борадаги вазифаси — келажак авлодни ҳаётда ҳар бир одам, ҳар бир ёш йигит-қиз дуч келадиган мураккаб синовларга ҳар томонлама тайёрлашдан иборатдир.

Қайд этиш керакки, Президентимиз Ислом Каримовнинг „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласида бу борадаги долзарб вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилган.

Ишончимиз комилки, ёшларимиз ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам мазкур рисолада билдирилган дастурий фикрлар асосида келажакда ҳали кўп ишларни амалга ошириш лозимлигини, ҳар томонлама етук авлод бўлиб вояга етиш учун бугун ҳаётда керак бўладиган кўплаб билим ва тажрибаларни ўрганишлари зарурлигини, бу йўлда тинимсиз ўқиш, ўрганиш ва изланиш даркорлигини яхши англайдилар.

## HAZOPAT CAVOLLARI

1. Фашистлар Германияси Иккинчи жаҳон урушини бошлашдан қандай мақсадларни кўзлаган?
2. Иккинчи жаҳон уруши халқимизга қандай қайғу ва мусибатлар олиб келди?
3. Ўзбекистон Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларида қандай муҳим ижтимоий вазифаларни ҳал қилишига тўғри келди?
4. Бу вазифаларни бажаришда ўзбек халқи қандай инсонпарварлик фазилатларини кўрсатди?
5. Республиканинг бутун куч-қудрати ва иқтисодий салоҳиятини мудофаа манфаатларига бўйсундиришдан мақсад нима эди?
6. Уруш йилларида ўзбек халқининг бағрикенглиги, меҳмондўст ва болажонлиги қандай намён бўлгани ҳақида мисоллар асосида ҳикоя қилиб беринг.
7. Уруш даврида фронт орқасида меҳнат жасоратини кўрсатган кексалар, аёллар ва ёшларимиз фаолияти ҳақида сўзлаб беринг.
8. Уруш йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги қандай ривожланган эди?
9. Қишлоқ меҳнаткашлари оғир аҳволга қарамасдан, фидокорона меҳнат қилганлари ҳақида мисоллар келтиринг.
10. Президент Ислон Каримовнинг „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласида қайси мавзулар атрофлича ёритиб берилган?
11. Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун ва моҳияти ҳақида сўзлаб беринг.
12. Бугунги дунёда жадал ўзгариб бораётган жараёнлар қандай таҳдид ва хатарларни келтириб чиқармоқда?
13. Дунё ҳамжамиятини қандай янги кескинлик ўчоқлари ташвишга солмоқда?
14. Минтақамиз хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига қандай можаролар салбий таъсир кўрсатиши мумкин?
15. Афғонистон ҳудудидаги қандай хавф-хатарлар қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмоқда?
16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов қачондан бошлаб БМТ раҳбарлигида Афғонистонда ўз ечимини кутиб турган ижтимоий-сиёсий масалаларни ҳал этиш бўйича мулоқот гуруҳини шакллантириш гоясини илгари суриб келмоқда?
17. „6+3“ мулоқот гуруҳи ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан кўзланган мақсад нималардан иборат?
18. Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги икки давлатнинг миллий манфаатлари қандай халқаро ва миллий принципларга амал қилади?
19. „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ги Қонун (2012 йил сентябрь) қандай принцип ва стратегик устувор йўналишларни белгилаб берган?
20. Ўзбекистон ташқи сиёсатида қандай бош қадрият ва тамойиллар узоқ муддатли миллий манфаатларни кўзлайди?
21. „6+3“ мулоқот гуруҳига кирадиган 6 та ва 3 та давлат қайсилар?
22. Турли кескинликлар, қарама-қаршиликларни олдиндан англаш, уларнинг олдини олиш учун қайси иллатларга қарши курашиш лозим?
23. Сиёсат ва мақсадлар уйғунлиги деганда нимани тушунасиз?
24. Бепарволик ва беғамлик нима?
25. Тинч ва осуда ҳаётни таъминлашнинг кафолати нимада?
26. Миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни қандай тушунасиз?

27. Ўзбек халқининг ўз озодлиги учун матонат кўрсатиб курашиб келгани ҳақида қайси манбалар асосида ҳикоя қилиб бера оласиз?
28. Хотира ва қадрлаш кунини қай тарзда тасаввур қиласиз?
29. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари нималардан иборат?
30. Жаҳон халқларининг тинч ва осуда ҳаётига халақит қилаётган омиллар нималардан иборат?
31. „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси“нинг мақсади нимадан иборат?

## ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- Урушнинг дастлабки кунларида Ўзбекистон фронтга қандай ёрдам берди?
  - Фронтга ҳарбий сафарбарлик асосида дивизия ва бригадалар жўнатди.
  - Саноат корхоналари ҳарбий изга туширилди.
  - Ўзбекистонда уруш бўлмаганлиги сабабли фронтга ёрдам кўрсатмади.
  - Етим болалар Ўзбекистонга эвакуация қилинди.
- Халқ хўжалиги ходимлари олдида қандай муаммолар бор эди?
  - Уруш бошлангандан кейин озиқ-овқат келтириш тўхтади, аҳолини боқиш учун ички имкониятларни топиш зарур эди.
  - Эвакуация қилинган аҳоли ҳисобига шаҳарлар аҳолисининг кўпайиши озиқ-овқатга бўлган талабни янада оширди.
  - Деҳқонлар фронтга ва ҳарбий саноатда ишлашга сафарбар этилган, деҳқончиликнинг оғир меҳнати кексалар, аёллар, ўсмирлар зиммасига тушган эди.
  - Ҳарбий сафарбарликни ташкил этиш.
- 1943 йилда республика дон маҳсулотлари етиштирилиши тўғрисидаги тўғри маълумот келтирилган жавобни топинг.
  - 5,3 млн. центнер.
  - 5 млн. центнер.
  - 4 млн. центнер.
  - 3 млн. центнер.
- Уруш майдонларида, айниқса, Брест қалъаси ҳимоясида қаҳрамонлик кўрсатган ватандошларимизни топинг.
  - М. Тоғиболдиев, С. Раҳимов.
  - Дониёр Абдуллаев, Бобоҳалил Кашанов, Аҳмад Алиев, Узоқ Ўтаев.
  - Б. Бобоев, Ф. Хўжаев, Т. Ризқулов;
  - Жонибек Отабоев, И. Мусаев, А. Ҳақимов, И. Қосимов.
- Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари шарафига қандай ёдгорликлар ўрнатилган?
  - Шаҳидлар хиёбони.
  - Хотира хиёбони.
  - А. Темур музейи.
  - Ўзбекистон тарихи музейи.
- Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан тантанали маросимлар қаерда ўтказилади?
  - Шаҳидлар хиёбони.
  - Хотира хиёбони.
  - А. Темур музейи.
  - Ўзбекистон тарихи музейи.

7. Иккинчи жаҳон уруши йилларида саноат корхоналарида иш вақти қандай белгиланган эди?
- А) ҳафтасига мавжуд беш кунлик ўрнига олти кунлик, бир кунда 8 соат.
  - Б) ҳафтасига мавжуд беш кунлик ўрнига олти кунлик, бир кунда 6 соат.
  - В) ҳафтасига мавжуд беш кунлик ўрнига олти кунлик, бир кунда 10 соат.
  - Г) ҳафтасига мавжуд беш кунлик ўрнига олти кунлик, бир кунда 11 соатлик иш куни жорий қилинди. Аслида иш куни 12—14 соатга чўзиларди.
8. Иккинчи жаҳон уруши жангҳоларидаги жасоратлари учун қанча ўзбекистонлик орден ва медаллар билан тақдирланган?
- А) 500 минг.
  - Б) 200 минг.
  - В) 120 минг.
  - Г) 100 минг.
9. Маълумки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида республика алоқачилари ҳам шижоат билан фаолият юритдилар. 1943 йилда қуриб ишга туширилган 500 километрлик телефон йўли Тошкентни қайси ҳудуд билан боғлади?
- А) Фарғона водийси вилоятлари.
  - Б) Қашқадарё ва Сурхондарё билан.
  - В) Самарқанд ва Бухоро билан.
  - Г) Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон билан.
10. Ўзбекистонлик жангчилардан қанчаси Германия устидан қозонилган ғалаба учун тақдирланганлар?
- А) 50900 жангчи.
  - Б) 85600 жангчи.
  - В) 109208 жангчи.
  - Г) 120000 жангчи.
11. Уруш йилларида ўзбекистонлик мард жангчилардан қанчаси „Москва мудофааси учун“ медаллари билан тақдирланди?
- А) 1500 киши.
  - Б) 1753 киши.
  - В) 1800 киши.
  - Д) 1679 киши.
12. Уруш йилларида ўзбекистонлик мард жангчилардан қанчаси „Сталинград мудофааси учун“ медаллари билан тақдирланди?
- А) 2733 жангчи.
  - Б) 2700 жангчи.
  - В) 2500 жангчи.
  - Г) 2800 жангчи.
13. Уруш йилларида ўзбекистонлик мард жангчилардан қанча нафари „Қаҳрамон“ унвони билан тақдирланди?
- А) 500 нафар.
  - Б) 400 нафар.
  - В) 300 нафар.
  - Г) 200 нафар.
14. Мустабид совет тузуми урушда асир тушган, бироқ омон қолиб юртига қайтганларга нисбатан қандай чоралар қўллади?
- А) Уларга нисбатан ҳеч қандай чоралар қўлланмади.
  - Б) Уларнинг барчаси қатл этилди.
  - В) Улар ишга жойлашиш ва уйли-жойли бўлишда қийналдилар. Айримлари яна собиқ тузум яратган лагерларга жўнатилди.
  - Г) Уларга ёрдам бериб, ишга жойлашишлари учун шароитлар яратди.

15. Уруш йилларида республика халқ таълими, жумладан, олий таълим тизими ҳам оғир синовлардан ўтди. Самарқанд кооператив институти билан қайси олий ўқув юрти бирлаштирилди?

- А) Самарқанд тиббиёт институти.
- Б) Тошкент институти.
- В) Ўрта Осиё давлат университети.
- Г) Тошкент молия-иқтисодиёт институти.

16. Уруш бошқа республикалар сингари Ўзбекистон аҳолисининг ҳам турмуш даражасини оғирлаштирди. Озиқ-овқат танқислиги вужудга келди. Шаҳарларда озиқ-овқатларни, саноат молларини карточка асосида тақсимлаш жорий этилди. Ишчи ва хизматчиларга кунига қанчадан нон бериш белгиланди?

- А) 400—500 граммдан.
- Б) 300 граммдан.
- В) 800 гарммдан.
- Г) 600 граммдан.

17. Ўзбекистондан Иккинчи жаҳон урушига сафарбар қилинган 1433230 кишидан ярим миллионга яқини ҳалок бўлди, яна қанчаси ногирон бўлиб қайтди?

- А) 132670 киши;
- Б) 150000 киши;
- В) 110670 киши;
- Г) 232670 киши.

18. Санъаткорлардан тузилган концерт бригадалари фронтдаги жанговор ҳарбий қисмларнинг аскар ва зобитлари учун 400 дан кўпроқ концерт бердилар, республика ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларда 15 мингта, госпиталларда 10 мингта концерт уюштирдилар. Концерт бригадалари сонини аниқланг.

- А) 50 дан ортиқ.
- Б) 30 дан ортиқ.
- В) 40 дан ортиқ.
- Г) 60 дан ортиқ.

19. Халқ таълимида ҳам жиддий қийинчиликлар бўлди. Уруш давом этаётган бўлсада, ўқитувчиларнинг ҳарбий хизматдан бўшатилиши мактаблардаги муаммоларнинг бир қатор ечимини топишига ёрдам берди. Бу жараён қачон бошланди?

- А) 1942 йилда.
- Б) 1943 йилда.
- В) 1944 йилда.
- Г) 1945 йилда.

20. Ўзбекистонга Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Воронеж, Одесса ва бошқа шаҳарлардан 1941—1943 йилларда қанча олий ўқув юрти ва ҳарбий академия кўчириб келтирилган?

- А) 20 тадан олий ўқув юрти ва ҳарбий академия.
- Б) 35 та олий ўқув юрти ва 7 та ҳарбий академия.
- В) 30 та олий ўқув юрти ва 10 та ҳарбий академия.
- Г) 40 та олий ўқув юрти ва 15 та ҳарбий академия.

21. Дунё ҳамжамиятида катта ташвиш уйғотаётган масалалар — бу ...

- А) Радикализм ва экстремизмнинг ўсиши, мурасасизлик.
- Б) Ядровий технологиялар ва оммавий қирғин қуроолларининг тарқалиб кетиш хавфи.
- В) Янги кескинлик ўчоқларининг пайдо бўлиши.
- Г) Ҳамма жавоб тўғри.

22. Минтақамиз хавфсизлиги, барқарорлиги ва изчил ривожланишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жараёнлар, бу — ...

- А) Глобаллашув шароитида йирик давлатларнинг манфаатлари, ядровий технологиялар ва оммавий қиргин қуроолларининг тарқалиб кетиш хавфи.
- Б) Интеграция ва кооперациялашув жараёнлари.
- В) Рационализм ва реформизм.
- Г) Бюрократия ва манфаатпарастлик.

23. 2008 йилнинг 3 апрелида НАТО/СЕАП ташкилотининг Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан қандай муаммо ва таклиф билдирилди?

- А) Афғон муаммоси, бу муаммони фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ва бу можарони сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида „6+3“ мулоқот гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф.
- Б) Афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл орқали ҳал этиш мумкин эканлиги ҳақидаги таклиф.
- В) Афғон муаммосини, унинг ички ишларига аралаштириш орқали тартибга солиш бўйича таклиф.
- Г) Афғонистон муаммосини фақат бир минтақага тегишли бўлган муаммо, деб қараш ва уларнинг ички ишларига аралашмаслик лозимлиги тўғрисидаги таклиф.

24. АЙСЕФ коалицион қўшинлари (АҚШ ва НАТО ҳомийлигидаги) 2014 йилгача ва ундан кейин Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазиятни янада кескинлаштириши мумкинми?

- А) Йўқ. Афғонистон қуроли кучлари, армияси ва ички ишлар вазирлиги бу ердаги вазиятни тартибга солиди.
- Б) Ҳа, мумкин. Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олишига олиб келиши мумкин.
- В) Минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли экспертлар томонидан эътироф этилмоқда.
- Г) Б ва В жавоблар тўғри.

25. Президент Ислам Каримов Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш учун БМТ раҳбарлигида қайси мамлакат ёки ташкилотларни „6+3“ мулоқот гуруҳига киритишни таклиф этди?

- А) Хитой, Қозоғистон, Ўзбекистон.
- Б) Япония, Германия, Англия.
- В) АҚШ, НАТО, Россия.
- Г) Германия, Италия, Хитой.

26. 2010 йилнинг 11—14 июнь кунлари содир бўлган қандай фожиали воқеалар Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг издан чиқиши хавфини туғдирди?

- А) Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган ҳарбий ҳаракатлар.
- Б) Қирғизистон жанубида содир бўлган қонли ва шафқатсиз воқеалар.
- В) Покистонда юз берган кўпуровчилик ҳаракатлари.
- Г) Тўғри жавоб йўқ.

27. „Шанхай ҳамкорлик ташкилоти“ (ШХТ)га қайси давлатлар аъзо?

- А) Қозоғистон, Россия, Туркманистон, Покистон, Эрон, Қирғизистон
- Б) Россия, Мўғилистон, Ҳиндистон, Афғонистон, Хитой, Ўзбекистон.
- В) Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон.
- Г) Туркманистон, Қозоғистон, Хитой, Покистон, Ўзбекистон, Эрон.



28. 2012 йил сентябрь ойида қабул қилинган „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепциясини тасдиқлаш тўғрисида“ги Қонунда:

- А) турли ҳарбий сиёсий блок ва альянслардан узоқ бўлиш принципи.
- Б) ўз суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича қатъий позицияга эга бўлиш принципи.
- В) ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари жойлаштирилишига йўл қўймаслиги ҳақида, очиқ, изчил ва фаол ташқи сиёсат олиб бориши ҳақида, баён этилган.
- Г) Барча жавоблар тўғри.

29. Мафкуравий тамойиллар сабабли рўй бераётган турли тўқнашувларга Ўзбекистоннинг муносабати:

- А) рўй бераётган турли тўқнашувларга ўзининг жалб этилишига ҳамда қўшни давлатлар ва ҳудудлар билан чегаралардаги қуроли моjarолар ва кескинлик ўчоқларда мамлакатимизнинг иштирок этишига йўл қўймайди.
- Б) яхши қўшничилик, юзага келадиган низоларни фақатгина тинч йўл билан баргараф этиш тарафдори.
- В) коллектив хавфсизлик шартномаси (МДХ доирасида) ташкилоти (ОДКБ) Коллектив кенгаши доирасида ўз армиясини бошқа давлатларга киритади.
- Г) А ва Б жавоблар тўғри.

30. Ўзбекистон ташқи сиёсатда қандай ҳуқуқий принципларга амал қилади?

- А) Давлатларнинг суверенитети, тенглиги, чегараларнинг дахлсизлиги.
- Б) Куч ишлатмаслик ёки таҳдид қилмаслик.
- В) Низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик.
- Г) Барча жавоблар тўғри.

31. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов афғон муаммоси ва уни келтириб чиқарган туб сабаблар ҳамда уларнинг оқибатлари тўғрисида қайси асарида чуқур концептуал хулосаларни баён қилган эди?

- А) „Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда“ (1999) асарида.
- Б) „Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак“ (2002) асарида.
- В) „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ (2013) асарида.
- Г) „Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари“ (1997) асарида.

32. Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йорк шаҳрида қайси йилларда бўлиб ўтган саммитларида халқаро хавфсизликка Афғонистонда чиқаётган таҳдидлар ҳақида дунё аҳлини такрор ва такрор огоҳлантирган эди?

- А) 1992, 1997, 2001, 2012 йиллардаги саммитларда.
- Б) 1993, 1995, 2000, 2010 йиллардаги саммитларда.
- В) 1991, 1996, 2000, 2011 йиллардаги саммитларда.
- Г) 1993, 1997, 2002, 2009 йиллардаги саммитларда.

33. Афғон муаммосини ҳарбий йўл билан эмас, тинч йўл билан ҳал қилишга қаратилган „6+3“ мулоқот гуруҳига Афғонистонга қўшни бўлган қайси 6 та давлат киритилган?

- А) Саудия Арабистони, Эрон, Ливия, Хитой, Туркменистон, Қозоғистон.
- Б) Хитой, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон.
- В) Эрон, Покистон, Туркменистон, Хитой, Ўзбекистон, Тожикистон.
- Г) Қирғизистон, Мўғилистон, Покистон, Озарбайжон, Қувайт, Ўзбекистон.

34. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида сўзлаган нутқи нуфузли халқаро экспертларда қандай қизиқиш уйғотди?

- А) Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, Қирғизистон жанубидаги ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш масалалари.

- Б) Марказий Осиёда экологик муаммоларни ҳал этиш масалалари.  
 В) Мингйиллик ривожланиш 8 та устувор мақсадларини миллий миқёсда амалга ошириш.  
 Г) Барча жавоблар тўғри.
35. Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар —  
 А) Афғонистонда ўттиз йилдан зиёд давом этаётган урушдир.  
 Б) экологик муаммолар.  
 В) буюк давлатчилик, шовинизм ва агрессив миллатчилик.  
 Г) этник ва миллатлараро зиддиятлар ва терроризм.
36. Афғон заминидаги инқирозни баргараф этишнинг ягона йўли, бу...  
 А) ҳарбий йўл бўлиб, вақтинчалик муваққат ҳукумат тузиш.  
 Б) Сиёсий йўл бўлиб, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзаро келишувга олиб келиш.  
 В) Ижтимоий-иқтисодий йўл бўлиб, мамлакат олдида турган оғир муаммоларни ҳал этиш, дунё мамлакатларининг моддий ёрдамига таяниш.  
 Г) АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнатиш кучларини 2016 йилнинг охиригача сақлаб туриш.
37. Ўзбекистоннинг Афғонистон давлатига нисбатан олиб бораётган сиёсати аниқ ва очик, бу...  
 А) Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаслик, ҳарбий-сиёсий бирлашмаларда қатнашмаслик.  
 Б) алоқа ва ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш.  
 В) Афғонистоннинг ички вазиятини ҳисобга олиб, унга ҳарбий-сиёсий бирлашмалар орқали ёрдам бериш, манфаатли алоқа ва ҳамкорликни кўп томонлама асосда ўрнатиш, қўшниларимиз билан тинч-осойишта яшаш.  
 Г) А ва Б жавоблар тўғри.
38. 2012 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ–330-сонли „Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолияти концепцияси“да белгилаб берилган минтақавий ва халқаро сиёсати —  
 А) Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришишга кўмаклашиш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд яратиш.  
 Б) МДҲга аъзо мамлакатлар, АҚШ, Россия ва Европа, Осиё-Тинч океан минтақаси давлатлари билан ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш.  
 В) трансчегаравий дарёларнинг сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш.  
 Г) А ва В жавоблар тўғри.
39. Ўзбекистон минтақа мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудида „Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф“ йўналиши бўйича темир йўл қурилишини қачон амалга оширди ва ишга туширди?  
 А) 2007 йилда.  
 Б) 2008 йилда.  
 В) 2009 йилда.  
 Г) 2012 йилда.
40. Ўзбекистонлик мутахассислар қайси йили Афғонистоннинг шимолий вилоятлари орқали Кобулгача электр узатиш линиясини барпо этиш бўйича дастлабки лойиҳани амалга оширдилар?  
 А) 2013 йилда.  
 Б) 2010 йилда.  
 В) 2008 йилда.  
 Г) 2009 йилда.

41. Ҳозирги пайтда дунёдаги мавжуд наркотик моддаларнинг деярли неча фоизи Афғонистонда етиштирилиб, қанча фоизи Европа мамлакатларига тарқатилмоқда?
- А) 95 фоизи етиштирилиб, Европа мамлакатларига 75 фоизи тарқатилмоқда.
  - Б) 90 фоизи етиштирилиб, Европа мамлакатларига 65 фоизи тарқатилмоқда.
  - В) 80 фоизи етиштирилиб, Европа мамлакатларига 60 фоизи тарқатилмоқда.
  - Г) 70 фоизи етиштирилиб, Европа мамлакатларига 50 фоизи тарқатилмоқда.
42. „Сиёсат“ атамаси нимани англатади?
- А) Жамиятни бошқариш механизми.
  - Б) Давлатни бошқариш санъати.
  - В) Фуқароларни тарбиялаш усули.
  - Г) Барчаси тўғри.
43. „Мақсад“ атамаси нимани англатади?
- А) Инсон амалий фаолиятининг аввалдан ўйлаб тайёрланган режаси ва натижаси.
  - Б) Шахс фаолиятини белгиловчи йўл.
  - В) Фуқаро истак-ўйлари мажмуаси.
  - Г) Ижтимоий мўлжал.
44. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик Кенгаши қачон тузилган?
- А) 2000 йил декабрда.
  - Б) 2012 йил сентябрда.
  - В) 1991 йил 10 августда.
  - Г) 1995 йил майда.
45. Ўзбекистонда „Миллий хавфсизлик тўғрисида“ги Қонун қачон қабул қилинган?
- А) 2001 йил 10 июнда.
  - Б) 1996 йил 24 апрелда.
  - В) 1993 йил 5 декабрда.
  - Г) 2011 йил 8 ноябрда.
46. „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси“ қачон қабул қилинган?
- А) 2012 йил сентябрда.
  - Б) 2001 йил январда.
  - В) 1994 йил декабрда.
  - Г) 2013 йил майда.
47. „Мустақиллик декларацияси“ қачон қабул қилинган?
- А) 2013 йил 5 январда.
  - Б) 1995 йил 30 июнда.
  - В) 1990 йил 20 июнда.
  - Г) 1991 йил 31 августда.
48. Ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг неча фоизи виртуал дунёга кириб қолган?
- А) 92 фоизи.
  - Б) 25 фоизи.
  - В) 3 фоизи.
  - Г) 10 фоизи.
49. И.Каримовнинг „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асари неча бобдан иборат?
- А) 4 боб.
  - Б) 6 боб.
  - В) 2 боб.
  - Г) 7 боб.

50. Ислом Каримов томонидан низоларни бартараф этишнинг қайси йўли кўрсатилган?

- А) Низоларни бартараф қилишнинг мунозара йўли.
- Б) Низоларни бартараф қилишнинг муҳокама йўли.
- В) Низоларни бартараф қилишнинг босқичма-босқич йўли.
- Г) Низоларни бартараф қилишнинг урушлар йўли.

51. Дунё миқёсида бой ва камбағаллар ўртасидаги тафовутнинг кучайиши нималарда кўринади?

- А) Мулкий тафовут, ишсизлик, қашшоқлик.
- Б) Саводсизлик, онгсизлик, ишсизлик.
- В) Қашшоқлик, бахтсизлик, онгсизлик.
- Г) Ижтимоий нотинчлик, синфий зиддиятлар, бойлик.

52. Президент И.Каримовнинг 2013 йил 9 май куни ОАВ вакиллари саволларига берган жавобларидан олинадиган биринчи хулоса нима?

- А) Тарихий хотирасиз келажак йўқ.
- Б) Инсон хотираси абадий ва у доимо ҳақиқатни акс эттиради.
- В) Янги уйни қурмасдан эскисини бузма.
- Г) Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсонлар учун.

53. Президент И.Каримов Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг қайси йилдаги йиғилишида совет даврини қўмсашнинг хавфлилиги тўғрисида гапирган?

- А) 7 йиллигида.
- Б) 18 йиллигида.
- В) 15 йиллигида.
- Г) 19 йиллигида.

54. Инсониятга хавф солиб турган иллатлардан қайсилари айниқса ўта жиддий?

- А) Ғоясизлик, эгоцентризм, „Оммавий маданият“.
- Б) Космополитизм, ахлоқсизлик, ўтмишни қўмсаш.
- В) „Оммавий маданият“, эгоцентризм, эркинлик ниқоби остидаги ахлоқсизлик.
- Г) Европацентризм, ОИТС, норкоагрессия.

55. Тадқиқотчилар Интернет қарамлигига тушиб қолганларни неча гуруҳга бўладилар?

- А) 5 гуруҳ.
- Б) 3 гуруҳ.
- В) 11 гуруҳ.
- Г) 8 гуруҳ.

56. Интернет қарамлигига тушганларнинг 3-гуруҳидагилар кимлар?

- А) Китоб ўқимайдиганлар.
- Б) Онлайн ўйинлари.
- В) ОИТС ташувчилар.
- Г) Интернет орқали қимор ўйновчилар.

57. Ўзбекистонда XX асрнинг 20-йиллар ўрталари ва 30-йилларида қанча деҳқон „қулоқ“ қилинган?

- А) 40 минг.
- Б) 110 минг.
- В) 31 минг.
- Г) 10 минг.

58. И. Каримов нечанчи йил Ўзбекистон Президенти этиб сайланди?

- А) 1989 йил 23 мартда.
- Б) 1991 йил 31 августда.
- В) 1992 йил 8 декабрда.
- Г) 1990 йил 24 мартда.

59. Қандай хавфли балоларни кўрмаслик инсониятни ёмон оқибатларга олиб келади?

- А) Коррупция, маҳаллийчилик.
- Б) Мустамлакачилик, экспанция.
- В) Фашизм, миллатчилик.
- Г) Лоқайдлик, илмсизлик.

*Тестларнинг жавоблари:*

1-А, 2-В, 3-А, 4-Б, 5-Б, 6-Б, 7-Г, 8-В, 9-Г, 10-Г, 11-Б, 12-А, 13-В, 14-В, 15-Б, 16-А, 17-А, 18-Б, 19-В, 20-Б, 21-Г, 22-А, 23-А, 24-Б, 25-В, 26-Б, 27-В, 28-Г, 29-Г, 30-Г, 31-Г, 32-Б, 33-В, 34-Г, 35-А, 36-Б, 37-Г, 38-Г, 39-Б, 40-В, 41-А, 42-Б, 43-А, 44-Г, 45-Б, 46-А, 47-В, 48-Г, 49-А, 50-В, 51-А, 52-Б, 53-Г, 54-В, 55-А, 56-Г, 57-А, 58-Г, 59-В.

## ГЛОССАРИЙ

**АЛИШЕР НАВОИЙ** — Низомиддин Мир Алишер Навоий ўзбек адабиётининг асосчиси, буюк шоир, мутафаккир ҳамда давлат арбоби. У 1441 йил 9 февралда Хирот шаҳрида туғилиб, 1501 йил 3 январда она шаҳрида вафот этди. У бизга бой адабий ва илмий мерос қолдирган. Ўзбек тилидаги ғазаллари 2600 дан ошиқ. 6 та дoston ёзган. Мукамал асарлари 20 жилдда чоп этилган.

**АРМИЯ** — давлатнинг қуроли кучлари мажмуаси.

**АХБОРОТЛАШГАН ЖАМИЯТ КОНЦЕПЦИЯСИ** — информатика ва ахборот технологияси жамиятнинг ижтимоий тузилишини, ишлаб чиқариш кучларини ўзгартириш, яхлит ахборот саноатини вужудга келтириш воситаси.

**АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ** — бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароит ва кўрсаткичлар мажмудир.

**БАШОРАТ** — келажак ҳақидаги, яъни ҳали амалда мавжуд бўлмаган, лекин ривожланишнинг кутилаётган ривожини белгилайдиган объектив ва субъектив омиллар кўришида ҳозирги замонда потенциал мавжуд бўлган ҳодиса ва жараёнлар ҳақидаги билим.

**БИРЛАШМА** — таркибига бир неча қўшилма ёки кичик таркибли бирлашмалар, шунингдек, алоҳида қисм ва муассасалар киритилган ҳарбий тузилма.

**ВАТАНПАРВАРЛИК** — одамларнинг мамлакатига бўлган муносабати ва ҳаракати билан Ватан манфаатига хизмат қилиш ва душмандан ҳимоя қилишга бўлган интилишни намоён этиладиган ижтимоий ва ахлоқий тамойил.

**ГВАРДИЯ** — қўшинларнинг сараланган имтиёзли қисми. Дастлаб Францияда (XV асрнинг бошида) пайдо бўлган.

**ГЛОБАЛИСТИКА** — глобаллашув ва унинг оқибатлари моҳиятини англаб етишга қаратилган илмий ва фалсафий тадқиқотларнинг фанлараро соҳаси.

**ГЛОБАЛЛАШУВ** — иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ва бошқа турли соҳаларда миллий давлат чегараларининг шаффофлашув жараёни.

**ГЛОБАЛ (УМУМБАШАРИЙ) МУАММОЛАР** — ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга даҳлдор бўлган муаммолардир. Глобал муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда ўзаро алоқаларнинг бузилганини англатади. Глобал муаммолар янги уруш хавфи, ядро уруши, озон муаммоси, экология, Орол муаммоси ва бошқаларни ўзида мужассамлаштиради. Глобал муаммолар тизимидаги экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бизнинг замонамизда инсоният учун катта хавф-хатар манбаи сифатида баҳоланмоқда. Глобал муаммолар ечимини топиш, умуминсоний маданият, хусусан, умуминсоний ахлоқ тамойилларига амал қилишни, ошкораликни, ҳамжихатликни, инсон ақл-идроқини эзгу ишларга йўналтиришни, шу асосда, инсон билан табиат ўртасидаги уйғунликни таъминлашга эришишни тақозо этади.

**ДЕМОКРАТИЯ** (юнонча „demos“ — халқ ва демократия) — фуқаролар эркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда ўрнатилган ва юзага чиқарилган сиёсий тузум. Демократия давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократиянинг асосий талаблари: кўпчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг ҳуқуқлиги, улар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимояланган,

конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг бўлиниши, давлат бошлиғи ва ваколатли органларнинг сайлаб қўйилиши. Давлат билан бирга вужудга келган демократия инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шарт-шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадриятлар, менталитет, анъаналар мавжуд. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин, демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар, албатта, ҳисобга олинади.

**ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК** — хилма-хил диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир замин, бир Ватанда, олижаноб гоё ва ниятлар йўлида ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаши.

**ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ** — 1221—1231 йилларда мўғилларга қарши озодлик курашига бошчилик қилган буюк саркардамиз. Асл исми Жалолиддин Манқбурни. Саркарданинг яқин сафдоши Шаҳобиддин Насавийнинг таърифича, унинг бурни олдида қора холи бўлган. Манқбурни сўзи ҳам шу бурун олдидаги хол билан боғлиқ бўлиши мумкин.

**ЖАНГОВАР ШАЙЛИК** — қўшинларнинг жанговар ҳаракатларини белгиланган муддатда бошлай олиш қобилиятини ва қўйилган вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган ҳолати.

**ИДЕАЛ** — мутлақ баркамоллик, бундай баркамоллик ҳақидаги тасаввур.

**ИЖТИМОЙ ПРОГНОЗ ҚИЛИШ** — келажакни муайян тарзда даврийлаштиришни назарда тутати.

**ИЖТИМОЙ ФАОЛ ИНСОН** — тафаккурида ақл ва антиақл, маъно ва маъносизлик, мўлжал ва тасодиф, онг ва онгсизлик, инсонпарварлик ва антигуманизм яхлит ҳолда мужассамлашган инсон. Ноаниқлик, андишасизлик ва ёлғон-яшиқлар майдонидаги жангчи.

**ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК** — одамлар томонидан амалга ошириладиган фаолият тури сифатида намоён бўлади. Айни вақтда ижтимоий фаоллик муайян одамнинг у ёки бу тарзда амалга оширган фаолиятининг жамият манфаатига йўналтирилганида намоён бўлади.

**ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК** — турли миллат, ирқ ва динга мансуб кишилар ва гуруҳларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ (1939–1945)** — Германия, Италия ва Япониянинг айби билан бошланган жаҳон тарихидаги энг йирик уруш. XX аср фожиаси сифатида инсоният тарихига кирди. Мазкур урушда ўзбекистонлик кўплаб жангчилар ҳалок бўлганлар.

**ИНСОН** — киши, унинг онги, одоб-ахлоқи, маънавияти, дунёқараши, талаб ва эҳтиёжларининг қондирилиши ижтимоий-иқтисодий, сиёсий муносабатларга, ижтимоий тузум моҳияти ва табиатига бевосита боғлиқдир. Жамият қандай бўлса, ижтимоий муносабатлар мажмуи бўлган инсон ҳам унга мос бўлади. Инсон — дунёда энг мураккаб, олий мавжудот, Яратганнинг юксак маҳсули, ҳаёт гули. Инсоннинг бебаҳолиги — унинг ақл-идрок ва тафаккурга эга эканида намоён бўлади.

**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЭЛИТА** — зиёлиларнинг туғма эмас, балки функционал типи. Интеллектуал элита танқидий, мустақил фикрлаши билан тавсифланади. Эрта ривожланиш ва катта қобилиятга эга бўлиш эмпирик мезон бўлиб хизмат қилади. Интеллектуал элита масалаларини ўрганишга бағишланган коллектив монография муаллифлари қайд этганидек, „туғма қобилият ўз ҳолича ҳеч нарсани ҳал қилмайди“.

**ИРҚЧИЛИК** — одамлар ўртасидаги ижтимоий тенгсизлик, босқинчилик, зўравонлик ва урушларни кишиларнинг турли ирқларига мансублиги билан оқлашга хизмат қиладиган гайримиллий таълимот. Ирқчилар инсонларнинг ижтимоий моҳиятини уларнинг био-

логик — ирқий (кўзи, сочи ва терисининг ранги, бош ва юз тузилиши каби ташқи, иккинчи даражали жисмоний) белгилар билан боғлаб, уларни олий ва қуйи, бекаму кўст ва норасо ирқларга ажратади.

**ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН** — македониялик Александрга Ўрта Осиёликлар берган ном (икки шохли Искандар) маъносида.

**ИСЛОМ** — арабча сўз бўлиб, „Худого ўзини топшириш“, „итоат“, „бўйсунуш“ маъносини англатади.

**ИСТИҚЛОЛ** (араб. — озодлик, мустақиллик, эркин бўлиш) — инсон, миллат, давлатнинг эркин ривожлана олиш имкониятини ифода этадиган тушунча. „Истиқлол“ сўзи „мустақиллик“ сўзининг ўзаги ҳисобланади ва унга нисбатан бирламчи асос вазифасини ўтайди. Араб тилидан кириб келган бу сўзлар асрлар давомида қўлланиб, ўзбек халқи тафаккурига сингиб кетган. Мустақилликка эришиш истиқлолнинг тўла маънода воқеликка айлангани, яъни бошқаларга тобе бўлмасдан, эркин ва озод яшаш, ўзини ўзи бошқариш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш каби тамойилларнинг тўла амалга ошганини билдиради.

**ИҚТИСОД** — мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, хулосани топиш демакдир.

**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ** — „Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури „Таълим тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, таълим соҳасидаги миллий тажриба, жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқболдаги вазифаларни ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, давлат, жамият ва оила олдида масъулиятни ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

**КОНСТИТУЦИЯ** (лотинча „constitutio“ — тузилиш, тузук) — давлатнинг асосий қонуни. У давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, сайлов тизими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, суд тизимини белгилаб беради. Конституция барча жорий қонунларнинг асоси ҳисобланади.

**МАДАНИЯТ** — „маданий“, „шаҳарлик“ деган маъноларни билдиради. Кейинчалик „маърифатли бўлиш“, „тарбияли“, „билимли бўлиш“ маъноларида ишлатилган.

**МАЪНАВИЙ МЕРОС** — қадим замонлардан бери аجدодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар — сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, ахлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир.

**МАЪНАВИЯТ** — (арабча „маънолар мажмуи“) — кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввур ва тушунчалари мажмуи. Маънавият „мафкура“, „тафаккур“ тушунчаларига яқин ва улар бир-бирини тақозо этади. Маънавият инсоннинг бутун умри давомида унинг кучига куч қўшадиган, идрок ва ақл-заковатини кенгайтирадиган ва мустаҳкамлайдиган восита саналади. Маънавият маънавий бойликлар, қадриятлар, давлат, халқ, миллат, жамият, айрим шахсларнинг бебаҳо хазинаси ва тараққиёт манбаидир. Мустақиллик туфайли ўзбек халқининг кўп асрлик бой тарихий, илмий, маданий ва диний меросини ўрганиш, ундан халқнинг умумий ва бебаҳо мулки сифатида фойдаланишга кенг йўл очилди.



**МАЪРИФАТ** — (арабча „арафа“ — „билмоқ“ сўзидан) — таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онгини, билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. „Маърифат“ тушунчаси „маънавият“ ва „маданият“ тушунчалари билан чамбарчас боғланган; маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир.

**МАҲАЛЛА** — (арабча „маҳалла“ — жой, ўрин, макон) — Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, уюшма.

**МАҲАЛЛИЙ МУАММОЛАР** — тушунчаси юқорироқ даражадаги муаммоларга, аниқроқ айтганда, айрим мамлакатларга ёки йирик мамлакатларнинг анча катта ҳудудларига тегишли бўлган муаммоларга нисбатан татбиқ этилади. Бу ўринда одатда кучли зилзилалар, йирик сув тошқинлари ёки, масалан, кичик давлатдаги фуқаролар уруши назарда тутилади.

**МАҲМУДХҲҲА БЕҲБУДИЙ** — 1875–1919 йилларда яшаган. Туркистон жадидчилиқ ҳаракатининг асосчиларидан бири. Халқни маърифатга чорлаган ва маърифатни, миллий озодликка эришишнинг асосий омили, деб ҳисоблаган.

**МЕНТАЛИТЕТ** — (лотинча „mens“ — ақл-идрок) — жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахснинг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, уларнинг ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти, руҳий қуввати.

**МИЛЛАТ** — узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этно-маданий жараёнда, аниқ худудий доирада, тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланган халқ этник тарихининг энг юксак чўққиси, ўзига хос маданият, онг ва менталитет заминида таркиб топган ижтимоий бирлик шакли. Миллат кишиларнинг жипс тарихий бирлиги, умумиқтисодий турмуш, тил, худуд бирлиги, маданият, онг, руҳият уйғунлиги ва муштараклиги демакдир.

**МИЛЛАТЧИЛИК** — ўз миллатининг манфаатларини бошқа миллатлар ҳақ-ҳуқуқларидан юқори қўйиб ҳал этишга интиладиган сиёсий оқим.

**МИЛЛИЙЛИК** — муайян халққа хос бўлган, унинг бошқалардан фарқини кўрсатадиган хусусиятлар мажмуи. Миллийлик миллатнинг тарихи, қадриятлари, анъаналари, маданияти, яшаш тарзида яққол намоён бўлади.

**МИЛЛИЙ МАНФААТ** — шахс, жамият ва давлатнинг прогрессив тараққиётидаги ҳаётий муҳим манфаатлар йиғиндиси тушунилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон миллий манфаатлари — бу фуқаро, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмасидан, иқтисодий ҳаёт даражасидан, тарихий-жуғрофий жойлашувидан, миллий ва маданий урф-одатларидан келиб чиққан объектив эҳтиёжлардир. Манфаатлар ижтимоий фаолиятнинг кўп қирралилиги ва кўп жиҳатлилигига асосланиб, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, технологик, инфорацион, экологик соҳаларда акс этади. Миллий манфаатлар асосида давлатнинг бошқарув идоралари ва институтлари томонидан шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоялаш истак ва мақсадларини акс эттирадиган давлат сиёсати мақсадлари ишлаб чиқарилади ва шакллантирилади. Миллий манфаатлар моҳияти миллий қадриятлар асосида белгиланади.

**МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ** — муайян элат, миллатга, унинг аجدодларига хос бўлган ғоят қимматли маънавий бойликлар.

**МИЛЛИЙ МУАММОЛАР** — тушунчаси ижтимоий-сиёсий ва илмий муомалада баъзан муайян давлат ёки миллий ҳамжамиятнинг маълум қийинчиликлари, ғам-ташвишларини акс эттиради. Миқёсига қараб, улар минтақавий ёки маҳаллий муаммолар сифатида талқин қилиниши мумкин.

**МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ** — ҳар миллатнинг ўзини реал мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликларни ифода этадиган ягона тил, урф-одат, анъана ва қадриятларга, давлатга мансублигини, манфаат ва эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етишидир. Миллий ўзликни англаш миллат шаклланишининг муайян, нисбий, юқори босқичининг мезони ҳисобланади.

**МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ** — миллат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ қадрият шакли.

**МИЛЛИЙ ҒОЯ** — муайян миллат ҳаётига мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи. У миллатнинг ўтмиши, бугуни ва истиқболини ўзида мужассамлаштиради, унинг туб манфаатларини, мақсадларини ифодалайди. Миллий ғоя, ўз моҳиятига кўра, халқ, миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки узок муддатда ҳал этилиши керак бўлган вазифа ва мўлжалларни ҳам акс эттиради.

**МИЛЛИЙ ҒУРУР** — ҳар бир миллатнинг ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий кайфият. Бу туйғу ўз авлод-аждодлари томонидан қолдирилган моддий-маънавий меросдан, миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан ўзга миллатлар олдидаги қадр-қиммати, обрў-эътибори билан фахрланиш ҳиссиётидир. Миллий ғурур ўз миллатининг чинакам фидойиси бўлган ҳар бир инсонга хос руҳий туйғудир.

**МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР** — айрим қитъалар, дунёнинг йирик ижтимоий-иқтисодий ҳудудлари ёки анча йирик давлатларда юзага келадиган муҳим масалалар доирасини қамраб олади.

**МОНАРХИЯ** (юнонча „monarchia“ — якка ҳокимлик) — давлат бошқаруви шакли. Бунда давлат бошлиғи монарх ҳисобланади. Монархиянинг 2 тури мавжуд: мутлақ (абсолют) монархия, бунда монархнинг тўла ҳокимиятини чеклайдиган бирон-бир давлат органи бўлмайди; конституциявий монархия, бунда монарх ҳокимияти конституция асосида амал қиладиган муайян ваколатли орган билан чекланган бўлади, яъни қонунчиликни парламент, ижро ҳокимиятини ҳукумат олиб боради.

**МУАЛЛИМИ СОНИЙ** (Иккинчи муаллим) — буюк аллома Абу Наср Форобийга дунё илм аҳли томонидан берилган ном.

**МУБОРАК ҚАДАМЖОЛАР** — буюк аждодларимиз, азиз-авлиёларимиз қадами теккан ва улар дафн этилган жойлар, зиёратгоҳлар.

**МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ** — ўз тасарруфидаги қўшинлар бошқарувини амалга оширадиган, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасидаги давлат сиёсатини юритадиган вазирлик.

**МУСТАҚИЛЛИК** — давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмасдан фаолият кўрсатиши. Мустақиллик тамойилларига риоя этиш давлатлараро муносабатларда етакчи, ҳукмрон қоидадир. Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини тан олиш ўзаро тинч-тотув яшашнинг принципларидан биридир. У БМТ Низоми ва халқаро шартномалар ва декларацияларда мустаҳкамлаб қўйилган.

**МҚ** — Марказий қўмита.

**НКВД (ўзбекча ИИХК)** — советлар давридаги Ички ишлар халқ комиссарлиги.

**ОЛИЙ БОШ ҚҶМОНДОН** — қуролли Кучларга сиёсий раҳбарликни амалга оширадиган бош қўмондон.

**РЕНЕССАНС** (французча „renaitre“ — қайта юзага келмоқ, янгидан туғилмоқ) — Марказий Осиё, Эрон, Хитой (IX—XII ва XV асрлар), Ғарбий Европада юз берган алоҳида маданий ва фалсафий тараққиёт даври. „Ренессанс“ атамаси дастлаб Италиядаги маданий-маънавий юксалиш (XIV—XVI асрлар)га нисбатан қўлланган, уни ўрта асрчилик турғунлигидан янги даврга ўтиш босқичи деб баҳолаганлар. Ренессанснинг асосий

аломатлари: тафаккурда ва илму ижодда догматизм, жаҳолат ва мутаассибликни ёриб ўтиб, инсонни улуғлаш, унинг истеъдоди, ақлий-фикрий имкониятларини юзага чиқариш; антик давр (юнон-рум) маданиятига қайтиб, уни тиклаш, бойитиш; черков схоластикасидан қутулиб, адабиёт ва санъатда дунёвий гўзаллик, ҳаёт тароналарини қизгин куйлаш; инсон эрки, хурфикрлилик учун курашиш. Бунинг натижаси ўлароқ, ижодий қудрат ва тафаккур кучини намойиш этадиган улугвор бадий асарлар, салобатли бинолар яратилди, илм-фан ривожланди.

**СИЁСАТ** — юнонча сўз бўлиб, мазмуни давлат ёки жамоат ишларини англатади. Сиёсат — катта ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, давлатларнинг ички ва ташқи муносабатлар соҳасидаги фаолиятини англатади.

**СУВЕРЕНИТЕТ** (французча „*souverainete*“ — олий ҳокимият) — ҳокимиятнинг устунлиги ва мустақиллиги. Суверенитетни ҳурматлаш — халқаро ҳуқуқ ва муносабатларнинг асосий принципи. У БМТ Низоми ва бошқа халқаро ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилган. Конституциявий ҳуқуқ фанида давлат суверенитети, миллат суверенитети, халқ суверенитети тушунчалари ишлатилади.

**ТАРАҚҚИЁТ** — нарса ва ҳодисаларнинг орқага қайтмас йўналишга эга бўлган қонуний ўзгариши. Тараққиёт борлиқнинг энг умумий хоссаларидан бири бўлиб, у нарсанинг янги сифат ҳолатига ўтишида таркиби ва тузилишининг хоссалари, алоқа ва муносабатларининг ўзгариши каби ҳолатларда ўз ифодасини топади. Ҳар қандай тараққиёт реал вақтда содир бўлади ва унинг орқага қайтмас йўналишга эга ўзгариш эканини намоён қилади.

**ТАРИХ** — 1) табиат ва жамиятдаги ҳар қандай ривожланиш жараёни. Шу маънода оламнинг яратилиш тарихи, Ер тарихи, барча фанлар тарихи ва бошқалар тушунилади; 2) инсоният ва унинг маҳсули бўлган тамаддунлар ривожини, жамият ва давлатлар ўтмиши тараққиёти жараёнини ўрганадиган фан.

**ТАРИХ ФАНИ** — инсониятнинг бутун ўтмиши давомида жамият ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, жараёнларни (жамият ривожини) яхлит бир тарзда ўрганади. Тарих фани ижтимоий-гуманитар фанлар (фалсафа, социология, иқтисод, психология, санъатшунослик ва б.) тизимининг таркибий қисми. Тарих фанининг бу гуруҳдаги ўрни унинг тадқиқот предмети ва усуллари билан белгиланади. Турли ижтимоий ва гуманитар фанлар жамият ҳаётининг алоҳида жиҳатларини ўрганса, тарих фанининг тадқиқот объекти — аҳоли, жамият, мамлакат, давлат ҳаётининг ўтмиши ва ҳозирги куни ҳақидаги фактларни йиғиш, таҳлил қилиш, тўпланган билимларни маълум бир тизимга солиш ва назарий жиҳатдан умумлаштиришдир. Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, тарихни ҳаракатлантирадиган сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради. Ижтимоий ва гуманитар фанлар тарих тадқиқотлари натижаларига таянади. Фанлараро ёндашув жамият ҳақидаги яхлит тасаввурни шакллантириб, ўтмиш ва ҳозирги кунни англаш орқали жамият ривожини истиқболини кўра билишдек муҳим вазифани ҳал қилади.

**ТАФАККУР** — объектив олам инъикосининг олий шакли, тушунчалар, назария ва ҳоказоларда нарса ва ҳодисаларнинг муҳим боғланиш ва алоқаларини акс эттириш, янги назария, ғоялар яратиш, бўлажак жараёнларни башорат қилиш каби ҳолатларда намоён бўладиган фаол жараёндир. Тафаккур кишиларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида пайдо бўлади.

**ТҶМАРИС** — массагетлар етакчиси. Айрим манбаларда туморли қиз бўлса керак, деб тахмин қилинади.

**УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТ** — барча халқлар учун ижобий аҳамият касб этадиган, моддий ва маънавий манфаат, мезонлар мажмуи.

**ФЕНОМЕН** — инсон ҳиссий билиш тажрибаси орқали англаб етган ноёб ҳодиса.

**ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ** — конституциявий ҳуқуқ назариясида ҳуқуқ ва демократияга асосланган ижтимоий ҳаётнинг зарур оқилона усули; инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шакллари эркин танлаш кафолатланадиган, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари қарор топадиган, кўп партиявийлик, сиёсий институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланадиган ҳамда ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи баланд бўлган ижтимоий тузум. Бунда мамлакатнинг ҳар бир фуқароси сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини жамоат бирлашмалари ва фондлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, сиёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ишида фаол иштирок этиб, улар орқали қондиради.

**ХОТИРА** — атроф-муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантиқий ва механик йўл билан акс эттирадиган, эсда сақлаб қолиш, эсга тушириш, унутиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён, алоҳида ва умумий тарзда намоён бўладиган ижтимоий ҳодиса, барча таъсирларни ижодий қайта ишлашга йўналтирадиган қобилият, фаолият. Хотира — тасаввур ва тушунчаларнинг ҳиссиётдан сўнг сақланиб қолиши, бошқача айтганда, бу тасаввурлар, образлар сақланадиган жойдир. Хотира бўлмаганда эди, инсон фикрлаш жараёнида хулоса, ҳукм чиқара олмас, империк ҳаётдан бошқа нарсани билмас эди. Хотира психологияда индивиднинг олам билан ўзаро таъсири натижаларини сақлаб қолиши, бу сақлаб қолиш мазкур натижаларни кейинги фаолиятда қайта ҳосил қилиш ва улардан фойдаланиш, уларни қайта ишлаб, тизимларга бирлаштириш имкониятини беради, у воқеликнинг муайян индивид томонидан тузилган психик моделлари руҳий намуналарининг мажмуидир. Хотира тафаккур ва ундан ҳосил бўлган фаолият турлари билан маҳсулнинг жараён билан алоқаси каби боғлиқ бўлади.

**ХОТИРА МАЙДОНИ** — Тошкент шаҳридаги меъморий мажмуа; 1999 й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида барпо этилган. Мустақиллик майдони шимолидаги хиёбонда, мангу олов ёдгорлиги атрофида жойлашган бўлиб, майдон кенглигини давом эттириб туради. Майдоннинг тўрига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган (ҳайкалтарош И. Жабборов). Хиёбоннинг узунлиги 60 метр, унинг шимолий ва жанубий томонида айвонлар қад кўтарган, айвонлар тоқчаларига ўрнатилган металл тахталарга Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган Ўзбекистонлик барча жангчиларнинг исми-шарифи битилган. Айвонлар миллий анъанавий меъморлик услубида устунли, вассажуфтли қилиб қурилган.

**ЧЕГАРА РАЙОНИ** — чегара қўшинларининг ҳарбий-маъмурий ва оператив бирлашмаси.

**ШОВИНИЗМ** — миллатчиликнинг ўзига хос шакли, бошқа миллатларни менсимаслик ва ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими ва амалиёти.

**ЭКОЛОГИК МУАММО** — жонли организмларнинг атроф-муҳит билан мувозанатининг бузилиши.

**ЭКОЛОГИЯ** — жонли мавжудотларнинг ўзини қуршаган муҳит билан ўзаро муносабати ҳақидаги фан.

**ЭЛИТА** — (лотинча „eligo“ сўзидан) — „танлаш“ деган маънони англатади. Ўз-ўзидан равшанки, зиёлиларнинг ранг-баранг қатламида уларнинг сара нусха ва типажлари алоҳида ажралиб туради. Шу сабабли зиёлилар муҳитида интеллектуал элита доимо мавжудлигини дадил тахмин қилиш мумкин.

**ЭРОН АҲАМОНИЙЛАРИ** — мил. ав. VII аср бошларида форсларнинг нуфузли оилалари вакили Аҳамон Эронда ўз сулоласига асос солади. Ўрта Осиёга бостириб кирган Кир II

ва Доро шу сулола вакиллари бўлгани учун тарихда Эрон аҳамонийлари номи билан қолган.

**ЭТНОГЕНЕЗ** — халқлар ёки миллатларнинг келиб чиқиши.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ** — мамлакатимиз миллий манфаатларини, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ҳамда аҳолининг тинч ҳаётини ҳимоя қилиш, урушлар ва қуроли моjarолардан, ташқи тажовузлардан ҳимояланиш учун давлат томонидан ташкил этилган ва сақлаб туриладиган ҳарбий бирлашмалар, қўшилма ва қисмлардир.

**ЎЗ ИМКОНИАТЛАРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ** — ўзининг бетакрор моҳиятини фаолиятда намоён этадиган ва гавдалантирадиган ҳар бир индивид ахлоқий фаолиятининг мақсади.

**ҚАДРИЯТ** — воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият ва инсон учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида ва ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий хислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум ва бошқалар ҳисобланади.

**ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР** — ҳужум ёки мудофаа урушларини олиб бориш мақсадида давлат томонидан таъминланадиган қуролланган кишиларнинг уюшган қўшилмаси, сиёсий ҳокимиятнинг энг муҳим қуролларидан бири.

**ҲАРБИЙ ДОКТРИНА** — давлатнинг ҳарбий ва мудофаа соҳасидаги умумий принципларини белгилаб берадиган устувор йўналишлар.

**ҲАРБИЙ ОКРУГ** — қўшилма, ҳарбий қисм ва ҳарбий таълим муассасалари ҳамда турли ҳарбий идораларнинг (ҳарбий савдо, уй-жойдан фойдаланиш қисмлари, таъмирлаш заводи ва устахоналари, ҳарбий шифохона, омборхона ва шу кабилар) умумқўшин бирлашмаси.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013.
2. Ўзбекистон Республикасининг „Мудофаа тўғрисида“ги Қонуни (Янги таҳрири), 2001 йил 11 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонуни, 2002 йил 12 декабрь.
4. Каримов И.А. Тарихий хотира ва инсон омили буюк келажагимизнинг гаровидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2012.
5. Каримов И.А. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013.
6. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. — Т.: Шарқ, 1998.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
11. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари — энг олий қадрият. — Т.: Ўзбекистон, 2005.
12. Каримов И.А. Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш — мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезони. Асарлар, 19-жилд. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
13. Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисида сўзланган нутқ. // „Халқ сўзи“, 2010 йил 22 сентябрь.
14. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. // „Халқ сўзи“, 2012 йил 20 январь.
15. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Асарлар, 5-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
16. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маъруза. // „Халқ сўзи“, 2010 йил 13 ноябрь.
17. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1998.
18. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон, 1998.
20. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
21. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Асарлар, 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
23. Каримов И.А. Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир. — Т.: Ўзбекистон, 2003.

24. *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2005.
25. *Каримов И.А.* Аҳмад Фаргоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
26. *Каримов И.А.* Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш — барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Асарлар, 15-жилд. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2007.
27. *Каримов И.А.* Тинчлик ва осойишталик — барча ютуқ ва марраларимизнинг асосидир. // „Халқ сўзи“, 2013 йил 10 май.
28. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустақкам пойдевордир. / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // „Халқ сўзи“, 2009 йил 6 декабрь.
29. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги „2012 йил Ватанамиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. — Т.: „Ўқитувчи“ НМИУ, 2012.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2009 йил 3 августдаги Қарори.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги 2010 йил 17 июнь Қарори.
32. Ўзбекистон Республикасининг „Ватан ҳимоячилари кунини белгилаш тўғрисида“ги Қонуни, 1993 йил, 29 декабрь.
33. Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир / Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.//Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, 2007 йил 11 декабрь.
34. *Аббосхўжаев О.* Мустақил бўлсанг — мустақил бўл, Давлат бўлсанг — давлат бўл!/ Ватан ҳимояси муқаддас бурч. — Т.: Ўзбекистон, 2001
35. *Абдуқаҳҳор Иброҳимов.* Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. / Сўз боши: И.Ғафуров. — Т.: Шарқ, 2001.
36. *Абдурахмонов А.* Улугбек академияси. — Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993.
37. *Абдулла Авлоний.* Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. — Т.: Ўқитувчи, 1992.
38. *Айтматов Ч., Шохонов М.* Чўққида қолган овчининг охи-зори. Т.: Шарқ, 1998.
39. *Алишер Навоий.* Ҳайрат ул-аброр. / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ.; Сўз боши муаллифи А. Ҳайитметов; Масъул муҳаррир: В. Раҳмонов. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
40. *Ашурова З.* Шу замоннинг ёшлари [Ёшларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштироки ҳақида] // „Халқ сўзи“, 2005 йил, 10 март.
41. *Аҳмедов Б.А.* Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари (қадимги ва ўрта асрлар). Олий ўқув юрғларининг тарих факультети талабалари учун қўлланма. — Т.: Ўқитувчи, 1991.
42. *Аҳмедов Б.А.* Амир Темурни ёд этиб. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
43. *Бехбудий М.* Туркистон тарихи керак. // „Ойна“, 1914 йил, 38-сон.
44. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. Илмий-оммабоп рисола. — Т.: „Ўқитувчи“ НМИУ, 2011.

45. Ватан ҳимояси муқаддас бурч. — Т.: Ўзбекистон, 2001.
46. Доклад о развитии человека 2010. — Реальное богатство народов: пути к развитию человека. — ПРООН, 2010. С. 22.
47. *Жўраев Н.* Тарих фалсафасининг назарий асослари. — Т.: Маънавият, 2008.
48. *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. — Т.: Шарқ, 2002.
49. *Зиёев Ҳ.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: Милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача. — Т.: Шарқ, 2001.
50. *Иноятов И.Ю., Жуманазаров Х., Қурбонов Р.Ю.* Мустақиллик ҳимоясида. — Т., 2003.
51. Инсон хотираси — боқий, қадр-қиммати — улуг. „Халқ сўзи“, 2012 йил 10 май.
52. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
53. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. / Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // „Халқ сўзи“, 2009 йил 6 декабрь.
54. „Ўзбекистон — дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга“. // „Халқ сўзи“, 2011 йил 4 октябрь.
55. „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti“ мавзусидаги халқаро конференция материаллари. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2012.
56. „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида. // „Халқ сўзи“, 2013 йил 1 август.



---

---

## МУНДАРИЖА

СУЗ БОШИ (С.Т.Саидолимов).....	3
1-БОБ. Иккинчи жаҳон урушининг халқимиз қалбида қолдирган жароҳатлари (Қ.Эргашев, И.А.Абдурахмонов).....	7
2-БОБ. Афғонистонда давом этаётган уруш бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорлик учун энг катта хавф-хатардир (А.Мухторов, Т. Султонов).....	21
3-БОБ. Ўзбекистоннинг ўз сиёсати ва мақсадларини ҳаётга татбиқ этишда куч-қувват бағишлайдиган омил ва мезонлар (А.А.Маврулов).....	36
4-БОБ. „Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида.....	48
Хулоса (С.Т.Саидолимов).....	55
Назорат саволлари.....	57
Тест саволлари.....	58
Глоссарий.....	67
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	75

*Президент Ислом Каримовнинг*

**„ЎЗБЕК ХАЛҚИГА ТИНЧЛИК ВА ОМОНЛИК КЕРАК“**

**рисоласини ўрганиш бўйича**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

Нашр учун масъул илмий-ижодий гуруҳ:

**М.Комилов, У.Ғафуров, М.Амонбоев**

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи*  
*Тошкент — 2013*

Муҳаррир *Л. Жўраев*

Бадий муҳаррир *Г. Шоабдурахимова*

Техник муҳаррир *Е. Степанова*

Саҳифаловчи *Е. Степанова*

Мусаҳҳиҳ *М. Иброҳимова, Т. Мирзаев*

Нашриёт лицензияси АИ №161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга  
рухсат этилди 08.11.2013. Бичими 60x84 1/8. Кегли 12,5 шпонли.

Тайме гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози.

Босма т. 10,0. Шартли б.т. 9,30. Ҳисоб-нашриёт т.6,0. Адади 3500 нусха.  
Буюртма № 290-13.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
Тошкент — 129. Навоий кўчаси, 30-уй.//Тошкент, Юнусобод даҳаси,  
Янгишаҳар кўчаси, 1-уй. Шартнома № 07-136-13.

**66.3(5Ў)6**  
**Ў 32**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг  
„Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак“ рисоласини ўрганиш  
бўйича ўқув қўлланма. / Нашр учун масъул илмий-ижодий гуруҳ:  
М. Комилов, У. Фафуров, М. Амонбоев; Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. — Т.: „O'qituvchi“ НМИУ,  
2013. — 80 б.

ISBN 978-9943-02-702-2

**УЎК: 323(575.1)(075)**  
**КБК 66.3(5Ў)6 уз722**

„O'qituvchi“ NMIU  
100206, Toshkent sh., Yangishahar ko'chasi, 1.  
Tel.: (+99871) 224-04-12  
E-mail: [info@oqituvchi.uz](mailto:info@oqituvchi.uz)  
Web-site: [www.oqituvchi.uz](http://www.oqituvchi.uz)

ISBN 978-9943-02-702-2



9 789943 027022